

УЙДА ҚОЛИНГ! ЎЗИНГИЗНИ КОРОНАВИРУС БАЛОСИДАН АСРАНГ!



КОРРУПЦИЯ:
оқибат эмас,
сабабларга қарши
курашиш муҳим

7

ОЧИҚЛИК
— халқ олдида
ҳисобдорликнинг
муҳим мезони

3




[@mahalladoshuz](#)

[@mahalladosh_uz](#)

[www.mahalladosh.uz](#)

№23
(1932-1935) 2020 йил
2 — 9 июль

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Маҳалла

Ижтимоий-сиёсий, маданият-ахлоқий, маърифий газета

ИМТИЁЗЛАР

қанчалик
адолатли
тақсимланади?



5

ЁҒ

нархи яна
қимматлашадими?



11

ЯНГИ ЗАВОД

«GM»
монополиясига
чек кўядими?



15

ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР

иқтисодиётни
инқироздан қанчалик
сақлаб қолади?



16



ИПОТЕКА КРЕДИТИ:

200 миллион
сўмлик уй учун
615 миллион
сўм фоиз тўлаш
қанчалик адолатли?

12



ПОЙТАХТ нега
оғир жиноятлар
марказига
айланмоқда?

23

КАШМИР
яна катта
уйинлар
гирдобида

29

ТОМОРҚАЧИЛАРГА ON-LINE ТАРЗДА МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ



Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 июнда «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Ҳужжат билан аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш учун «Томорқа хизмати» МЧЖларга иссиқхона, совуқтичи омбухоналар, чорвачилик мажмуалари қуриш учун **асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ер майдони, вилоятлар ва туман(шаҳар)лар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум пунктларида махсус савдо майдонлари ажратилади.**

Шунингдек, «Томорқа хизмати» МЧЖлар кузатув кенгашлари таркибига туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси **аъзо бўлиб киритилади.**

Кредит учун кафиллик берилади

Қарорга мувофиқ, кластер усулида фаолият юритадиган «Томорқа хизмати» МЧЖларга 3 йил муддатга кредит ёки уларнинг устав капиталига кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан улуш ажратилади. Аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун **20-30 тонналик кичик ҳажмли совуқтичлар барпо этиш учун кредит берилади.**

Бундан ташқари, Марказий банкнинг асосий ставкасида уч ой имтиёз давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларида самарали фойдаланиш йўналишида **2 миллион сўмгача Оилавий тадбиркорлик маркази хулосасисиз On-line тарзда томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш тизими жорий этилади.**

2023 йил 1 январга қадар «Томорқа хизмати» МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига

бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг **50 фоизгача, бироқ 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик** берилади. Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига ажратиладиган **кредитлар фойз ставкасининг 7,5 фоизли пунктгача қоплаб бериш** тизими жорий этилади.

Томорқа эгалари ўқитилади

Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан белгиланган тартиб асосида камида 30 та аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш харажатларининг **70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайди**ган қисмини қоплашга субсидия ажратилади. Ҳар йили 1 апрель ва 1 августга қадар **сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида қазиладиган қудуқларнинг манзилли дастури** шакллантирилади ва тасдиқланади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланган ҳолда икки марта ҳосил олиш ишларини ташкил этади.

«Томорқа хизмати» МЧЖлар тақлифлари асосида уларнинг ходимлари ва бирга ишловчи томорқа ер эгаларининг малакасини ошириш тизимли равишда ташкил этилади.

Ўза материали асосида тайёрланди.



ОБОДЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Пойтахтимизда «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» тамойили асосида ўтказилаётган долзарб уч ойлик доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари кўлами кенгайиб бормоқда.

Мирзо Улугбек туманидаги «Алпомиш» маҳалласи фаоллари ҳамда Миллий гвардия хизматчилари ҳамкорликда йиғин ҳудудини тозалаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишди. Бундай бунёдкорлик ишлари янги кўринишга эга бўлаётган хонадон соҳибу соҳибаларига бир олам қувонч улашаётир. Уй-жойига эътиборли бўлиш, обод ва озода гўша завқини туйиб яшаш ҳиссини янада кучайтирмоқда.

— Маҳалламизда 12 та кўча мавжуд бўлиб, долзарб уч ой-

лик лойиҳалари барча кўчаларда амалга оширилмоқда, — дейди **Йиғин раиси Қаршибой Халилов**. — Босқичма-босқич бундай улғувор ишлар эҳтиёжман, кам таъминланган оилалар хонадонини ҳам қамраб олади. Ўз навбатида, бундай оилаларни таҳлил қилиб, камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади. Ободлик, озодлик бор жойда файзу барака бўлади, дейишади. Уйлайманки, бундай саъй-ҳаракатлар орқали одамларнинг турмуш даражаси янада ошади.

Носир ҲАЙДАРОВ.

«ЁШЛАР МЕҲНАТ ГУЗАРИ» ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Ўбдин» маҳалласида «Ёшлар меҳнат гузари» мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Мажмуа 1,4 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилиб, унда савдо дўконлари, тикувчилик, эшик ва ром, нон ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари цехлари, сартарошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган.

— Меҳнат гузаридида ҳозирча 11 нафар йигит-қиз ишли бўлди, —

дейди тадбиркор **Ислом Нажмиддинов**. — Келгусида мажмуа янада кенгайтириб, кўшимча 22 та янги иш ўрнини яратиш режалаштирилган. Берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, маҳалладошларимиз бандлигини таъминлаётганимиздан хурсандимиз.

Сарвар КАРИМОВ.



«МАҲАЛЛА МАРКАЗИ» ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Жиззах вилояти Фориш туманидаги Боғдон шаҳарчасида «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимнинг биноси реконструкция қилиниб, «Маҳалла маркази»га айлантирилди. Замонавий меъморий кўринишга эга иншоотнинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

— Бино замонавий мебеллар, компьютер жамланмалари, алоқа воситалари билан таъминланган, — дейди **вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Назира Мухторова**. — Интернет тармоғига улан-

ган хоналарда муассаса ходимлари ва келиб-кетувчилар учун барча шароитлар яратилган. Жорий йилда вилоятимизда бундай марказлардан бир нечасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Севинч ҲУСАНОВА.



Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Асл кадрларимиз бўлган маҳалла ва оила институтларини ривожлантириш, уларнинг халқимиз ҳаётидан янада мустаҳкам жой эгаллашини таъминлаш бугунги кундаги долзарб масаладир. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизими фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар ушбу мақсадни тўла-тўқис рўёбга чиқаришга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу маънода яқинда тасдиқланган «Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари томонидан йилнинг ҳар чорағида тегишли халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборот бериш тартиби тўғрисида»ги Низом бу борадаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.



ОЧИҚЛИК— ХАЛҚ ОЛДИДА

Ҳисобдорликнинг муҳим мезони

Таъкидлаш жоизки, мазкур Низомда кўзда тутилган тартиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолатларни халқ томонидан назорат қилиниши механизмининг кўзда тутгани. Аслида Президентимизнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари ҳар чорақда тегишли халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборот бериши вазифа қилиб белгиланган эди. Низомда бу борада амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар батафсил акс эттирилган.

Маҳалла ва оила муҳити, хотин-қизлар масалаларига эътибор қаратилади

Ҳужжатда вазирлик ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг маҳаллий кенгашларга ахборот бериши лозим бўлган асосий йўналишлар белгиланган. Хусусан, жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама қўмақлаштириш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш борасидаги ишларга алоҳида урғу берилган. Маҳаллий кенгашларга бериладиган ахборотда, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила

— соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммолар оилаларга манзилли қўмақлаштириш ташкил этиш йўналиши ҳам ўрин эгаллаган.

Эътиборлиси, ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари зиммасига хотин-қизлар масалаларига оид барча жиҳатларни қамраб олиш юклатилган.

Барча жиҳатлар қамраб олинади

Энг асосий жиҳат — бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан, ушбу тузилмалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш сингари йўналишларни тилга олиш мумкин.

Ахборотда ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий қўмақлаштириш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш масаласига алоҳида ўрин ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги ишларнинг жиддий назоратга олиниши жамиятимиз аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, тарбиявий муҳитни яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисида»ги Низомнинг тегишинча

15-, 18-бандларида белгиланган асосий вазифалар ижроси бўйича ахборот берилиши қайд этилган.

Ахборот тақдим этиш қандай тартибда амалга оширилади?

Низомда ахборотни халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга тақдим этиш тартиби батафсил кўрсатилган. Унга кўра, вазирлик ҳудудий бўлинмаси раҳбари ҳар чорақда, кейинги ойнинг 6-санасига қадар умумлаштирилган ахборот ва унга тегишли материалларни таҳлил қилади, зарурат бўлса қайта ишлаш учун масъул таркибий тузилмага қайтаради, бўлинма йиғилишларида муҳокама қилади. 8-санасига қадар эса ахборот лойиҳаси ва унга тегишли материалларни кўриб чиқиш учун тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига, бўйсунувига кўра юқори турувчи идорага тақдим қилади. Кўриб чиқиш якунлари бўйича ахборот лойиҳаси ва унга тегишли материаллар тўплами бир кун муддатда билдирилган эътирозлардан келиб чиқиб пухта қайта ишланишини таъминлагач, 10-санасига қадар тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборотни тақдим этади.

Шу билан бирга, ҳудудий бўлинма раҳбари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари билан келишган ҳолда маҳаллий кенгашлар йиғилишларида фуқаролар йиғинлари ходимлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг иштирокини ташкил этади.

Ахборот кўриб чиқилгач, якуний қарорлар ижроси назорат қилинади

Маҳаллий кенгашларга ахборотни тақдим этиш билан жараён ниҳоясига етмайди, албатта. Энди ахборотни кўриб чиқиш якунлари бўйича маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат қилиш вазифаси вужудга келади. Назорат қилиш эса вазирлик тизимидаги бўйсунувига кўра юқори турувчи идора томонидан амалга оширилиши назарда тутилган.

Маҳаллий кенгашлар шу масалада қабул қилган қарорлар ижросини таъминлаш вазирликнинг ҳудудий бўлинмаси мажлиси баёни билан масъуллар, таркибий тузилмалар ҳамда бажариш муддатларини аниқ кўрсатган ҳолда чора-тадбирлар режаси тасдиқланади. Ҳудудий бўлинмаларнинг масъул таркибий тузилмалари ташкилий назорат ва таҳлил бўлим(гурух)лари билан биргаликда чора-тадбирлар режасининг бажарилишини таъминлайди, унинг ижро этилиши ҳолати бўйича муҳокамалар ташкил этади. Зарур ҳолларда эса ижроси кечикаётган ёки бажарилмаган бандларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ҳузурида масъулларни таклиф қилган ҳолда танқидий муҳокама қилинишини ташкил этиш ҳақида таклифлар киритади. Ўз навбатида, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ҳолатини тизимли таҳлил қилиб боради ҳамда белгиланган муддатларда бу ҳақда маҳаллий кенгашларга ахборот киритиб борилишини таъминлайди.


Бир сўз билан айтганда, мазкур Низом вазирлик тизими фаолиятининг очикилиги ва халқ олдида ҳисобдорлигини таъминлашга хизмат қилиш баробарида, ўзини ўзи бошқариш органларини кучли тузилмага айлантириш, уларнинг аҳоли муаммоларини ҳал этиш борасидаги ролини мустаҳкамлашда ҳуқуқий таянч вазифасини ўтайди. Бу эса фуқаролик жамиятининг ривожланишида муҳим омилга айланиши шубҳасиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг маошига қўшимча устама берилади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26-27 июнь кунлари Наманган вилоятига ташрифи ҳудуд аҳлини янгидан-янги марралар сари илҳомлантирди. Чунки жойлардаги учрашувлар чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид ўнлаб янги лойиҳалар амалга оширилиши маълум бўлди. Вилоят фаоллари, оддий одамлар билан мулоқот давомида билдирилган самимий тилаклар ва ташаббуслар одамлар розилиги, юрт ободлигини таъминлаш йўлида муҳим дастуриламал бўлади, албатта.



МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК БЎЛСА, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ



Президентимиз 2017 йилда вилоятга ташрифи чоғида маҳалла-миқдори бўлиб, ҳудуд мисолида аҳолига қулайликлар яратиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бутун мамлакатга намуна бўладиган тизим тақдироти билан танишган эди. Бу гал ҳам Юртбошимиз йўналишимизда «Обод ва хавфсиз маҳалла» концепцияси асосида амалга оширилган ишлар билан танишди.

Айтишимиз керакки, ўтган давр мобайнида маҳаллаимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Ҳудудда ташкил этилган «Орзу» кичик саноат зонасида 15 та лойиҳа ишга туширилиб, 930 дан зиёд иш ўрни яратилди. Шундан қарийб 400 тасига маҳалла фуқаролари жойлашди. Битта боғча, 650 ўринли мактаб, дорихона, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, фитнес клуби, мини-футбол майдони барпо этилди. Ўтган йили давлат хизматчилари учун 20 та хизмат уйи қуриб берилди. Давлат хизматлари марказининг «Орзу» филиали очилди.

«Орзу»да яна бир ташаббусга старт берилди

Давлатимиз раҳбарининг маҳаллага бу галги ташрифи яна бир хайрли ташаббуснинг бошланишига туртки берди. Бу ерда «хавфсиз маҳалла» ва Наманганда «ақлли шаҳар» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Мамлакатимизда янгилик бўлган бу лойиҳа жиноятчиликни камайтиришга қаратилган.

«Ақлли шаҳар» лойиҳаси Наманган шаҳрининг онлайн режимида ишлайдиган бош харитаси ҳисобланади. У сунъий онг модели асосида яратилган. Шаҳардаги жамики йўналишлар бўйича қандай маълумот бўлса, барчаси мазкур дастурга интеграция қилинган. Тизимда барча кўрсаткичлар геохарита орқали мониторингга акс этади. Жумладан, аҳоли сони,

ёлғиз кексалар, таълим муассасалари, меҳнат бозори, инвестициявий лойиҳалар, камбағал оилалар, криминоген муҳит каби маълумотлар узлуксиз киритиб борилади.

Тажриба сифатида ишга туширилган бу дастур кейинчалик барча соҳалардаги электрон базаларга уланади. Натижада шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни онлайн кузатиш, вазиятни ҳолис баҳолаш, муаммоларни назоратга олиш ва керакли чоратadbирлар кўриш мумкин бўлади. Бу эса аҳолининг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим самара беради.

Давлатимиз раҳбари янги лойиҳа билан танишар экан: «Вилоятдаги секторлар раҳбарлари энди жиноятчиликка қарши курашда натижа бўйича жавоб беради. Жиноят қанча камайди, қайси адашганни тўғри йўлга қайтарди деган саволларга жавоб топиш учун мана шу тизимга ўтаялмиз. Ҳам иқтисодиётни, ҳам жиноятчиликни, ҳам тинчликни, ҳам адолатни жойига қўйсак, халқимиз учун муносиб шароит яратган бўламыз», — деди.

«Ақлли шаҳар»нинг қандай афзалликлари бор?

Ҳўш, тизим қандай афзалликларга эга? Унинг ижобий томонлари нималарда кўринади? Нима учун лойиҳани мамлакат бўйлаб татбиқ этиш тавсия этиляпти?

Тизимнинг энг асосий йўнали-

ши — демографик кўрсаткичларни ҳисоблаб боришидир. Яъни туғилганлар, вафот этганлар, янги рўйхатдан ўтган, ажрим қайд этилган оилалар — барчаси дастурда акс этади. Шунингдек, у камбағаллик кўрсаткичларини ҳам ўз ичига олади. Тизимга камбағалликдан чиқариш белгиланган оилалар рўйхати киритилган бўлиб, уларнинг ёши, нима билан бандлиги, даромад даражаси ҳақидаги маълумотлар жамланган.

Дастурнинг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири шуки, якка-ёлғиз яшайдиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами алоҳида назоратга олинган. Уларнинг қўлига махсус мослама берилган бўлиб, фуқаро оғир ҳолатга тушиб қолса, мослама дастурда SOS-чақириғини беради. Бу чақириқ ўша фуқаро яшайдиган ҳудуддаги маҳалла раиси, участка ноизи, патронаж хизмати ходимига зудлик билан етиб боради ва фуқарога керакли ёрдам кўрсатилади.

Шаҳарга қанча транспорт кириб-чиқаётгани, кунлик йўл қондаларини бузиш ҳолатлари, йўл-транспорт ҳодисалари ҳам дастурда қайд этиб борилади. Бундан ташқари, тизим орқали шаҳарда қайси тармоқда вақант ўрин пайдо бўлгани, шу билан бирга, ишсиз аҳоли сони, ҳар бир иш излаётган фуқаронинг ёши, малакаси билан боғлиқ маълумотларни ҳам аниқлаб олиш мумкин. Бу билан бўш иш ўринларини ишчи кучи билан таъминлаш, ишсизликни қисқартиришга эришилади.

Дастур таълим жараёнларини ҳам қамраб олади. Яъни шаҳардаги барча таълим муассасаларига ўрнатилган кузатув камералари дастурга уланган бўлиб, улар дарс жараёни, ўқувчиларнинг даволатини назорат қилади. Камерадаги «face-control» тизими ўқувчиларнинг иситмаси бор-йўқлигини ҳам текшириб, маълумотларни қайд этиб боради.

Тизим раҳбарлар иш тақсимотини ҳам юритади

Айтиш керакки, тизим маҳаллий бюджет шаффофлигини ҳам таъминлайди. Яъни дастур орқали бюджет кириш-чиқимлари ҳақида маълумот олиш имконияти мавжуд. Бунда кунлик тушумлар, харажатлар ва уларнинг манбалари ҳақида кунлик ахборот бериб борилади.

Дастур тадбиркорлар учун ҳам қатор имкониятларни тақдим этади. Бунда Наманган шаҳридаги йирик корхонадан тортиб, якка тартибдаги тадбиркорларга-ча дастур рўйхатида киритилган. Амалга оширилаётган маҳаллий лойиҳалар, уларга сарфланган инвестиция маблағлари, қанча иш ўрни яратилаётгани, экспорт-импорт ҳисобини юритиш ҳам тизимнинг асосий функцияларидан биридир.

Яна бир муҳим жиҳат: дастур маҳаллий раҳбарларнинг иш тақсимотини ҳам юритади. Дейлик, шаҳар ҳокими, маҳаллий орган раҳбари, сектор раҳбари, маҳалла раисининг ўз ҳудуди ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бутун қайси ҳудуд билан шуғулланиши кераклиги, қайси муаммоларни кун тартибига киритиш лозимлигини кўрсатиб беради. Муаммо мавжуд бўлган ҳудудлар кизил рангда харитада намоён бўлади, камчиликлар ҳал қилинмагунча, ранг ўзгармайди.


Дастурнинг энг катта қулайлиги шундаки, ундаги маълумотлар базаси онлайн вақт режимида янгилиниб туради. Мазкур дастур ҳозирда «Орзу» маҳалласи доирасида тўлиқ ишга туширилган. Келгусида унинг қамрови кенгайтириб борилади.

Аҳмаджон МАВЛОҶОНОВ,
Наманган шаҳридаги
«Орзу» маҳалла фуқаролар
йигини раиси.



«Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси мустақил ННТ сифатида қайта ташкил этилади.

Сир эмас, авваллари олий таълим олиш борасида олис туман ва қишлоқлардаги аксарият хотин-қизларнинг орзулари сароблигича қолиб кетарди. Бунга моддий етишмовчилик ёки оиладаги муҳит қайсидир маънода таъсир кўрсатарди. Шу сабаб қанчадан-қанча илмга ташна ва қобилиятли қизлар оила ташвиши билан ўралашиб қолди. Жорий йилда эса ана шундай нозик хилқат вакиллари учун яна бир имконият эшиклари очилди. Улар учун ОТМга алоҳида имтиёз белгилаб берилди.



ИМТИЁЗЛАР қанчалик адолатли ТАҚСИМЛАНАДИ?

Хўш, хотин-қизлар имтиёз-ли асосда олий ўқув юртиларига қандай тартибда қабул қилинади? Имтиёзлар қимлар учун белги-ланган? Улар қанчалик адолатли тақсимланади? Айни саволларга жавоб топиш мақсадида **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилшода МИРЗАЖОНОВА**га му-рожаат қилдик.



Қимларга тавсиянома берилди?

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доира-сида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. — дейди **Д.Мирзажонова**. — Унга кўра, олий таълим муассасаларининг бакалавриятига хотин-қизлар учун қўшимча тўрт фоизли давлат гранти ажратилди. Талабалikka Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг белгилан-ган шаклдаги тавсиянома-ларига эга бўлган аби-туриентлар тест синовлари натижаларига кўра қабул қилинади. Алоҳида таъкид-лаш керакки, ушбу имтиёз амалдаги грант ўринла-рига таъсир ўтказмайди.

Яъни бу хотин-қизлар учун жорий йилда ажратилган алоҳида имтиёз ҳисобланади.

Олий маълумот олиш иста-гида бўлган иқтидорли хотин-қизларнинг танловда иштирок этиши учун тавсиянома бериш мезонлари белгиланди. Унга кўра, тавсияномалар кам таъминланган оиладан чиққан, тўлиқсиз оилда тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар, 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортик фарзандларни тарбиялаёт-ган, бошқа қариндошларидан ало-ҳида яшаётган ёлғиз аёл(эркак)-ларнинг қизлари, шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган оилалар, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш қидирувчи шахс сифатида ҳисоб-да турган, ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилалардан чиққан хотин-қизларга берилди.

Бундан ташқари, мазкур рўйхат-га олий маълумотли хотин-қизлар билан қамраб олиш даражаси республиканинг ўртача кўрсат-кичларидан икки ёки ундан ортик мартаба паст бўлган туманлар, шунингдек, олис ва бориш қийин

худудларда яшовчи оилалардаги қиз фарзандлар (уларни ўз ху-ду-дида 3 йил ишлаш шарти билан) киритилган.

Қандай ҳужжатлар керак?

Тавсияномага талабгор томо-нидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири номига ариза, белгиланган мезонлардан бирини тасдиқловчи ҳужжат (иловаси билан), маълумотнома-объективка, умумий ўрта таълим ёки ўрта мах-сус, касб-ҳунар таълими муассаса-сидан маълумотнома, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхалари тақдим этилиши керак.

Ўқорида келтирилган мезонлар асосида талабгор хотин-қизлар-нинг ҳужжатларини қабул қилиш туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиmlларида тузилган ишчи гуруҳлари томо-нидан амалга оширилади. Ишчи гуруҳлар томонидан ҳужжатлар 24 июндан 10 июлга қадар қабул қилиниши режалаштирилган. Ҳужжатлар батафсил кўриб чи-қилганидан сўнг ишчи гуруҳнинг хулосаси асосида ўқишга тавсия

этилган хотин-қизларнинг рўйхати тасдиқланади.

Туман, шаҳар ишчи гу-руҳлари таркибига иктисодий тараққиёт ва камбағал-ликни қисқартириш бўли-ми, молия бўлими, ички ишлар бўлими, тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими, мактабгача таъ-лим бўлими бошлиқлари, Ёшлар иттифоқи туман, шаҳар кенгаши раиси ки-ритилади.

Тавсиянома олий маълу-мот олиш истагида бўлган хотин-қизларга 3 йилдан кўп бўлмаган муддатта берилди. Тавсиянома ажратилган қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсат-кичлари доирасида аби-туриент сифатида рўйхатдан ўтишида танлаган биринчи

таълим йўналиши бўйича тан-ловда иштирок этиш ҳуқуқини беради, иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиш учун танловда иштирок этишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Коррупцияга йўл қўйилмайдими?

Жорий йилнинг 15 июлидан 20 июлига қадар вақт оралиғида барча тавсияномалар вазирлик томонидан йиғилиб, Давлат тест марказининг аби-туриентлар ба-засига киритилади. Давлат комис-сиясининг 2020-2021 ўқув йили учун хотин-қизларга ажратилган тўрт фоизли қўшимча давлат гран-тига республика бўйича жами 940 та жой ажратилган.

Тан олиш керак, ушбу имтиёз эълон қилинганидан кейин аҳоли ўртасида турли фикрлар пайдо бўлди. «Бу яна таниш-билишчилик ёки коррупцияни келтириб чиқар-майдими?», «Танлов қай даражада адолатли ўтади?» деган саволлар ўртага ташланди.

Алоҳида таъкидлашни истар-дикки, ушбу жараён билан боғлиқ коррупциянинг олдини олиш учун худудларда махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Ҳар бир тақдим этилган ҳужжатнинг тўғри ёки нотўғрилиги учун жавобгарлик кўзда тутилган. Берилмаётган тав-сияномалар ишчи гуруҳи баённо-маси орқали тасдиқланади, демак, гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ушбу ҳужжат учун жавобгар саналади.

Шунингдек, тавсия этилган номзодларни танлашда туман (ша-ҳар) ишчи гуруҳлари томонидан очиклик, ошкоралик, адолат ва шафқатлик тамойилларига қатъ-ий риоя этилишига Қорақалпо-ғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош-қармалари бошлиқлари, уларнинг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиё-сий фаоллигини ошириш бўйича биринчи ўринбосарлари ҳамда хавфсиз маҳалла фаолиятини таш-кил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ўринбосарлари шахсан жа-вобгар экани белгилаб қўйилган.

«Mahalla» мухбири
Нилуфар ЮНУСОВА
ёзиб олди.

Вилоятлар кесимида қандай тақсимланади?

2020-2021 ўқув йили учун хотин-қизларга ажратилган тўрт фоизли қўшимча давлат гранти учун республика бўйича жами 940 та ажратилган жой ви-лоятлар кесимида куйидагича тақсимланган:

- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси — 51 та;
- ▶ Андижон вилояти — 85 та;
- ▶ Бухоро вилояти — 53 та;
- ▶ Жиззах вилояти — 36 та;
- ▶ Қашқадарё вилояти — 88 та;
- ▶ Навоий вилояти — 28 та;
- ▶ Наманган вилояти — 75 та;
- ▶ Самарқанд вилояти — 104 та;
- ▶ Сурхондарё вилояти — 71 та;
- ▶ Сирдарё вилояти — 49 та;
- ▶ Тошкент вилояти — 80 та;
- ▶ Фарғона вилояти — 100 та;
- ▶ Хоразм вилояти — 50 та;
- ▶ Тошкент шаҳар — 70 та.

Коррупция жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва қонун устуворлигига путур етказди. Инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Ислохотларга тўсқинлик қилиб, жамият тараққиётини ортга суради. Энг ачинарлиси, жамиятда ўзаро ишонч йўқолиб, таназзул юзага келади.

ЯНГИ АГЕНТЛИК КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА САМАРАГА ЭРИШША ОЛАДИМИ?

Халқаро тажриба нима дейди?

Коррупция ҳозирги кунда трансмилий ҳолат ҳисоблангани боис бутун дунё ҳамжамиятига хавф туғдирмоқда. Бу иллатга қарши курашиш масаласи барча давлатларда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Албатта, коррупция билан курашиш

сўнгги йилларда энг муҳим устувор йўналиш сифатида қаралиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Бироқ амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бир нечта давлат органлари фаолиятининг маълум бир йўналиши сифатида коррупцияга қарши курашиш чо-

ралари амалга оширилган бўлса-да, соҳани **яхлит, тизимли мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи мавжуд эмас эди.**

Натижада коррупцияга қарши курашишни тўлиқ ўз зиммасига олувчи ва бу борадаги

давлат сиёсатининг амалга оширилишига **масъул бўлган тузилма йўқ эди.** Қолаверса, бу иллатнинг олдини олиш, унга имкон яратиб бераётган омилларни бартараф этиш борасидаги ишлар тизимли равишда амалга оширилмас, коррупцияга қарши курашадиган махсус ваколатли органлар кўп ҳолларда коррупцион жиноятларни фож этиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш билан шуғулланиб қолаётган эди.

Айни жиҳатлар ҳисобга олиниб, давлатимиз раҳбарининг «**Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги фармони билан **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташкил этилди. Мазкур тузилма эндиликда соҳага оид давлат сиёсатини шакллантирадиган ва амалга оширадиган, **махсус ваколатли давлат органи саналади.**

Агентлик қандай вазифаларни бажаради?

Ҳўш, мазкур агентлик коррупцияга қарши курашда самарага эриша оладими? Албатта, буни вақт кўрсатади. Бироқ тузилманинг ҳуқуқий мақомидан келиб

чиқиб, маълум хулосаларга келиш мумкин. Яъни агентлик тўғридан-тўғри **Президентга бўйсунди ва Олий Мажлис олдида ҳисобдордир.** Бу эса коррупцияга қарши кураш масалаларини сиёсий даражада ҳал этиш имконини беради.

Тузилма мамлакатда **коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни** таъминлайди. Бунда у коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ва халқаро имиджига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади. Ҳар қандай муаммога қарши курашишда унга тизимли ёндашилмас, ушбу муаммо узоқ вақт ўз таъсирини кўрсатиб тураверади. Шу боис коррупцияга қарши курашишда, энг аввало, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини тизимли таҳлил қилиш лозим.

Яна бир муҳим жиҳат — коррупциянинг олдини олишда **таъсирчан парламент ва жамоат-**

ланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилади. Маълумки, давлат хизматида коррупцияга қарши курашишнинг энг муҳим шарти — давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш ҳисобланади.

Коррупция ҳақида хабар берувчи мобилъ дастур яратилади

Фармон билан 2020-2021 йилларда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши **ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)** босқичма-босқич жорий этилади. Худудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи **Коррупцияни қабул қилиш миллий индекси** тузилади.

Бундан ташқари, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи **«E-Anticor.uz» электрон платформаси**, коррупция ҳолатлари ҳақида агентлиكنи хабардор қилиш имконини берувчи **махсус мобилъ дастурий таъминот** яратилади. Албатта, бу коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини кучайтиради.

Албатта, ҳар бир давлат коррупцияга қарши курашда ўзига хос йўл танлайди. Мамлакатимизда Шарқ менталитети амал қилгани учун ҳам мазкур муаммога қарши сиёсий даражада курашиш энг самарали йўлдир. Бу борада янги ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги муҳим ўрин тутаяди. Умид қиламизки, мазкур орган ўз олдида кўйилган вазифаларни амалий жиҳатдан уйдасидан чиқади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси.



борасида бир қатор давлатлар ижобий натижаларга

эришган. Бу борада Финляндия, Дания, Янги Зеландия, Исландия, Сингапур, Нидерландия, Люксембург, Норвегия давлатлари тажрибасини мисол қилиш мумкин.

Мазкур давлатлар ҳуқуқати **коррупцияни нафақат ички ва ташқи муаммо, балки миллий хавфсизликка жиддий хавф сифатида баҳолайди.** Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, коррупцияга қарши курашнинг бир йўли сифатида **алоҳида орган ташкил этиш** тажрибаси мавжуд. Хусусан, Нидерландияда коррупцияга қарши курашиш борасида махсус полиция ташкил қилинган бўлиб, унга коррупция ҳолатларини аниқлаш борасида барча зарур ваколатлар берилган.

Шунингдек, экспертлар томонидан эталон сифатида тан олинган Жанубий Кореянинг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунига кўра, мамлакатда бу борада ваколатли давлат органи сифатида Аудит ва инспекция кўмитаси белгиланган. Мазкур орган коррупция ҳолати бўйича келиб тушган ҳар қандай муурожаатни кўриб чиқади.

Янги тузилмага қандай зарурат бор эди?

Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш масаласи

Дарвоқе...

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича вазирга, директор ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

Директор ўринбосарлари агентлик директори тақдимномасига кўра, Президент томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.


чилик назорати йўлга қўйилади. Жумладан, агентлик коррупцияга қарши курашиш ишларининг ҳолатини таҳлил қилиб, ҳар йили Президент ва Олий Мажлис палаталарига **миллий ҳисобот киритиб боради.**

Агентликка давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатилиши ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш вазифаси юклатилди. Бу жараёнда аниқ-

Тошкент шаҳар ДХМда фуқаролар учун медиатор хизмати жорий этилади.

КОРРУПЦИЯ: ОҚИБАТ ЭМАС, сабабларга қарши курашиш муҳим

Мазкур ҳафтанинг жамият ҳаётидаги энг муҳим янгиликларидан бири шубҳасиз Президентимиз фармони асосида ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бўлди. Юртдошларимизнинг аксарияти мазкур ташаббусни юртимиз тараққиётининг янги босқичи сифатида қабул қилишди. Шу боис янги ташкил этиладиган агентлик зиммасида Президент, халқ ишончини оқлаш учун жуда катта масъулият ётибди.



Янги ташкилотнинг ўз имиджи, ўз обрўси, ўз покизалигини сақлаш асосида порахўрлик иллатига қарши аёвсиз курашиш, бу курашда янги куч, янги воситалар, янгича ёндашув, янги ташаббусларни илгари сура олиш билан ҳам боғлиқдир.

Чунки жамиятнинг бир неча минг йиллик тадрижий жараёнларида инсоният ҳамиша порахўрлик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик иллатларига қарши курашган, уни ҳамиша қоралаб келган. Аммо парадокс шундаки, ҳар қанча курашилмасин, бу иллат ҳанузгача инсониятни таъқиб қилиб келмоқда. Вабо, ришта, қора ўлат сингари кўглаб жисмоний касалликларга даво топиб, унинг илдизини буткул қуритган инсоният, афсуски, шу иллат олдида ожиз қолмоқда.

Натижада ҳар қанча кескин туюлмасин, порахўрлик, таниш-билишчилик иллатлари ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб қолди. Масалан, инсон тузилганининг дастлабки куни эмас, илк соатидаёқ порахўрлик билан тўқнашади. Боланинг киндиги кесилар-кесилмас, барча останадаги отадан суюнчи олишга ошиқади. Суюнчининг ҳам ўз «ставкалари бўларкан. Дояники фалон пул, ҳамшираники сал камрок, Саранжомчи (санитарка), хуллас, ўша пайтда онанинг бошида ҳозир бўлган барчанинг ёзилмаган нархлари мавжуд.

Шу тахлит бола туғилишидан оқ бошланган бу каби олди-бердилар кейин боғча, мактаб, институтга қадар етиб боради. Қарабсизки, ишга кирган (бу жараён ҳам баъзи ҳолларда яхшигина ширинкома эвазига амалга оширилади) ёш кадр «олди-берди» илмининг яхшигина ҳадисини олган бўлади.

Кунора матбуотда бирор-бир раҳбар ёки ходимнинг пора билан қўлга тушганини ўқиймиз. Демак, бу иллатга қарши кураш аёвсиз кечмоқда. Аммо натижаси-чи. Мазкур ҳолатлар қамайтими? Йўқ. Нега? Чунки биз ҳар доимгидек

жиноятнинг оқибатларига қарши курашишга ўрганганмиз. Унинг сабабларини таҳлил қилиш, бартараф этишга эмас.

Аввало, таълимни поклаш керак

Чақалоқлигида бола порахўрлик сабабчиси ва гувоҳига айлангани билан хотирасида ҳеч нарса қолмаслиги мумкин. Аммо бевосита таълим босқичида у мазкур жараёнларнинг бевосита қатнашчисига айланади. Муаллимнинг талабини уйга етказадиган, ота-онасининг берганини боғча ёки мактабга ташиган ҳам шу бола бўлади. Қарабсизки, тайёр воситачи. Ушбу мавзуда муаллимларимизнинг кўп бора қораланганига гувоҳ бўлганмиз. Аммо устозликни шараф деб билиб, шу касбни танлаган ўқитувчи ўз-ўзидан ота-она олдида таъмагирлик қилмаса керак.

Ана шу ўринда оқибатларни келтириб чиқарувчи сабабларга ҳизматимизга тўғри келади. Синф учун юритиладиган бир неча турдаги дафтарлар, фанга доир кўргазмалар воситалар – барчаси ўқитувчининг ҳисобидан шакллантирилади. Эндиликда дарсларда янги технологияларни қўллаш учун ҳар бир синфхонасида нархи икки-уч миллион сўм бўлган LCD мониторлари ўрнатилмоқда. Йил якунида эса синфхонасини ҳеч бўлмаса оқартириб, пол ва деразаларни бўёқлаб топшириш керак. Шунда ўқитувчи нима қилсин? Ушбу харажатларга маошнинг ўзи етмайди. Муаллим маошини уйга олиб борсинми ё синфхонасига сарфласин? Боз устига, ўқувчилари иштароқ этадиган турли танловлардаги тайёргарлик харажатлари, мактабга келадиган турли текширтекирлар, ўрганишлар ортидаги меҳмоннавозлик ҳам муаллимлар ҳисобидан қопланади.

Дарвоқе, ўқитувчилар билим даражасини аниқлашга қаратилган турли аттестация-ю синовлар ҳам

коррупцияга йўл очади. Яқинда эса «Ўзбекистон-24» телеканали орқали барча ўқитувчилар ўз фанлари бўйича оммавий тестдан ўтказилиши эълон қилинди. Қўлида тайёр дипломи бўлган, ҳар муддатда малака ошириш курсларида таҳсил олган, тоифа учун аттестациялардан ўтиб турган ўқитувчига фани бўйича яна тест нимага керак экан. Менимча, бошқа соҳалар учун бу қадар синовлар кўп бўлмаса керак. Шундоқ ҳам тоифа олиш учун ўтказиладиган аттестациянинг самараси кам. Баъзи мактабларда эса тоифали ўқитувчидан кўра даражасиз ўқитувчиларнинг дарс соати юқори. Шу боис ўқитувчилар билимини баҳолашга халқаро методлар(PISA, PIRLS, TALIS, TIMS сингари)ни татбиқ этиш керак.

Жиноятнинг кичиги бўлмайди

Коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавфхатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланиши эндиликда оқибатдан кўра сабаб ва омилларни таҳлил этиш асосий ўринга кўтарилганини кўрсатиб турибди.

Мазкур ҳужжат ижроси тўлиқ таъминланса, жамиятимизда порахўрликка оид жиноятлар салмоғи кескин қамайиши мумкин. Аммо шу ўринда кундалик ҳаётда коррупция билан боғлиқ кўз илғамас ҳолатлар, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар ҳам борки, биз ўша ҳодисанинг коррупция аломати эканини ҳам билимаймиз. Кимнинг наздида арзимасдек туюладиган бундай ҳолатлар, кейинчалик йирик-йирик жиноятларга тамал тошини қўйиши шубҳасиз.

Хусусан, халқимизга ҳос меҳ-

мондўстликни «меҳмоннавозлик»га айлантириш, иши тушган одамга яхши кўриниш илинжида бир қорин тўйгулик овқат ўрнида шохона зиёфат уюштириш ҳоллари кўп учрайди. Аксарият жиноятлар ана шундай меҳмоннавозчилик устида пиширилади. Яна бир тури эса «оқибат кўрсатиш». Бунда келгусида иши тушадиган мансабдорнинг кичик-кичик илтимослари(меҳмонларига қаралиш, уйга бозор-ўчар қилиш, транспорт хизмати ва ҳ.к) ни қондириш орқали келгусида йирикроқ манфаат илгари сурилади. Учминчи эса «чин юракдан ҳадыя»лар орқали хўжайиннинг кўнгли забт этилади. Бундай ҳолатда «саховатпеша», «қидёматли» уахоннинг биргина «сухан»и олдида унча-мунча қонун меъёрлари кўринмай кетади.

Кўз илғамас бундай кичик коррупция ҳолатларининг олдини олиш учун биринчи навбатда хизмат сафари билан боғлиқ ҳолатларни тартибга солиш жоиз. Чунки бугунги ахборотлашув даврида барча ишларни масофадан туриб кузатиш, бошқариш мумкин. Энг зарур ва бир неча долзарб масалалар йиғилгандагина хизмат сафарларига рухсат бериш мақсадга мувофиқ.

Кейин аксарият ҳолларда сафар сметасининг кундалик харажатлар (суточни) бандида рамзий сумма белгилангани боис бу маблағ мусофирчиликда меҳмонга «урвоқ» ҳам бўлмайди, унга йўл қўйган ходимларни тоифаламай, бирдек мурасасиз курашиш керак. Ана ўшанда интизомга эришамиз.

Демакки, биз янги даврга қадам кўяр эканмиз, бу йўлда коррупцияга қарши курашар эканмиз, ундаги муаммоларни катта-кичikka ажратмай, унга йўл қўйган ходимларни тоифаламай, бирдек мурасасиз курашиш керак. Ана ўшанда интизомга эришамиз.

Аврангзёб.

Лойиҳа-қидирув ташкилотларининг электрон рейтинг жорий этилади.

НИКОҲЛАРНИНГ 10 ФОИЗИ АЖРАЛИШ БИЛАН ЯКУНЛАНАДИ. НЕГА?

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида «Кучли ижтимоий ҳимоя: нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат ташкилотлари ҳамкорлиги» мавзuida республика амалий анжумани бўлиб ўтди.

Видеоселектор шаклида ўтказилган тадбирда оилалардаги маънавий муҳитни яхшилашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирокини янада кенгайтириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, сабабларини таҳлил қилиш, бундай оилаларни яраштириш бора-сида тавсиялар алмашилди.

— Бугунги кунда республика-мизда 8,2 миллион оила мавжуд, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир ўринбосари Содиқжон Турдиев. — Кейинги йилларда аҳоли орасида оилавий ажралишлар сони камайган бўлса-да, масала долзарблигича қолмоқда. Ачинарлиси, қайд қилинган никоҳларнинг 10 фоизи ажралиш билан яқунланмоқда. Хусусан, ўтган йилда ажралишлар сони 31,3 мингтани ташкил этиб, 2018 йилга (32,3 мингта) нисбатан 3 фоизга камайган. Аммо жамият учун битта оилавий ажралиш ҳам кўп аслида. Тирик етим қолаётган фарзандлар тақдир эса ҳаммани уйлантиради.

Учта ажралишнинг биттаси дастлабки 10 йилга тўғри келади

Оила — жамият таянчи. Шу боис маҳаллалар фаолиятида бу борадаги ишлар муҳим ўрин ту-

тади. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган беш ои давомида 9 минг 465 та оилавий ажралиш қайд этилган. Яна бир салбий жиҳати — ажралиш ёқасига келиб қолган, ноқонуний никоҳ асосида яшаётган, низоли оилалар салмоқли рақамни ташкил этиши ҳам жиддий ташвиш уйғотади.

Шундай экан, бу вазиятда маҳаллалар нималарга эътибор қаратиши зарур? Ўрганиш натижаларига кўра, унинг асосий сабаблари ижтимоий-иқтисодий муаммоларга бориб тақалади. Яъни оиладаги ўзаро муносабатлар, моддий етишмовчилик, уй-жой билан боғлиқ муаммолар, оилавий муносабатларга ота-она ва бошқа қариндошларнинг ноўрин аралашуви, эр ва хотин феълининг ўзаро мос келмаслиги, улардан бири зарарли одатларга ружу қўйиши каби кўтлаб сабаблар ажралишларга олиб келмоқда.

— Оилавий ажралишларнинг ҳар учтадан биттаси никоҳнинг дастлабки ўн йили ва ундан ортик бўлган даврига тўғри келмоқда, — дейди Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдгоров. — Ҳар йили никоҳни бекор қилиш бўйича судларга қилинган мурожаатларнинг ярмидан кўпроги қаноатлантирилмоқда. Шу ўринда оилавий ажралишларнинг ўзага



келишига ёшларнинг бир-бири ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги ҳам сабаб бўлаётир. Илгари ота-боболаримиз аввал нон синдирган, бир-бирига ҳайитлик жўнатган, тўйдан аввал 1-2 йил кутган. Бу орада йигит ва қиз бир-бири билан учрашган, бир-бирини ўрганган. Ҳозир эса 20 кун ичида тўй қилиб юборишяпти.

Никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш керакми?

Ёшлар бир-бирининг феъл-атвори ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Қонунчиликда никоҳга кириш учун ариза берилгач, 1 ойдан кейин рўйхатдан ўтказилади. Масъулларнинг қайд этишича, бу муддатни 6 ойгача, ҳеч бўлмаса, 3 ойга ўзгартириш керак. Бу орада ёшлар бир-бири билан гаплашсин, ўргансин. Агар феъл-атвори тўғри келмаса, ўша пайтнинг ўзида, никоҳга кирмасдан туриб ажралиб кетсин. Натижада ажралишлар сони камайган ва тирик етимлар

қўпаймаган бўлармиди?!

Тадбирда оиладаги маънавий муҳитни яхшилашда республика-мизда мавжуд 9 минг 478 нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини янада фаоллаштириш, кенгайтириш масалалари қизгин муҳокама қилинди. Оилаларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий профилактик тадбирларни кучайтириш ва ажралишларнинг олдини олишда ННТлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар битта бўлса ҳам оилани сақлаб қолишга хизмат қилса, бир оиланинг мустаҳкамланиши орқали маҳалланинг, қолаверса, юртнинг ҳам катта бир муаммоси ҳал этилгани аниқлашди.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Республиканинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган Тахтақўпир туманида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



АЁЛЛАР БАНДЛИГИ — БИРЛАМЧИ МАСАЛА

Ҳудудда хотин-қизларнинг умумий сони 20 минг 236 нафарни ташкил этади. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган олти ои давомида туман бўйича 175 нафар хотин-қиз доимий иш билан, 741 нафари эса мавсумий иш билан таъминланган. Шунингдек, 46 нафар аёлга ўзини ўзи иш билан банд қилиш учун тегишли

ёрдам кўрсатилган. 23 та оғир шароитдаги ва 228 та кам таъминланган оиланинг хотин-қизлари ижтимоий муҳофаза қилинган.

— Жорий йил бошида фойдаланишга топширилган жамиятимизда 45 нафар ҳудуд хотин-қизлари учун иш ўринлари яратилди, — дейди «BARNO-TEKSTIL-PLYUS» МЧЖ раҳбари Улбосин

Аннабоева. — Яқин кунларда ишчилар сони 150 нафарга етказилади. Қўлигул чеварлар томонидан тайёрланаётган 15 хилдаги тикув маҳсулоти айни пайтда ички бозорда савдога қўйилган бўлиб, келгусида Россия, Туркия давлатларига экспорт қилиниши режалаштирилган.

Севинч ҲУСАНОВА.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ ДАРОМАДНИ ОШИРАДИ

Ўрта Чирчиқ туманида пандемия даврида хориджа ишлаб, юртимизга қайтган ёшлар ва ўз иш ўрнини йўқотган аҳоли рўйхати шакллантирилиб, уларнинг бандлиги таъминланмоқда.



Жумладан, «Ҳар бир ёшга — бир гектар» лойиҳаси доирасида «Фаровон» маҳалласи ҳудудидан 21 гектар ер майдони 21 нафар ёшга ажратиб берилган эди. Бугун ушбу ер майдонида парварিশланаётган дуккакли, полиз ва сабзавот экинлари кўрган кўзни қувнатади.

— 1 гектар ер майдони 10 йил муддатга фойдаланишим учун ажратиб берилди, — дейди «Ким Пен Хва» маҳалласида яшовчи Мирсаид Иномов. — Бу ерга қовун, тарвуз ва ловия экдим. Менга ажратилган ер солиқлардан озод

қилингани ҳосилдан кўпроқ даромад олишимга имкон беради.

Айни кунларда камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳолини доимий иш билан таъминлаш мақсадида тумандаги вақтинча ишсиз бўлган, кам таъминланган оилалар ҳамда ёшларга ғалладан бўшаган 1 минг 395 гектар ердан кузги экин учун 1 гектардан ажратиб берилмоқда.

Сарвинисо ЧОРИЕВА.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш тартиби амалиётга татбиқ қилинади.

Коронавирус пандемияси давом этар экан, аҳоли бандлиги, оилаларнинг барқарор даромад билан таъминлиши масаласида жиддий муаммолар кузатилиши тайин. Шундай бўлгачи ҳам. Айни вазиятга назар соладиган бўлсак, карантин талаблари асосида фаолиятини вақтинча тўхтатган корхоналарнинг ҳаммаси ҳали тўлиқ қайта ишга тушгани йўқ. Бунинг устига, хориждан қанчадан-қанча меҳнат мигрантлари қайтиб келди ва бу жараён давом этмоқда. Шусиз ҳам жиддий муаммо бўлиб келган бандлик масаласи билан боғлиқ вазият янада мураккаблашди, дейиш мумкин. Албатта, бу тезкор ва самарадор чоралар кўришни талаб этади.



ИШСИСЗЛИК муаммосига қарши қандай курашилмоқда?



Ўзини ўзи банд қилганларга қўшимча имкониятлар

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жорий йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати кенгайтирилди. Янги тартибга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибидан рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобилъ илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, улар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди. Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.

Яна бир имтиёз — назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар.

Байкалортига 1400 дан ортиқ ўзбекистонлик ишга жалб этилади

Давлатимиз томонидан миграцияни назорат қилиш, қонунийлигини таъминлаш, шу орқали юртдошларимизни ишли қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, куни кеча Россия Федерациясининг Байкалорти ўлкаси губернатори таклифига биноан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги раҳбарияти билан видеоконференцалоқа шаклида учрашув ташкил этилди. Томонлар икки давлат ўртасидаги меҳнат миграцияси соҳасида амалга ошириладиган ишлар, хусусан, коронавирус пандемияси сабабли ишсиз қолган ўзбекистонлик фуқароларни Байкалорти ўлкасидаги йирик қурилиш объектларига ишга жалб қилиш масаласини

“ ЯНА БИР ИМТИЁЗ — НАЗАРДА ТУТИЛГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ, ИШТИРОКЧИЛАРИ СОНИ КАМИДА УЧ НАФАР БЎЛГАН ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАР АЙЛАНМАДАН СОЛИҚНИ БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДАН 50 ФОИЗГА КАМАЙТИРИЛГАН СТАВКАДА ТЎЛАЙДИЛАР. ”

Хулоса ўрнида

Аҳоли орасида ишсизликни камайтириш, камбағалликни қисқартириш ўз-ўзидан амалга ошадиган иш эмас. Қуруқ гап ёки бюрократик усуллар билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Муаммони қоғозда ҳал этиш, хаста бўлиш эса қайтага унинг янада газак олишига олиб келади. Бу борадаги энг самарали ечим мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш, тадбиркорликни ривожлантириш вазифаси билан бевосита боғлиқдир. Албатта, бу билан қачон иқтисодий ривожланишга эришилишини кутиб ўтириш керак, демоқчи эмасмиз. Имкон доирасида ишсизликка барҳам бериш чораларини кўриш, хусусан, аҳолини даромад топишга ўргатиш, шунинг баробарида тадбиркорлик ривожига хизмат қилувчи барча ишларни амалга ошириш лозим. Энг муҳими, бу борада мамлакатимизда жиддий ва кескин ислохотлар бошлаб юборилган. Фақатгина гап уларни сифатли ва изчил амалга оширишда қолди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Хўш, айни пайтда ишсизларни банд қилиш, янги иш ўринлари очиш борасида қандай амалий ишларга қўл урилмоқда?

Субсидиялар — аҳоли учун муҳим кўмак

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бандлик сиёсатини амалга ошириш доимо долзарб аҳамият касб этган бўлиб, яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган чоратадбирлар белгиланган.

— Пандемия шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояси, уларни иш билан банд қилиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида қатор амалий ишлар бажарилди. — дейди **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир Нозим Хусанов.** — Уч ойлик карантин даврида 230 мингга яқин ишсиз фуқароларни жамоат ишларига жалб этишга эришилди. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш учун субсидиялар бериш механизми ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, аҳоли орасида тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қўшимча субсидиялар ажратилиб, 3 минг нафарга яқин ишсизлар бандлиги таъминланди. Ишсизлик нафақасини бериш механизми соддалаштирилди ва 20 минг нафарга яқин фуқароларга янги тартибда ишсизлик нафақаси берилди.

Пандемия оқибатида келиб чиқадиган глобал инқирознинг таъсирини юмшатиш, аҳоли даромадларини сақлаб қолиш, корхоналарнинг барқарорлигини таъминлаш борасида муҳим чоралар кўриладигани ҳам таъкидлаш жоиз. Аҳамиятлиси, жорий йилнинг охирига қадар яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индекси жорий этилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари қачон яхшиланади?



Ўзбекистон табиий иқлими, қулай географик жойлашуви ҳамда ўзига хос меҳнаткаш инсонлари билан қишлоқ хўжалиги соҳаси учун қулай бўлган давлатлардан биридир. Шу боис ўлкамизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари жаҳон бозорида доим харидоргир бўлиб келган. Бироқ жаҳонда озиқ-овқатга бўлган талаб ортиши баробарида унинг сифатига ҳам ёндашувнинг ўзгаргани соҳага бугунги кун назари билан эътибор қаратиш заруриятини юзага келтиради.

Органик қишлоқ хўжалиги — атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан биологик хилма-хилликни асрайдиган, экотизимни яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур тармоқ жаҳон тренди ҳисобланади. Чунки бу соҳа давлатлар иқтисодий кўрсаткичига салмоқли ҳисса қўшаётир.

Сифатли маҳсулотга талаб ҳамisha юқори бўлади

Маълумотларга кўра, 2019 йилда органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 96,7 миллиард евро ни ташкил этган. Дунё органик маҳсулотлар бозорида сўнгги беш йилда 15 фоиз ўсиш кузатилиб, 2022 йилда савдо айланмаси 212 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Хўш, юртимизда органик қишлоқ хўжалиги борасида қандай иш-

лар амалга оширилмоқда? Ушбу соҳа иқтисодиёт кўрсаткичларига таъсир қиладими? Унинг биз учун қандай фойдали жиҳатлари бор?

— Аслида юртимизда етиштирилмаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳаммасини органик маҳсулот деб бемалол айтиш мумкин, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маъсул ходими Ниғора Хўжаева. — Чунки мамлакатимизнинг табиий иқлим шароити, серкуёш заминимиз бунга шароит яратади. Шунга монанд улар жаҳон бозорларида ҳам рақобатбардошдир. Сўнгги йилларда юртимизда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми 1,5 баробарга ўсиб, 1,4 миллион тоннадан ошгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Бироқ бугун жаҳон бозорида сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши халқаро майдондаги ўрнимизни янада мустаҳкамлаш учун кўшимча чоралар кўришни талаб қилмоқда. Айниқса, иқлим ўзгариши, ерларнинг қўлланлиши, турли юқумли касалликларнинг авж олиши дунё аҳолисининг сифатли озиқ-овқатга бўлган талабини кескин кучайтирди.

Имкониятлардан етарлича фойдаланилмади. Нега?

Жаҳон органик қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилда Ўзбекистон

мева етиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва бунинг учун қулай ер майдонлари мавжудлиги қайд этилган.

— Қулай шароит ва имкониятлар мавжудлигига қарамай, юртимизда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга етарли даражада эътибор берилмаётгани нафақат атроф-муҳит, инсонлар саломатлиги, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, балки худудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва географиясини кенгайтиришга ҳам салбий

ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтиришга эътибор қаратилади.


Шунингдек, органик қишлоқ хўжалигига ўтказилган ер участкаларида экинларни жойлаштириш илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларига мувофиқ амалга оширилади ва экинларни жойлаштиришда давлат аралашувиға йўл қўйилмайди.

Соҳада кластерлар ташкил этилади

Органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун юртимизда қулай шароит мавжуд. Булар — захарли моддалар билан зарарланмаган экин майдонларининг борлиги, томорқа хўжаликлариде етиштирилган органик маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида аҳоли даромадини ошириш имконияти етарлича экани, органик ишлаб чиқариш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги шулар жумласидан. Лабораториялар, назорат ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш ҳисобиға қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини таҳлил қилиш ҳам мумкин. Дарҳақиқат, органик

маҳсулот етиштиришга бўлган эътиборнинг кучайтирилиши натижасида, аввало, атмосферага зарарли моддаларнинг чиқарилиши камаяди. Соҳада ихтисослашган фермер, деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлар ва кооперациялар, кластерлар фаолияти йўлга қўйилади. Бу эса, ўз навбатида, кўп-лаб янги иш ўринлари демақдир. Қолаверса, экспорт ҳажми ортиб, валюта тушуми кўпайишиға ҳам замин яратилади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Республикамиздаги «Sunny Fruit Production» МЧЖ томонидан 2017-2019 йилларда жами 1 848 тонна органик майиз етиштирилиб, Россия Федерацияси, Франция, Германия, Голландия, Италия ва Греция мамлакатларига майизнинг анъанавий турига нисбатан 14,7 фоизга юқори нархларда экспорт қилинди ва 4,1 баробар кўпроқ соф фойда олинди.



таъсир кўрсатмоқда, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўринбосари Саидкамол Хўжаев. — Шу боис давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 майдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармониға мувофиқ, 2020-2025 йилларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларида босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишнинг прогноз кўрсаткичлари яратилиши белгиланди.

Хўжат билан юртимизда «Global G.A.P.» ва «Organic» халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибға солиш ва мувофиқлаштиришнинг таъминлиги асос солинади. Маҳсулотларнинг сифат

Мавзуга оид маълумот:

Маълумотларга кўра, бугунги кунда 172 та мамлакат органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланмоқда. 90 дан ортиқ давлат соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий актларга эга. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун дунё бўйича 43,7 миллион гектар ер майдонида 2,3 миллион фермер хўжалиги банд.

Наманган вилоятида мева-сабзавотчилик ерларининг 50 фоизи кластерларга ўтказилади.



Озик-овқат турлари орасида ёғ-мой маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж алоҳида ўрин эгаллайди. Бу маҳсулотларнинг салмоқли қисми эса хориждан импорт қилинади. Ўзимиз ҳам айнан чет эл маҳсулотини харид қилишга одатланганмиз. Бу эса келгусида аҳоли ёғ-мой истеъмолнинг қондирилишини савол остига қўяди. Ҳўш, юртимиз ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳаси ички бозоримизни ўз маҳсулотлари билан тўлдиришга қодир эмасми? Пандемия шароитида дўконларимиздаги ёғ-мой маҳсулотлари яна қимматлашмайдими? Бунинг олдини олиш учун қандай ишлар амалга ошириляпти?



ЁҒ НАРХИ яна ҚИММАТЛАШАДИМИ?

Карантин даврида тақчиллик сезилмади

— Пандемиянинг салбий таъбири мамлакатимиз ёғ-мой саноатида ҳам сезилди. — дейди «Ўзёғ-мойсаноат» уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Фахриддин Колонов. — Юртимизда 200 дан зиёд йирик ва кичик ёғ-мой корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлса, улардан 80 дан ошмиги уюшмамиз аъзолари ҳисобланади. Аслида жорий йилнинг 5 ойи якунида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 105-106 фоизга ўсиши керак эди. Лекин карантин даврида баъзи корхоналаримиз ишламади, баъзилари эса 50 фоиз қувват билан ишлади. Натижада маҳсулот ишлаб чиқаришда бир-мунча узилишлар бўлиб, кутилгандан 3-4 фоиз камроқ ўсиш суръатига эришилди. Шу даврда 111 минг тонна ўсимлик мойи, 8,5 минг тонна маргарин маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Карантин даврида аҳолини узлуксиз ўсимлик мойи билан таъминлашга ҳаракат қилдик. Шунинг учун бирор-бир ҳудудда ўсимлик мойи ёки бошқа ёғ-мой маҳсулотлари тақчиллиги сезилмади, нархи ҳам кескин ошиб кетмади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, маҳсулотлар экспортида пандемиянинг салбий оқибатлари сезилмади. Чунки жорий йилда 10 та лойиҳа бўйича 28 млн. АҚШ долларлик инвестиция ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлса, ўтган 5 ой давомида 13,5 млн. АҚШ долларлик инвестиция ўзлаштирилди. Ўтган йили Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида сояни қайта ишлайдиган корхона ташкил қилинган эди. Тўла қувват билан ишлаётган мазкур корхона йилга 30 минг тонна маҳсулот етказиб беради. У нафақат Ўзбекистонда, Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисобланади.

Нархлар кескин ошиб кетмайди

Юртошларимизни сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида, импорт маҳсулотлари кириб келишини кескин қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Шу сабабли Ангрен иқтисодий саноат зонасида яна бир корхона ташкил этиш режалаштириляпти. Ҳозирда корхонанинг пойдевори қўйилиб, асосий ускуналар ўрнатишга киришилди. 2021 йилдан бошлаб корхона тўлиқ ишга тушади.

Барча вилоятларда инвестицион лойиҳалар амалга ошириляпти. Бу инвестицион лойиҳалар нималарга қаратилган? Корхоналарда ускуналар бироз эскирган

чиқарилса, қолгани импорт ҳисобидан қопланмоқда. Айтиш жоизки, соҳадаги энг катта муаммо — хомашё етишмаслиги. Юртимизда 2 миллион тонна пахта чигити, 200-300 минг тонна бошқа хомашёлар бор. Ишлаб чиқариш қувватимиз эса 5 миллион тонна бўлиб, қарийб 2,5 баробар ортиқдир. Шу боис хомашё етиштиришга эътибор кучайтирилмоқда. Мисол учун, Жиззах вилоятида махсар экиладиган майдон 30-40 минг гектарга етди. Андижон ва Наманган вилоятларида кунгабоқар етиштириш анъанага айланди. Яқин йилларда уларни тақрорий экин сифатида ҳам экиш оммалашади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 июндаги мажлис баёнига асосан, 2020-2023 йилларда ёғ-мой корхоналарига мойли экинларни етиштириш имкони мавжуд бўлган, фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонларини ажратиш ҳажмлари кўрсатилди. Жумладан, жорий йилда 3,0 минг гектар фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонлари ёғ-мой корхоналарига бириктирилиши кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан, уюшма тизимидаги 22 та ёғ-мой корхонасига ушбу ер майдонларида барпо этиладиган инфратузилма объектларини (дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, сугориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рухсат берилди ҳамда ерни ўзлаштириш учун олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашё, материаллар (шу жумладан, мойли экинлар уруғликлари), техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар Хукумат томонидан белгиланган тартибда божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) тўлашдан озод қилинди.

Бундан ташқари, ёғ-мой корхоналари инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик

тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисмини қўллаб беради. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жағнамаси маблағлари ҳисобидан сув таъминоти тизимларини қуриш, реконструкция қилишга жалб этиладиган кредитларнинг бир гектар ҳисобига 40 миллион сўмдан ошмайдиган қисмига тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 5 фоизлик пунктини қоплаш кўзда тутилган.

Жорий йилда уюшма тизимидаги ёғ-мой корхоналари фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда қарийб 9 минг гектар бошокли дон экинларидан бўшаган майдонга кунгабоқар экиш ва 14,5 минг тонна ҳосил жамғаришни мақсад қилишган. Шу боис ҳудудларда ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлаш ва тақрорий экинларни жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавсум бошидан буён тақрорий экин сифатида 1 минг 700 гектар майдонга кунгабоқар уруғи экилди.

Хулоса ўрнида

Бир сўз билан айтганда, ёғ-мой саноатини ривожлантириш учун давлатимиз томонидан кенг қўллаб-қувватлаш чоралари қўриляпти. Бусиз иложи ҳам йўқ. Корхоналарни модернизациялаш, ишлаб чиқариш қўлама ва сифатини ошириш, соҳани етарли хомашё билан таъминлаш ҳамда бошқа керакли ишларнинг самарали амалга оширилишидан умид қилишимиз мумкин. Демак, имкониятлар тўлиқ ишга солинса, ҳар қандай ҳолатда ҳам бозорларимизда ёғ-мой маҳсулотлари етишмовчилиги кузатилмайди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

АЙНИ ВАҚТДА КОРХОНАЛАРИМИЗДА 18 МИНГ ТОННАДАН Ортиқроқ ЁҒ-МОЙ ЗАХИРАСИ МАВЖУД. АЙТИШ МУМКИНКИ, ЙИЛ ОХИРИГАЧА НАРХЛАР КЕСКИН ОШИБ КЕТМАЙДИ ВА ТАҚЧИЛЛИК ЮЗАГА КЕЛМАЙДИ.

бўлиб, улар янги энерготежамкор ускуналар билан алмаштириляпти. Мазкур ўзгаришлар натижасида ўтган беш ой давомида 8 миллиард сўмлик маҳсулотларнинг таннархи арзонлашди. Бу ўн фоизга маҳсулот арзон бўлди, дегани. Айни вақтда корхоналаримизда 18 минг тоннадан ортиқроқ ёғ-мой захираси мавжуд. Айтиш мумкинки, йил охиригача нархлар кескин ошиб кетмайди ва тақчиллик юзга келмайди.

Хомашё таъминоти яхшиланади

Айни вақтда юртимизда ўсимлик ёғига бўлган йиллик талаб 400 минг тоннани ташкил этади. Унинг 280 минг тоннаси ўзимизда ишлаб

Тайлоқ тумани биринчилардан бўлиб мева-сабзавот маҳсулотларини «Alibaba» орқали экспорт қилмоқда.

Тан олиш керак, ҳаммининг ҳам ер олиб, уй кўтариш ёки тайёр хонадонни сотиб олишга қўрби етавермайди. Афсуски, беш қўл баробар эмас. Шу боис кўпчилик ипотека кредити асосида хонадон сотиб олишни ўйлайди. Бироқ фоииз ставкаларининг юқорилиги, бошланғич тўловни амалга ошириш шартлиги, аксарият банклар фақат бирламчи бозор учун кредит ажратиши каби ҳолатлар қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

ИПОТЕКА КРЕДИТИ:

200 миллион сўмлик уй учун 615 миллион сўм фоииз тўлаш қанчалик адолатли?

Дейлик, ҳозирда янги тартибда ажратилаётган ипотека кредити фақат бирламчи бозордан — янги қурилган уйлардан сотиб олиш учун берилди. Бунда бошланғич тўловнинг 20 фоиизини тўлаб, қолганини 20 йил давомида йиллик 20-25 фоииздан тўлаб боришга тўғри келади.

— Очиғи, умумий кредитнинг 20 ёки 25 фоиизини олдиндан тўлаш шартли нафақат истеъмолчи ҳуқуқларига, балки бозор қонуниятларига ҳам зиддир, — дейди **Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бош мутахассиси Манижа Бахриева**. — Кўпчилик ушбу миқдордаги суммани йиға олмаётгани учун ҳам кредит ололмай қоляпти. Эътибор берилса, хорижий дав-

латларда бошланғич тўлов ўртача 5 фоииздан 10 фоиизгачаи ташкил этади. Бизда қайси мезонлар асосида ипотека кредитларининг фоииз ставкалари белгилянэпти, ҳайронман?

Уй олган одам кредит тўлаш учун яшайдими?

Тўғри, банк ҳеч қачон зарарига ишламайди. Ҳеч қайси давлатда ҳам. Лекин инсофли, адолатли фоиизлар ҳисобига ҳам банк фаолиятини юритса бўлади. Бу борада, қўшни давлатларда банклар томонидан аҳолига таклиф этилаётган кредитларнинг ҳам қулайлиги, ҳам фоиизлари пастлиги ҳавас уйғотади. Хўш, бизда одамлар ишлаб топган ойлик даромадини 15 ёки 20 йил давомида кредитга тўласинми, оила-сини боқсинми, коммунал тўлов-

ларни амалга оширсинми? Улар шу вақт давомида еб-ичишдан, кийинишдан ўзини тийсинми? Уй олган одам кредит тўлаш учун яшайдими?

— Дейлик, янги тартиб бўйича берилётган ипотека кредитлари Тошкент шаҳрида икки хонали квартира учун 264 миллион сўмгача, уч ва ундан кўп хонали квартиралар учун 352 миллион сўмгача ажратилади, — дейди **Адлия вазирлиги масъул ходими Фаррух Жўраев**. — Ҳозирги ҳисоб-китоб бўйича банк менга 200 миллион сўм ажратса, бу 20 йилга тахминан 815 миллион сўмга айланади. Шунда ойига қарийб 3,4 миллион сўмдан тўлашимга тўғри келяпти. 615 миллион сўмни эса банк менга қарз бериб тургани учун беришим керак экан. Хўш, қани бу ерда адолат?

Шу ўринда масаланинг инсонийлик жиҳатига ҳам эътибор қаратиш керак. Маълумки, кредит олиш учун банкка одатда бир йўла уй сотиб олишга имкони бўлмаган фуқаролар мурожаат этади. Демак, уларнинг топган-тутгани оила харажатларидан ортмайди. Энди ўйлаб кўрайлик, уйга бўлган эҳтиёжи учун кредит олишга мажбур бўлган одамнинг бўйнига қатта фоиизларни «илиб» қўйиш инсонийлик мезонларига қанчалик тўғри келади?

Нега банкларда фоииз ставкаси юқори?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Марказий банкнинг асосий ставкаси 15 фоиизга пасайган бўлса-да, нега тижорат банкларидан фоииз ставкаси ҳамон юқорилигича қолмоқда? Бу, айниқса, истеъмол ва ипотека кредитларида кўринмоқда. Бу ҳол Ўзбекистонда молиявий рисклар юқорилигидан дарақми?

— Тижорат банкларининг кредит ресурслари бўйича фоииз ставкалари ушбу ресурсларнинг қиймати ва кредитга бўлган талаб даражаси билан боғлиқ, — дейди

Марказий банк департамент директори **Акмал Назаров**. — Бугунги кунда иқтисодиётда узоқ мuddатли ресурслар бўйича танқислик мавжуд. Шу билан бирга, йиллар давомида йиғилиб келган кредит чанқоқлиги сўнгги икки йилда юзага чиқди. Бу, ўз навбатида, фоииз ставкаларининг ошишига олиб келди. Яқинда бўлиб ўтган Бошқарув йиғилишида кредитлар бўйича фоииз ставкаларини мақбул даражасигача пасайтириш бўйича ҳам алоҳида тизим тасдиқланди ва банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича мақбул ставка 21 фоииз этиб белгиланди.

Албатта, янги механизмнинг амалиётга жорий этилиши, инфляция даражаси пасайиб бориши ва иқтисодиётда узоқ мuddатли пуллар кўпайиб бориши миллий валютадаги ресурслар нархларининг арзонлашишига ва кредитлаш бозоридан фоииз ставкаларининг пасайишига олиб келади.

Уйлар нархи 15 фоиизга ошади... (ми?)

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли фармони асосан, «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК 2017-2019 йиллар дастурлари бўйича қурилган уй-жойларни реализация қилишда 2020 йил 1 июлга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинганди. Шу санадан эътиборан, ипотека кредити асосидаги уй-жойлар нархига 15 фоииз миқдоридан қўшилилади. Хўш, бу нима дегани? Энди кредит ҳисобига олинган барча уйларнинг нархига 15 фоииз қўшилидими?

— Албатта, агар фуқаролар 1 июлга қадар уй-жойини ўз номига расмийлаштирмаган бўлса, энди мазкур фоииз тўловиға ҚҚС ҳам қўшилиди, — дейди **«Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК бўлим бошлиғи ўринбосари Лазиз Умаров**. — Ўз навбатида, бундан буюн ҚҚС миқдори билан республикадаги барча янги қурилган уйларда нархлар 15 фоиизга кўтарилади. Масалан, 1 метр квадрат ўртача 3 980 000 сўмлик уй-жойларда нарх ҚҚС билан 4 577 000 сўмни (ҚҚС 597 000 сўм) ташкил қилади.

Аслида уй-жой одамлар учун шунчаки бошлана эмас, она Ватаннинг бир бўлаги, орзу-ҳаваслар манзили, осойишталик, хотиржамлик тимсоли. Зеро, халқимиз «Уйи борнинг — ўйи йўқ» деб бежиз айтмайди. Бахтни ҳам ана шу мезон билан ўлчади. Демак, бу жараёнда унга қулайликлар яратиб, муносиб нархларда уй-жой олишига кўмаклашиш ҳаётдан рози яшашига хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Янги қурилатган уйга кредит ажратилмайдими?

Янги қурилатган уйлардан ипотека кредити асосида олмақчи эдим. Банк ходимлари сотиб олаётган уйнинг кадастр ҳужжатини сўрашди. Уйнинг кадастр ҳужжатлари эса ҳали тайёр эмас экан. Бундай ҳолатда кредит берилмаслигини айтишди. Шу тўғрими?

Нуриддин ШАРИПОВ.
Тошкент шаҳри.

Акмал НАЗАРОВ,

Марказий банк департамент директори:


— Қонунчиликка асосан, ипотека кредитлари бирламчи бозорда тайёр ҳолда топшириш шартли билан ҳамда тайёр ҳолда топшириш шартлисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни сотиб олиш учун ажратилади. Шунингдек, амалдаги тартибга кўра, ипотека кредити ҳисобига сотиб олинандиган ва белгиланган тартибда қарз олувчи мулкига ўтарадиган квартира кредит ажратиш жараёнида гаровга қўйилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ипотека кредитлари ҳисобига сотиб олинандиган яқна тартибдаги уй-жой ҳамда кўп квартиралар уйлардаги хонадонларнинг кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлиши талаб этилади. Қурилиш ишлари тугалланмаган уй-жойлар (кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлмаган), табиийки, ўрнатилган давлат стандартларидан ўтказилмаган ва бу, ўз навбатида, тижорат банклари фаолияти учун рискли операциялар сифатида қўрилади.

Кўп қаватли биноларни қурувчи ташкилотларга божхона имтиёзлари берилади.

БМТнинг жаҳон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўрганувчи маркази томонидан тайёрланган «Бахт индекси» рейтингда Ўзбекистон ўтган йили 156 та давлат орасида 41-ўринни эгаллади. Маълумки, яшаш шароити яхшилиги, барқарор даромад, тиббиёт, таълим олиш, ўзи хоҳлаган ахборотни олиш, саёҳат қилиш ва бошқа шу каби хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлиш инсоннинг бахтлилик даражасини белгилайдиган омиллар сирасига киради. Булар, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?



Дарҳақиқат, хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Мазкур тармоқ аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади.

Ҳўш, бу яхшими-ёмон? Нега хизматлар соҳаси у қадар ривожланмаган? Бунга қайси омиллар сабаб бўлаётир? Ечимлари борми?

Маъмурий усул натижа бермайди

Айтиш керакки, юртимизда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилди. Бироқ, тан олиш керак, йиллар давомида қабул қилинган ҳуқуқий асосларда тизимга оид муносабатларни у ёки бу жиҳатдан тартибга солиш, чеклаш, талаблар белгилаш, лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-тамоилларига урғу берилди. Бу соҳада эркин бозор механизмларининг амал қилиши мақсадга мувофиқлиги, маъмурий усулнинг натижа бермаслигига етарли даражада эътибор қаратилмади.

Бунинг далилини шу даврлар оралиғида 400 дан ортиқ фаолият турларига рухсат бериш тартиботлари жорий этилганида ҳам кўриш мумкин (бугунги кунда ҳам 100 га яқин шундай тартиботлар сақланиб турибдики, тараққий толган давлатларда бундай талаблар 8-10 тадан ортмайди). Натижада қатор йиллар давомида асосиз статистика (15-18 фоиз ўсгани қуруқ ҳисоботларда) юритилиб, буғунги кунда ҳам ЯИИМда унинг улуши сезиларли даражада ортмади.

Сифат ва нарх қачон тартибга келади?

Президентимиз раислигида 16 июнь куни ўтказилган видео-

селектор йиғилишида ҳам соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайн-нерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тadbиркорлик субъектлари камлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринлари яратиш бўйича жуда катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўналишда камида 160 минг қўшимча иш ўрни яратиш мумкин. Бироқ қатор муаммолар борки, уларнинг ечимисиз бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Хусусан, хизматлар соҳасида транспорт хизматлари энг юқори улушга эга бўлса-да, сифат ва нархлар бўйича муаммолар талайгина. Шу билан бирга, рухсат бериш соҳасидаги мураккабликлар ушбу йўналишда норасмий фаолият юритаётганлар сонининг ошишига сабаб бўлмоқда. Савдо соҳасида ҳам бу каби муаммоларнинг мавжудлиги учун хизмат кўрсатиш сифати талабга жавоб бермайди. Маҳсулотни сотиш санъати ва маркетинг ёндашуви бўйича ишларни ташкил қилишга сабақли тadbиркорлар эътибор беради, холос.

Молия-банк соҳасида қайта молиялаш ставкасининг юқорилиги, кредит ресурсларининг қимматлиги ва банкларда ресурслар тақчиллигини қайд этиш лозим. Бу каби муаммоларни хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида ҳам кўриш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат — туризм. Бугун соҳа ривожига қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга, туризмни ривожлантириш учун хизмат кўрсатишни ривожлантириш эмас, аксинча, хизмат

кўрсатишни тараққий эттириш орқали туризм ривожига муносиб шароит ҳозирлаш, «хизматлар кўрсатиш+ишлаб чиқариш+туризм формуласи»ни ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина хизматлар кўрсатиш генератори ёрдамида туризм инфратузилмаси яратилади, туризмнинг ўзи эса комплекс хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида кенг ривожланади.

1 миллиард сўмгача кредит ажратилади

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, эндиликда ҳар бир туман ва шаҳар кеҳимида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури

ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, тармоқни тартибга солиш, ундаги методология ва статистика маълумотларини халқаро стандартларга мослаштириш чоралари кўрилади.


Албатта, соҳани ривожлантириш молиявий кўмаксиз бўлмайди. Шу боис Президентимиз хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ёки 1 триллион сўмдан зиёд кредит ресурслари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу маблағлар ҳам давлат, ҳам хусусий банклар орқали ажратилади.

Кредитлар хизмат кўрсатиш соҳасидаги тadbиркорларга, айниқса маиший, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналарни ташкил этиш (молия ва савдо соҳаларидаги тadbиркорлик субъектлари бундан мустасно) ва жиҳозлаш учун Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича 1 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади.

Эътиборлиси, кредит маблағларининг камида 20 фоизи аёллар ва ёш тadbиркорларга берилади. Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган 64 та фаолият тури учун «Ҳар бир оила — тadbиркор» дастури доирасида кредитлар ажратилади.

Албатта, хизмат кўрсатиш соҳаси қанчалик ривожланса, одамлар турмуш даражаси ҳам шунчалик ортади. Мазкур тармоқ иқтисодий локомотиви сифатида бошқа соҳалар ривожига ҳам ҳисса қўшади. Демак, соҳага қаратиладиган ҳар қандай эътибор мамлакатнинг иқтисодий юксалишига ҳам хизмат қилади.

Одилжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭМАС, АКСИНЧА, ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ОРҚАЛИ ТУРИЗМ РИВОЖИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ҲОЗИРЛАШ, «ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ+ИШЛАБ ЧИҚАРИШ+ТУРИЗМ ФОРМУЛАСИ»НИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚДИР.

Тошкентда такси хизматига электромобиллар кириб келиши кутиляпти.

Мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, унинг муттасил равишда ўсиб боришини ҳалол солиқ тўловчилар таъминлайди. Бунинг учун соҳада «яширин иқтисодиёт»га барҳам берилиши керак. Тан олиш керак, ҳали мамлакатимизда бу борада бажарилиши зарур бўлган ишлар талайгина. Хўш, улар нималардан иборат? «Яширин иқтисодиёт»га қарши қандай курашиш керак? Ундан бутунлай халос бўла оламизми?

«ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»га

қарши қандай курашиш керак?

«Яширин иқтисодиёт»ни йўқотиб бўлмайди, аммо...

— Ҳеч бир мамлакат «яширин иқтисодиёт»дан холи эмас ва ҳозиргача унга тўла барҳам беришга эришилмаган, — дейди иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Акмал Бозоров. — Лекин ривожланган давлатлар соҳани муттасил равишда ислоҳ қилиш орқали унинг улушини минимал даражада камайтирган. Таъкидлаш керак, «яширин иқтисодиёт»ни солиқ юки ва бож тўловларининг юқори-



лиги, турли лицензия, сертификат ва рухсатномалар олишда кўзда тутилмаган харажатлар мавжудлиги, контрабанда йўли билан олиб кирилган маҳсулотлар, хомашёлар етказиб беришда тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдаги бюрократик тўсиқлар ривожлантиради. Яъни тадбиркор бу тўсиқлардан ўтиш ва кўпроқ фойда олишни сақлаб қолиш учун ноқонуний йўл тутишга мажбур бўлади.

Валюта бозорининг ислоҳ қилиниши, солиқ тизимидаги туб ўзгаришлар, кредит бозорининг либераллаштирилаётгани, иқтисодиётда давлат улуши қисқариб, уни сотиб олиш тартибининг соддалаштирилгани «яширин иқтисодиёт»га қарши курашнинг самарадор усуллари ҳисобланади.

Декларация тўлдириш муаммога ечим бўладими?

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикасида «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

қарори бу борадаги ишлар унумдорлигини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Хўш, унда қандай вазифалар кўзда тутилган?

— Ушбу қарор «яширин иқтисодиёт»га барҳам берадиган муҳим жиҳатларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

депутати Абдулло Аслонов. — Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш, электрон савдони солиққа тортиш, «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш

ва халқаро интеграция бўлимлари ташкил этилади. Жисмоний шахсларнинг солиқ декларациясини тўлдириши коррупцион ҳолатларга барҳам бериш билан бирга, тадбиркорликнинг «хуфиёна» олиб борилишининг олдини олади.

Бугун дунё иқтисодиётининг катта қисмини электрон савдо ташкил этяпти. Худди шунингдек, юртимизда ҳам савдонинг ушбу тури ривожланиб бораёпти. Бу эса электрон савдони ҳам тартибга солиш фурсати етганини аниқлатади. Солиқ қўмитаси тузилмасида ушбу масалалар билан бевосита шуғулланадиган бўлимларнинг ташкил этилиши «яширин иқтисодиёт» улушининг қисқаришига хизмат қилади.

Қайд этиш керакки, айни пайтга қадар ҳам «яширин иқтисодиёт»га қарши курашиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, онлайн назорат-касса машиналари жорий этилди, электрон ҳисобварақ фактураларини киритиш йўлга қўйилди,

айрим турдаги товарлар гуруҳини мажбурий маркировкалаш татбиқ этилди. Эндиликда бу ишларнинг манتيқий давоми сифатида иқтисодиёт тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалашга янада кенг йўл очилапти.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари онлайн-НКМ билан қамраб олинади, маркировкаланадиган товарлар рўйхати босқичма-босқич кенгайтирилади. Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ноқонуний фаолиятини қисқартириш механизмлари ҳамда «Case management system» асосида солиқ текширувлари самарадорлиги ва сифатини назорат қилиш тизими ташкил этилади.

Соҳада инсон омили қачон қисқаради?

— Иқтисодиёт тармоқларида инсон омили иштироки қанчалик

камайса, соҳадаги қонунбузарликлар ҳам кескин камайди, — дейди А.Бозоров. — Соҳага замонавий технологияларнинг жорий этилиши эса инсон омили иштирокини қисқартиради. Юқоридаги қарор билан QR-кодидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тўловлар сони оширилиши, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг В2В тўловлари узлуксиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимига ўтказилаётгани ёки республика бўйича тезкор тўлов тизимларидан фойдаланиш оммабоплигини ошириш чораларининг кўрилиши соҳа истиқболлида сезиларли ютуқларга эришишдан далолат беради.

Қолаверса, кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича битимларни расмийлаштиришда замонавий банк хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш ва нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш ҳам иқтисодиёт тармоқларининг шаффофлигини таъминлайди. Шунингдек, маблағларнинг назоратсиз айланиши — «хуфия иқтисодиёт»нинг олдини олади. Яна бир муҳим жиҳат: «яширин иқтисодиёт»га қарши курашиш учун махсус дастур ишлаб чиқилади.

Таъкидлаш керакки, ушбу дастурни ишлаб чиқишда фақат жазолаш механизмидан асос қилиб олмасдан, тадбиркорларга очик фаолият юритиши учун янада кенг қулайликлар яратиб берилса, ва, муҳими, бу ишларнинг ижроси таъминланса, юқоридаги муаммога барҳам бера оламиз. Бу эса давлат бюджетига тушувларнинг кўпайиши, мамлакат иқтисодиётининг янада мустаҳкам бўлишини аниқлатади. Шундай экан, «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, ҳар бир вазифани ўз вақтида адо этиш шарт.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Мавзуга оид маълумот:

Маълумотларга кўра, 2019 йилда Давлат бюджети даромадлар қисми **102,6** трлн. сўмни ташкил қилган.

Ялпи ички маҳсулот қиймати **424** трлн. сўм қилиб белгиланди. Экспертларнинг фикрига кўра, бунда «яширин иқтисодиёт»нинг улуши **212** трлн. сўмни ташкил этмоқда.

Ушбу суммадан «яширин иқтисодиёт»нинг оптимал ҳажми **15** фоиз (**424·15** фоиз=**64**)ни чиқариб ташлаганда, **148** трлн. сўм (**212-64**) маблағ иқтисодиётдан ташқарида айланаётгани маълум бўлади. Агар ушбу маблағнинг қонуний айланмасига эриша олсак, Давлат бюджетига солиқлар тўланиши натижасида қўшимча ўртача **15-20** трлн. сўм маблағ тушиши мумкин.

«Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази»нинг функциялари белгиланди.



VOLKSWAGEN



Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистонда жами 271 098 дона автомобиль ишлаб чиқарилган. 2018 йилда эса бу кўрсаткич 220 667 донани ташкил этган. Бу рақамлар юртимизда йилдан-йилга автомобилсозлик саноати ривожланиб, шунга монанд энгил автомобиль турлари-га аҳолининг эҳтиёжи ҳам ошиб бораётганидан далолат беради.



ЯНГИ ЗАВОД

НЕМИС АВТОМАШИНАСИНING МУСТАҲҚАМЛИГИ, ПИШИҚ-ПУХТАЛИГИ, ДИЗАЙНИДАГИ ЖОЗИБАДОРЛИК ХАРИДОРГА СОТИВ ОЛГАНИ УЧУН РОЗИЛИК ҲИССИНИ БЕРАДИ

«GM» монополиясига чек қўядими?

Энг қийин ва мураккаб турдаги саноат маҳсулоти — автомашина ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун инвестиция мухитини яратиш, маҳсулот таннархини камайтириш, дунё бозоридида Ўзбекистоннинг ўзига хос имиджини вужудга келтириш муҳим вазифалардан биридир. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида «Фольксваген» энгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

кистон энгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишни давом эттириш бўйича «Фольксваген» компанияси томонидан таклиф этилаётган концепция маъқулланди.

— «Фольксваген» дунёдаги етакчи концернлардан бири бўлиб, унинг 31 та давлатда 122 та заводи очилган, — дейди «Жиззах автомобил заводи» МҲЖнинг савдо, маркетинг ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича директори Баҳром Раҳимов. — Худди ана шу сегментдаги энгил тижорат автомашинасига Ўзбекистон бозоридида бўлган юқори талабнинг мавжудлиги ушбу истиқболли лойиҳага асос бўлмоқда. Жалб

бериш режалаштирилмоқда. Янги русумдаги автомашинанинг ички бозоримиздан ўрин эгаллаши турдош маҳсулотлар билан рақобатлашув мухитини мустаҳкамлайди, харидор учун танлов имконияти кенгайди. Маҳсулот таннархи камайтирилиб, унинг харидорлиги оширилади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида эса 2022 йилдан бошлаб энгил тижорат автомобилларининг замонавий моделларини ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли ўзлаштирилади.

— Даставвал автомобилнинг 7 ўриндиқли, кейинчалик бозор талаб ва таклифига кўра, 9, 12, 18 ўриндиқли намуналарини ишлаб чиқариш кўзда тутилган, — дея сўзиди давом этади Баҳром Раҳимов.

— Ҳозирги пандемия шароитида

бир муҳим вазифа — ушбу автомашина учун «Евро-5» типидидаги автомобиль ёқилғи қуйиш шохобчларининг очилиши билан боғлиқдир.

— Немис автомашиналари экологик мухитни бузмайдиган хусусиятга эгадир, — дейди Энергетика вазирининг ўринбосари Бегзод Норматов. — У бензинни кам сарфлайди, ён-атрофга заҳарли тутун тарқатмайди. Ўриндиқлари қулай. Жорий йил июль ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Фольксваген» русумидидаги энгил тижорат автомобиллари учун «Евро-5» стандарт талабларига жавоб берадиган юқори сифатли дизель ёқилғиси ва автобензинга эга камида биттадан махсус шохобчанинг очилиши мўлжалланмоқда.

Нега айнан немис концерни танланди?

«Фольксваген» энгил тижорат

автомобилларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш лойиҳаси германиялик ҳамкорларнинг Ўзбекистондаги янги қадами бўлиб, бундан ҳар иккала томоннинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари кўзланмоқда. «Ўзавтосаноат» АЖ раҳбарияти кўпгина давлатларнинг етакчи автомобиль компаниялари билан музокара олиб борган бўлса-да, энг мақбул танлов сифатида Германиянинг

«Фольксваген» концерни маъқул кўрилди. Тўғри, немис автомобиллари Хитой, Корея, Россия маҳсулоти билан солиштирилганда, нархи бирмунча баландроқ. Аммо унинг мустаҳкамлиги, пишиқ-пухталлиги, дизайнидаги жозибадорлик харидорга сотиб олгани учун розилик ҳиссини беради.

Шу боис Президентимиз қарори билан «Жиззах автомобил заводи» МҲЖ негизидида «Ўзе-



Дунёнинг энг қиммат автокомпаниялари:

1. «Tesla» компанияси акциялари ярим йил ичида 2,5 марта қимматлаб, унинг капиталлашуви 190 млрд. долларга етган.
2. Япониянинг «Toyota» компанияси 182 млрд. долларлик капиталлашув билан иккинчи ўринни эгалламоқда.
3. Учинчи ўринга эса Германиянинг «Volkswagen» компанияси муносиб бўлиб, унинг бозор қиймати 75 млрд. долларга тенгдир.

этилаётган инвестиция асосида заводда 600 га яқин янги иш ўринларини яратиш мўлжалланган.

Лойиҳа икки босқичда амалга оширилади

Биринчи босқич — 2020-2021 йилларда бозорнинг талаб ва таклифи ўрганилиб, маркетинг таҳлили ўтказилган, «Фольксваген» ва «Шкода» русумидидаги тайёр автомобилларни харидорга етказиб

компаниянинг юқори малакали мутахассислари завод муҳандис ва техник ходимлари билан йирик узелли автомобилларни йиғиш бўйича ўқувни май ойининг бошидан онлайн тарзда ўтказиб келмоқда. 50 нафарга яқин мутахассисга қарийб 10 та машғулот ташкил қилинди. «Фольксваген Кедди» моделини йирик узелли йиғиш бўйича бутловчи қисмларни етказиб бериш, барча ҳудудларда

дилерлик тармоғи ва сервис хизмати кўрсатиш станцияларини ташкил этишга ҳозирлик кўрилмоқда.

«Евро-5» АЁҚШ шохобчалари очилади

«Фольксваген Кедди» моделидаги автомашина Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мос экани ойдинлашди. Ички ва ташқи бозорда бу сегментга минглаб харидорлар топилди. Иккинчи босқичда белгиланган яна

Рақобат қай даражада таъминланади?

Албатта, юртимизда янги автомобиль заводининг ташкил этилиши кўллаб-қувватлашга молик ишдир. Аммо янги бренд бошқа турдош маҳсулотлар нархи анча қимматлашган Ўзбекистон шароитига қай даражада мослаша олади? Бундай вазиятда унинг харидорлигини таъминлаш қийин кечмай-дими? Ана шу саволлар ҳозирча очик қолмоқда. Немис автомобилсозларининг Ўзбекистондаги янги маҳсулоти бозорда қандай ўрин эгаллашини эса вақт кўрсатади.

Катта миқдордаги инвестиция сарфланадиган ҳар қандай лойиҳа маълум муддат ўтиб, ўз натижасини кўрсатади. Германия маҳсулотини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағ оқилона ва ўрнига қараб йўналтирилса, шубҳасиз, эзгу ният муваффақиятли низоёсига етказилади.

Хулқар ҚУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Ўзбекистон тарихида биринчи марта электрон қонун ҳужжати қабул қилинди.

Дунё мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатаётган коронавирус пандемиясига қарши курашиш учун мамлакатимизда ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий мақсад — аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда бугунги қатъий карантин режими даврдан кам иқтисодий зиён билан чиқишни таъминлашдир.



ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР ИҚТИСОДИЁТНИ ИНҚИРОЗДАН ҚАНЧАЛИК САҚЛАБ ҚОЛАДИ

Хабарингиз бор, айна шу мақсадда Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги тегишли фармонида биноан, айна таҳликали вазият, иқтисодий қийинчилик даврида аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат ташкилотларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Утган давр мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан кўпгина соҳалар инқироздан сақлаб қолинди, аҳолига моддий-маънавий ёрдам берилди.

Ҳўш, жамғарма маблағлари қандай шакллантириляпти? Улар қайси мақсадларда сарфланмоқда? Жамғармага жалб қилинаётган халқаро кредитларни қайтариш шартлари қандай?

Қайси халқаро ташкилотлар маблағ ажратди?

Қайд этиш керак, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари, аввало, Давлат бюджети ҳамда халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари эвазига шакллантирилади. Шунингдек, хайрия, ҳомийлик тадбирлари каби қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Маълумотларга кўра, жамғарма ҳисоб рақамига 123,5 миллиард сўм Давлат бюджети, 7,32 триллион сўм эса халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан келиб тушган.

— Жамғармага турли халқаро ташкилотлардан кредит маблағлари жалб қилинмоқда. — дейди Молия вазирлиги мутахассиси Дилдора Жўраева. — Хусусан, яқинда Осиё тараққиёт банки раҳбарияти 500 млн. доллар миқдорда кредит ажратилишини маъқуллади. Бу маблағлар жамғарма ҳисобига ўтказилди ва COVID-19 пандемиясининг иқтисодиётга кўрсатган зарари оқибатларини бартараф этишга йўналтирилмоқда. Шунингдек, жамғармага Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам

қўмак бермоқда.

Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси томонидан ҳам имтиёзли қарз маблағлари ажратилиши маъқулланди. У «Тезкор кредитлаш дастури» бўйича 10 йил муддатта (5 йиллик имтиёзли даври билан) 92,05 миллион доллар махсус айирбошлаш ҳуқуқи (МАҲ ёки SDR) миқдоридидаги фойсиз қарз ҳамда «Тезкор молиялаштириш инструменти» бўйича 5

“
МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ЖАМҒАРМА ҲИСОБ РАҚАМИГА 123,5 МИЛЛИАРД СўМ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ, 7,32 ТРИЛЛИОН СўМ ЭСА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИДАН КЕЛИВ ТУШГАН.
”

йил муддатта (3 йиллик имтиёзли даври билан) 1,05 йиллик фойс ставкаси билан 183,55 миллион доллар SDR миқдоридидаги қарзни ўз ичига олади.

Жамғарма маблағлари қаерга сарфлянапти?

Қайд этиш керак, маблағларнинг мақсадли сарфляниши пандемия шароитидан катта зиёнларсиз чиқишимизни таъминлайди. Шу боис уларни тўғри йўналтириш, аввало, муҳим соҳа-

лар ва эҳтиёжи юқори ташкилотларга ажратиш катта аҳамият касб этади. Айна жиҳатдан қараганда, маблағларнинг катта қисми иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга ва тиббиёт соҳасига йўналтирилган.

Масалан, бу маблағ эвазига керакли дори-дармонлар, тиббий техник жиҳозлар харид қилинмоқда, жойларда махсус карантин ҳудудлари, шифохоналар барпо этиляпти. Биргина карантин мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш учун 553 миллиард сўм маблағ сарфланди. Тест системалари, реактивлар ва ҳимоя воситаларини сотиб олиш, жамоат жойларида дезинфекция ишларини амалга ошириш ва бошқа тадбирлар учун Республика санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига 661 миллиард сўм маблағ берилди.

— Айна пайтда аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. — дейди Д.Жўраева. — Боиси карантин шароитида бандлиги таъминланмаган аҳоли сони кўпайди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг эҳтиёжлари бир қадар ортди. Шунинг учун ижтимоий соҳага 929 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу маблағнинг асосий қисми аҳоли бандлигини таъминлаш, вақтинча ишсиз бўлиб қолган одамларни ҳимоя қилиш ҳамда кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатишга ажратилди.

Бундан ташқари, йирик sanoat

корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, яъни иқтисодий тармоқ соҳаларининг фаолияти тўхтагани ёки иш самарадорлиги қисқаргани боис уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,7 триллион сўм йўналтирилди. Албатта, ушбу харажатлар реал эҳтиёжга асосан, аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда, шаффолик ва адолат тамойиллари асосида тақсимланмоқда.

Кредитларни қайтариш шарты қандай?

Албатта, айна пайтда жамғармага келиб тушаётган халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини қайтариш масаласи пандемиядан кейинги долзарб масалалардан бирига айланади. Аслида, кредитни жалб қилиш жараёнининг ўзидаёқ уни қайтариш имкониятлари кўриб чиқилиб, тегишли хулосаларга келинмоқда.

— Халқаро молия институтларидан кредит маблағлари турли шартларга кўра жалб қилинмоқда. — дейди Молия вазирлиги мутахассиси Шохруҳ Ҳидояттов. — Хусусан, Осиё тараққиёт банки ажратган 500 миллион доллар миқдоридидаги имтиёзли қарз маблағи 15 йил муддатта (3 йил имтиёзли давр билан) Либор (6 ойлик) + спрэд (0,5 фойз) йиллик фойс ставкасида тақдим этилмоқда. Ушбу маблағларни қайтариш бўйича режа-дастурлар ишлаб чиқилган. Бу маблағлар йиллар давомида Давлат бюджети даромадидан тўлаб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, пандемия оқибатида юзага келаётган иқтисодий инқироз ривожланган мамлакатлар учун ҳам катта зарба бўлди. Албатта, бундай иқтисодий зарар тараққиётга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қўймайди. Эндиликда олдимизда турган асосий вазифа — имкон қадар мураккаб вазиятдан кам иқтисодий зарар билан чиқиш ҳамда келтирилган зарарни тез фурсатларда қайта тиклаш чора-тадбирларини қўришдир.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»



Марказий банк маълумотларига кўра, 2020 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи 25,1 миллиард долларни ташкил этди.

Бу йил бошига нисбатан 2,8 фойзга ёки 692 миллион долларга ўсди демакдир.


Қарзни тўлашга келсак, биринчи чорада асосий қарзнинг 132 миллион доллари ва фойзлар бўйича 93 миллион доллар тўланган.

Қишлоқ хўжалиги техникалари мажбурий тартибда синовдан ўтказилади.

Аждодларимиз ер илмини пухта ўзлаштирган. Улар табиат ҳодисаларини кузатиб, ўша йили қайси экиндан қандай ҳосил олиш мумкинлигини тахмин қилган ва шунга қараб иш тутган. Шу билан бирга, экинларнинг янги ва ҳосилдор навларни яратиб, уларнинг генафондини бузмасдан сақлашни билган. Мухтасар айтганда, ер билан тиллаша олган ва оддий деҳқон ўз даврининг профессори бўлган.

ДЕҲҚОН ҲАМ ИЛМИ БЎЛИШИ КЕРАК

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий ёндашув қай аҳволда?



Баҳодир ХОЛИҚОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош директори.

Чунки улар тинимсиз равишда деҳқончилик илмини ўрганган. Афсуски, кейинги вақтларда деҳқон фақат кетмон чоғишни билса бўлди, қабилда иш тутилди. Бу эса йўқотишларга сабаб бўлгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Аммо сўнгги йилларда яна қишлоқ хўжалигида илмий ёндашув кучайди. Соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш ишлари жадал давом этапти.

Дарҳақиқат, эндиликда маҳсулот етиштиришда инновацион усуллар етакчилик қиляпти. Етиштирилаётган ноз-неъматларнинг навларию техникалар ҳам замонамизга мослашди. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳаси илми ҳам тараққий этиб бораётганидан далолатдир. Аграр соҳа илмини ривожлантириш ва соҳага илмни татбиқ этишга масъул бўлган Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда унинг тасарруфидаги илмий муассасаларда сўнгги йилларда ҳам илмий, ҳам иқтисодий жиҳатдан яхши натижалар қайд этилди.

Хусусан, илмий марказ ва унинг тизим ташкилотларида 2015 йилда умумий яратилган маҳсулот қиймати 14,5 млрд. сўми, жами ҳаражатлар эса 12,6 млрд. сўми, соф фойда эса бор-йўғи 2,1 млрд. сўми ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар йил сайин ўсиб, 2019 йилда яратилган маҳсулотлар қиймати 42,5 млрд. олинган соф фойда эса 12,7 млрд. сўмга етди. Бу рақамларга эришиш ўз-ўзидан

бўлгани йўқ, албатта. Ҳар бир рақам ортида илмини, бутун салохиятини соҳага бахшида этган устозлар, илмий ходимларнинг меҳнати ётибди.

Соҳанинг илмий истиқболи қандай?

Ҳар бир соҳа истиқболини истеъдодли ёшлар белгилаб беради. Худди шунингдек, бутун қишлоқ хўжалигига қизиқиб, илм йўлини танлаган ёшлар сафи ҳам кенгайиб бораётгани кишини қувонтиради. Бунга эса кейинги йилларда Президентимиз томонидан олимларга, илмий ходимларга қаратилаётган эътибор ва рағбат сабаб, деб биламан.

Тўғри, маълум муддат соҳада турғунлик ҳолати кузатилди. Ёшлар орасида илмий иш қиладиганлар камайиб, устозлар ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Бу соҳада анча аввал эришишимиз мумкин

мини бойитиб келди.

Таъкидлаш керак, илмий ходимларимиз хорижда ўзлаштирган тажрибасини юртимиз экин майдонларидаги ҳосилдорликни ошириш йўлида сарфляпти. Натижада илмий-ишлаб чиқариш қўлами кенгайиб, қишлоқ хўжалигида янада самарали усуллардан фойдаланяпмиз. Бу, ўз ўрнида, соҳанинг илмий истиқболига ишонч уйғотади.

Халқаро ҳамкорлик қай даражада самара бермоқда?

Германиянинг GIZ халқаро ҳамкорлик жамияти ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ўртасидаги «Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш лойиҳаси» доирасида Франциядан картошканинг 10 нави олиб келиниб, Ўзбекистон

минг евро бўлган асбоб-ускуналар харид қилинди. Натижада 100 тонна картошқа уруғини сақлаш ҳажмига эга совуқчилик оқмор, замонавий картошқа қовлагич, ёмғирлатиб суғориш ускунаси ва йилига 650 тонна картошкани чипсга айлантириш имконияти яратилди.

Шунингдек, қиймати 3,6 млн. доллар бўлган 2020-2023 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон—Хитой» қўшма пахтачилик илмий лабораторияси ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Қувонарлиси, яқинда ушбу ҳамкорларимиз лойиҳа доирасида қиймати 351,2 минг АҚШ долларига тенг лаборатория жиҳозларини юборди.

Келгусида соҳа илм-фанини ривожлантириш борасида тизимдаги илмий-тажриба станцияларининг майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалик экинларининг бирламчи уруғла-



бўлган ютуқларни кечиктирди. Ҳали олдинда бажарилиши зарур бўлган вазифаларимиз бор эканини инкор этмаган ҳолда, соҳага янги нафас кириб келганини эътироф этиш керак. Натижада кейинги йилларда анча самарали ютуқлар қўлга киритилди.

Хусусан, халқаро алоқалар янада мустаҳкамланди. Бу илмий ходимларнинг чет эллик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашишда қўл келяпти. Жумладан, 2015 йилда тизим ташкилотларидаги илмий ходимларнинг 38 нафари чет элда ўтказилган илмий анжуман ва ўқув-малака ошириш ишларида иштирок этган бўлса, 2019 йилда 104 нафар илмий ходим ўз били-

шароитида синопсис қўрилди. Синондан муваффақиятли ўтган «Флорис», «Универсиа», «Пассион» ва «Ауреа» навлари танлаб олинди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда картошқа уруғчилиги ва қайта ишлаш тизими асосида қўшилган қиймат занжирини яратишга асосланган «INNOVATION AGRO SERVIS» ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилди. Унинг фаолият юртиши учун умумий қиймати 323




Қовуннинг «Оқ-уруғ—1137», «Қора пўчоқ—3744», «Кўк-қалла-пўш», «Кўкча—588», «Оби новот» навлари 1946-1949 йилларда давлат реестрига киритилган. Ҳозирда халқ селекционерлари ҳамда селекционер олимларимиз томонидан яратилган маҳаллий қовуннинг 274 та нав намуналарини тиклаш ва уруғларини генофондда сақлаш имкониятига эга бўлинди. Тарвузнинг «Ўзбекистон—472», «Қороль Куба-92» навлари истеъмолчилар талабига жавоб бермай қолгани боис уларнинг ўрнини босадиган «Шарқ неъмат», «Ширали» ёки «Ширин» навлари яратилиб, Давлат реестрига киритилди.

рини кўпайтириб, ички бозорга сотиш, шунингдек, республикамиз тупроқ-иклим шароитига мос бўлган экспортга йўналтирилган ноанъанавий ва доривор ўсимликларнинг бирламчи уруғларини етиштириш ҳам истиқболдаги вазифалардан саналади. Олиб борилаётган барча саты-ҳаракатлардан кўзланган мақсад — соҳа илм-фанини ривожлантириш, янгилик яратиш, шу аснода мамлакатимиз аграр соҳасини тараққий эттиришдир.

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази фаолияти йўлга қўйилади.

ПАХТАЧИЛИК кооперациялари нимаси билан ажралиб туради?

Аграр соҳа изчил ва жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистонда инновацион технологиялар йил сайин кўпайиб, деҳқончилик, боғдорчилик жабҳалари фаолияти тубдан янгиланмоқда. Бу эса йиллар мобайнида депсиниб турган ва бир қолипга тушиб қолган тармоқни оёққа турғазишда муҳим роль ўйнайди.



лик бошқармаси бошлиғи Акмал Шамсиев. — Низомга кўра, кооперациялар буюртмачи талаблари асосида уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа моддий-техника ресурсларини етказиб бериш, механизация, транспорт ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатади. Аъзолар билан тузилган шартнома асосида улар ҳосилни ташиш, тайёрлаш, сақлаш, тегириш усулида қайта ишлаш, маҳсулотни ички ва ташқи бозорда сотиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш ҳажми ва сифатига қараб рағбатлантирилади

— Кооперация аъзолари меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулотни (бажарган иши) ҳажми ва сифатига қараб ҳақ тўланади, — дея давом этади Акмал Шамсиев. — Якуний даромад (фойда) кооперация аъзолари ўртасида уларнинг мулк пайларига мувофиқ тақсимланади, яъни ишлаган «тишлаши» зарур. Қарор қабул қилишда ҳуқуқлар тенглиги таъминланади. Ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ернинг муҳофазаси қилиниши ва тупроқ унумдорлиги оширилишига жавобгарлик каби муҳим жиҳатлар қамраб олинган. Давлат органлари мансабдор шахслари кооперациянинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадиган фаолиятига аралашishi белгиланган тартибга зиддир.

Кластер — ўзбекона жамоавийликнинг бир кўринишидир

Нутқимизда пайдо бўлган «кластер» сўзининг луғавий маъноси қандай? У фермер хўжаликлари тугатилишига замин бўлмаётими? Дунё мамлакатларида бу тизим кўлланиладими? Очиғи, ана шу саволлар устидаги баҳс-мунозара кизгин давом этмоқда.

Маълумотларга кўра, 2017 йилда республикамизда буйича бор-йўғи



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Республикамизда 95 та пахта-тўқимачилик кластер корхонаси мавжуд бўлиб, уларга бириктириб берилган 907 минг 784 гектар ер майдонида жорий йил 3 миллион 268 минг тонна пахта хомашёсини етиштириш режалаштирилган.

битта кластер ишлаган бўлса, 2018 йилда бу рақам 15 тага, 2019 йилда эса 75 тага етди. Жорий йилда уларнинг сони яна ҳам кўпаймоқда. Шулардан бири — Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманидаги «ТСТ cluster» корхонаси бўлиб, унга 2018 йилда асос солинган. Таъкидлашничи, авваллари бу ерда 400 та фермер хўжалиғи тарқоқ ҳолда иш юритар, ҳосилдорлик бирида паст, бирида ўртача бўлар, биров билан биров қизиқмасди. Ҳозир қандай ўзгариш бўлмоқда?

— Кластер, бу — тўғлиниб ишни амалга ошириш демакдир, — дейди «ТСТ cluster» раҳбари Матлуб Нўъмонов. — Моҳиятан олиб қарасак, ўзбекона жамоавийликнинг бир кўриниши аслида. Ушбу тажриба Франция, Нидерландия каби давлатларда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш асоси бўлган. Унинг фермерликдан фарқи нимада? Аввал фермерларимиз бевосита «Ўзпахтасаноат» билан шартнома тузиб, уларни пахта толаси билан таъминлаб келган. «Ўзпахтасаноат»дан эса тўқимачилик корхоналари пахта сотиб оларди. Эндиликда кластер тизимига ўтигач, чигит экишдан тортиб то уни бошқа маҳсулот ҳолига айлантиргунча барча операцияларни ўзимиз охирига етказишимиз мумкин. Тасарруфимиздаги 28 минг гектар майдоннинг 14 минг 300 гектарига бошоқли дон, 13 минг 200 гектарига эса пахта экиб, аввал деҳқон-фермер хўжалиғи сифатида иш юритган барча жамоаларнинг бошини бириктирдик.

Кластерни қандай муаммолар қийнамоқда?

Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кластер тизими учун янги босқични бошлаб бермоқда. Ушбу қарорнинг аҳамияти шундаки, ҳар бир кластернинг пахтани тозалайдиган ўз заводи бўлади. Куйи Чирчиқ туманидаги 40 минг тонна ҳосилни қайта ишлаб берадиган пахта заводи Ҳиндистон билан келишилган инвестиция

лойиҳасига кўра, 2021-22 йилларда 50-55 минг тонна хомашёни тозалайдиган шохобчага айлантирилади. Кооперация тармоқлари — ёғ-мой заводи, толадан ип-калава тайёрлайдиган ишлаб чиқариш корхонаси қурилиб, юзлаб иш ўринлари яратилади.

— Сўнгра ип-калавани матога айлантириш учун бошқа бир кооперация — тўқимачилик саноатига қўл урамиз, — дейди М.Нўъмонов. — Ана шу мақсадда бу йил 80 гектар майдонга матони бўйша ва гул босишда ишлатиладиган индигофера ўсимлигини эдик. Хуллас, маҳсулот ўз ихтиёримизда бўлиб, уни сифатли, экспортбоп товарга айлантириш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Аммо банклар томонидан кластерга ажратиладиган пул ресурсларининг кечиктирилиши, суғориладиган пахта майдонлари учун сув танқислиги, аммофос ўғитининг «Казфосфат» заводи орқали харид қилиниши иш фаолиятимизда катта-кичик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бунга мутасаддилар томонидан жиддий эътибор қаратилишини истар эдик.

Янгиликнинг қабул қилиниши ҳар доим қийин кечади. Унинг самараси кўзга ташланган пайтда соҳа ходимлари бунга тан беришади. Чигит экиш тадбирининг босқичма-босқич саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнига ўтиши, бундан қадоқ кўлли деҳқоннинг ҳам қосаси оқариши янги тажриба сифатида эътироф этишга арзийди.


Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Тошкентда 656 километрли пиёдалар ва велосипедлар йўлаклари қурилади.

Энди маъмурий баённома ПЛАНШЕТ орқали расмийлаштирилади

ЯНГИ ТИЗИМ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ? УНИНГ МУТАСАДДИ
ХОДИМ ВА ФУҚАРОГА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИГИ БОР?

Инсон борки, хато қилади, баъзида билиб-билмай кичик қоидабузарликларга қўл уриши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳуқуқбузарлик жазосиз қолмайди. Бундан мақсад — кишининг ўз айбини англаши, ҳолатнинг қайта такрорланмаслигини таъминлашдир. Одатда, айни жараёнда масъул ташкилот ходими фуқарони идорага олиб боради. Баённома тўлдириб, бир қанча овозгарчилик, қоғоз-бозлик ишлари амалга оширилади. Бунда ҳам масъул ходимнинг иш самараси камаяди, ҳам ўз айбини тушуниб етган фуқаронинг вақти зое кетади.



Тизимдан қандай ҳолларда фойдаланиб бўлмайди?

— Қарорда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда юритилмайдиган ҳолатлар ҳам санаб ўтилган, — дейди ИИВ тезкор маълумотлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Бахтиёр Каримов. — Хусусан, ҳуқуқбузар ўз қилмишини рад этганда, ё бўл-маса, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланган санкцияда жарима тўлашдан бошқа турдаги маъмурий жазо бўлса, соддалаштирилган тизимдан фойдаланилмайди. Бундан ташқари, чет эл фуқароси ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан бундай тартибни амалга ошириб бўлмайди. Ҳолатдан моддий ва маънавий зарар кўрган тараф ёки унинг вакили зарарни ундиришни талаб қилган ҳолларда ҳам бундай амалиёт татбиқ этилмайди.

Яна бир ҳолат: йил давомида такроран содир этилиши оқибатида жиноди амавогарлик келиб чиқиши назарда тутилган ҳуқуқбузарликларда шахснинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилгани ҳақидаги маълумотни дарҳол олишнинг имкони бўлмаса, иш юритиш тегишли маълумотлар олингунга қадар умумий тартибда давом эттирилади.

Лойиҳа бўйича ташкил этилган махсус идораларо комиссия 2021 йил 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳрида соддалаштирилган тартибни амалга ошириши натижаларига кўра, уни босқичма-босқич республика бўйлаб татбиқ этиш чора-тадбирларини кўради. Қонун ҳужжатларини янгилик бўйича керакли ўзгартиришларни киритади.

Хулоса қилиб айтганда, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш нафақат фуқароларга, балки орган ходимларига ҳам энгиллик ва қулайликлар яратади. Шунингдек, бу жараён иш самарасининг ошишини таъминлаб, шаффоф ва адолат тамойилларида фаолият юритишига катта ҳисса қўшади, албатта.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Айрим тармоқлардаги бундай камчилик ва муаммоларни фақатгина соҳага замонавий ахборот коммуникацияларини жорий этган ҳолда, ҳужжатларни соддалаштириш орқали бартараф этиш мумкин. Шу боис кейинги йилларда ички ишлар тизимида ҳам рақамли технологияларни кенг татбиқ этиб, соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳужжатларнинг ягона электрон базаси яратилади

Сир эмаски, бугунга қадар қонунчиликда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни тезкор ҳал этиш учун замонавий АКТдан кенг фойдаланиш имконини берадиган ҳуқуқий тизим мавжуд эмас эди. Ҳукуматнинг «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни шу тизимни ҳаётга татбиқ этишга асос бўлади.

Ҳужжатта асосан, «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув» лойиҳаси босқичма-босқич амалиётга жорий этилади. Унга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўзатиш, кўриб чиқиш ва баённома тузиш рақамли технологиялар иштирокида соддалаштирилган тартибда амалга оширилади.

— Бунинг учун, аввало, ваколатли органлар, судлар ва Маъмурий ижро бюроси, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг электрон ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини интеграциялаштириш талаб этилади, — дейди Ички ишлар вазирлиги масъул ходими, лейтенант Нилуфар Тўрахонова. — Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритишда фойдаланиладиган процессуал ҳужжатларнинг ягона электрон базаси шакллантирилади. Лойиҳа доирасида 2021 йил 1 январга қадар автоматлаштирилган мультимедиа

биометрик идентификация қилиш тизими учун 40 миллион нафар шахснинг анкета маълумотлари, ташқи юз қиёфаси ва қўл излари белгиларини қайта ишлашга мўлжалланган дастурий таъминот ҳамда «Паспорт-виза» автомат-

лаштирилган ахборот тизими мажмуаси учун сервер қурилмалари харид қилинади.

Шунингдек, автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими, шахсни идентификация қилишнинг автоматлаштирилган тизими ҳамда биометрик паспорт тизими модернизация қилинади.

БУ — ҚИЗИҚ!

Қаерда сақич чайнаш тақиқланган?

➔ Сингапурда бир пайтлар сақич чайнаш бутунлай тақиқланган эди.



Ҳозир эса фақат доктор рухсатномаси орқали чайнаш мумкин. Туристлар сақич чайнашига тақиқ йўқ. Аммо уни ерга ташласа, 500 сингапур доллари миқдорида жарима тўлайди.

➔ Австрия пойтахти Вена шаҳри метросида таом истеъмол қилиш, наусниксиз мусика тинглаш тақиқланади.



➔ Кўпгина мамлакатларда маҳаллий ҳайвонларни боқиш тақиқланади. Масалан, Таиландда филни овқатлантириганлик учун 310 доллар, Мисрда эса балиқларни озиклантириганлик учун 15 доллар жарима тўлайсиз.



Вояга етмаган маҳкумларнинг ота-онаси билан учрашувларидаги чекловлар бекор қилинди.

КАРАНТИН КУЧАЙТИРИЛАДИ:

қандай янги тартиблар жорий этилди, нималар тақиқланди?



Коронавирус пандемияси ҳамон мамлакатлар иқтисодиёти ва аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Юртимизда ҳам бутун дунёда бўлгани каби пандемия шароити сақланиб турибди. Бироқ сўнгги кунларда коронавирус инфекциясига чалиниш ҳолатлари ўсиб бораётгани, айрим ҳудудларда юқори кўрсаткичлар қайд этилаётгани, шу жумладан, аҳоли ўртасида инфекцияни юқтириш даражаси ошиб бораётгани ҳисобга олиниб, Республика махсус комиссиясининг тегишли қарори билан карантин чоралари янада кучайтирилмоқда. Ҳўш, улар нималардан иборат? Қандай янги тартиблар жорий этилди?



Уч кишидан ортиқ тўпланиш тақиқланади

Жорий йилнинг 1 июль санасидан бошлаб, республиканинг барча ҳудудларида йирик буюм бозорлари ҳамда буюм савдоси билан шуғулланадиган йирик савдо мажмуалари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари санитария-дезинфекция ишларини амалга ошириш учун епилади.

«Қизил» ва «сарик» ҳудудларда соат 07:00 дан 23:00 га қадар жамоат жойларида уч кишидан ортиқ тўпланиш ҳамда 23:00 дан 07:00 га қадар кўчаларда, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар олдида бўлиш тақиқланади. Бунда фақатгина фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашгани, ҳомиладорлиги муносабати билан шифокор кўригидан ўттиш учун даволаш муассасасига ёхуд зарур дори-дармон харид қилиш мақсадида дорихонага бориб-келишига рухсат берилади.



Мазкур талабларни бузган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Шунингдек, «қизил» ва «сарик» ҳудудларда ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида жамоат транспорти ҳаракати камайтирилади.

Карантинни меҳмонхонада ўтказишга рухсат берилди

Коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари камаймаган давлатлардан (қизил рейслар) Ўзбекистонга кириб келаётган фуқароларга ўз хоҳишига қўра, 14 кунлик карантин назорати даврини ҳақини тўлаган ҳолда меҳмонхонада ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди. Хусусан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан шакллантирилган рўйхатга киритилган меҳмонхоналар уларга тегишли объектларни 24 соат узлуксиз кўриқлаш бўйича Миллий гвардия билан шартнома тузади.



Ушбу меҳмонхоналарда тиббиёт муассасалари томонидан шартнома асосида кундалик тиббий хизмат ташкил этилади.

Бундан ташқари, карантин назорати даврини ўтказиш учун меҳмонхоналарда жойлаштириш шarti билан хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларни туроператорлар ва авиаташувчилар томонидан ҳам республикага етказиб келиш рейслари ташкил қилинишига рухсат берилди.

Энди беморлар уч тоифага бўлинади

Коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар уч тоифага ажратилмоқда:

- коронавирус инфекциясининг енгил шакллари аниқланган (касаллик аломатларсиз ўтаётган) беморлар;
- коронавирус инфекцияси ўртача оғир кечаётган (тана ҳарорати кўтарилаётган) беморлар;
- коронавирус инфекцияси оғир кечаётган беморлар.



Шу муносабат билан жорий йил 5 июль санасидан бошлаб коронавирус инфекциясини юқтирган беморларни даволаш билан боғлиқ янги тартиб жорий этилмоқда. Унга қўра, касаллик аломатларисиз кечаётган енгил шаклдаги беморлар шифокор тавсиялари асосида, санитария-гигиена қоидалари ҳамда парвариш учун зарур шароитлар мавжуд бўлганда, уй шароитида даволанишига рухсат этилади.

Уйда даволанаётганлар устидан назорат кучайтирилади

Шифохоналарда ва уй шароитида даволанаётган касаллик аломатларисиз кечаётган енгил шаклдаги беморлар 10 кун муддатда клиник белгилари кузатилмаган тақдирда назоратдан чиқариш амалиёти жорий этилади. Шунингдек, коронавирус инфекцияси тасдиқланган бемор билан бирламчи мулоқотда бўлганлар 14 кунлик карантин муддатини уй шароитида ёки тасдиқланган рўйхатга асосан меҳмонхоналарда барча санитария-эпидемиология ва карантин чекловларига риоя этган ҳолда ўтказишга рухсат берилади.



Касаллик аломатларисиз кечаётган енгил шаклдаги беморларни уй шароитида даволаш ва парвариш тартиби ишлаб чиқилади ҳамда қабул қилинади. Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан уй шароитида даволанаётган касаллик аломатларисиз кечаётган енгил шаклдаги беморлар ва карантинга олинган мулоқотдагиларни яшаш манзили бўйича қатъий назорат олиб борилади.

Шунингдек, санитария-карантин чекловларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Республика махсус комиссияси аҳбороти асосида тайёрланди.

Дори воситаларига нисбатан референт нарх шакллантириш тизими жорий этилади.



Яқинда Ўзбекистоннинг Исроилдаги фавкулда ва мухтор элчиси этиб Феруза Махмудова тайинланди. Ҳозирги элчиларимиз орасида у ягона хотин-қизлар вакили. Шу боис ҳам дипломатнинг келгусидаги фаолияти, режалари кўпчилик учун қизиқ.

Куни кеча Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмоновнинг Исроилдаги фавкулда ва мухтор элчиси Феруза Махмудова билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Исроил давлати ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги илм-фан ва инновация соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳаводан сув олишдан тортиб, ҳисоблагичдаги текин вай-файгача

— Исроил — инновацион давлат, — дейди И. Абдурахмонов. — Ўзбекистонда 50 га яқин стартапчи бор.



Исроилда эса улар 10 мингдан зиёд. Бу иқтисодиётга катта ёрдам беради, ҳамкорликда шу экотизмни яратмоқчимиз. Технологиялар трансфери бўйича ишлар аллақачон бошланган. Улардан бири «WATERGEN» компаниясини ҳаводан сув қиладиган технологиясини маҳаллийлаштириш устида иш олиб бораётимиз. Мамлакатдаги коммунал хизматларга мўлжалланган — ерни қовламай туриб тешилган трубаларни тузатиш технологиясини ҳам Ўзбекистонга олиб келдик. Аввал спутникдан ҳамма тешиклар аниқланади, натижа эса 99 фоиз аниқ. Ерни қовламай туриб махсус палинерлар орқали тешикларни ямаб, янги труба қилса бўлади. Технологияни пойтахтимиздаги Сергели, Миробод туманида синовдан ўтказдик. Натижада 900 дан ортиқ тешик топилди.


тектириб кўрилганда ҳақиқатан ҳам, шу ерларда сув сизаётгани аниқланди. Бир тешикдан йилга 50 минг АҚШ долларлик сув сизиб йўқолиб кетади. Сув тепага отилиб чиқмагунча буни ҳеч ким билмайди. Натижада иқтисодиёт зарар кўради. Эйтиборлиси, трубалар қанчалик эски бўлмасин, технология ёрдамида уларни янгилаш имкони мавжуд. Ҳозирда технологияни татбиқ этиш бўйича «Сувсоз» билан ҳамкорликда ишляяпмиз. Шунингдек, исроиллик стартапчилар сув ҳисоблагичлари учун янги таклиф ишлаб чиқишган. Унга кўра, ҳисоблагичнинг ўзида Wi-fi бор ва у ҳисобни тўғридан-тўғри «Сувсоз»га етказди. Хонадонда эса Wi-fi текин бўлади. Бундан ташқари, биринчи бор Ўзбекистонда айроқосметик лабораториялар ташкил этиляпти. Шу мисолларнинг ўзиёқ Исроил илм-фан ривожини учун стратегик ҳамкор эканини исботлайди.

«Эйтиборни, аввало, таълим ва инновация соҳасига қаратаман»

— Бу лавозим мен учун катта масъулият. Билдирилган ишонччи оқлаш учун эса бор куч-ғайратимни ишга соламан, — дейди Ф.Махмудова. — Максадим — эришилган натижаларимизни дунё ҳамжамиятига намоеён этиш. Биз нафақат ютуқларимизни кўрсатишимиз, балки инновация, янги технологияларни жалб қилиш бўйича ҳам кўп ишлашимиз керак. Фаолиятимизда биринчи уруғни, аввало, таълим ва инновация соҳасига бермоқчиман. Чунки билимсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Билим, бу — тараққиёт учун қилинаётган ҳаракатларнинг энг биринчи калитидир. Ёшлар эса биз учун стратегик ресурс. Шу боис нафақат тактика нуқтаи назардан, балки стратегик нуқтаи назардан ҳам дунёқарашимизни юксалтиришимиз зарур. Боиси бу — давр талаби.

Муаммони маълум муддатга ечган билан иш битмайди

— Бугун аҳоли учун қулай яшаш шароитини яратишга интиляпмиз. Хўш, қайси восита,



маблаг ва йўл орқали? Албатта, билим орқали. Исроилдан керакли соҳалар бўйича мутахассисларни Ўзбекистонга жалб этишимиз мумкин. Бу ишни, аввало, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидан бошлаймиз. Сувни тежаш, сув ресурсларини бошқариш, улардан унумли фойдаланиш — бу ҳам фан, ҳам амалий жиҳатдан мураккаб жараён. Афсуски, ўзимизнинг мутахассислар замонавий стандартларга мос билимларга эга эмас. Буни тан олишимиз керак. Биз Исроил, Голландия ёки бошқа мамлакатлардан сув тежовчи технологияларни сотиб оламиз. Бу масалани фақат маълум муддатга ечади. Стратегик жиҳатдан ёндашсак, мутахассисларни жалб қиламиз. Масалага уларнинг билимлари билан ечим топамиз, уларнинг нуқтаи назари билан қараймиз. Қачонгача уларнинг оғзига қараймиз? Мирзо Улуғбекнинг авлоди сифатида бу бизга тўғри келмайди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас

— Исроил билан манфаатли алоқаларни ўрнатаман. Алоқаларни ўрнатибгина қолмай, уларнинг ривожини ҳам кузатаман. Чунки икки томонлама ҳамкорликда салбий жиҳатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Мисол учун юртимизда «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази ташкил топганди. Бироқ кейинчалик Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки тузилди. Икки томонлама алоқалар эса йўқолиб қолди. Балки бунга йўналишда фаолият юритаётган кадр ишдан кетгани ёки мутахассис йўқлиги сабаб бўлгандир. Алоқалар инно-

вацион марказ билан ўрнатилган. Исроилдаги компаниялар энди биз ким билан ҳамкорлик қиламиз, деб сўрашяпти. Ходимлар алмашса-да, компьютер базаси сақланиб қолиши керак. Нима учун аввал алоқалар ўрнатилган, шартнома-лар тузилган компаниялар билан ҳамкорликни бошқатдан бошлашимиз керак? Бу мантиққа тўғри келмайди-ку.

Баъзида энергетика, кимё соҳаси бўладими, Ташки ишлар вазирлиги ва элчихонага мурожаат қилишади: бизга тажриба берадиган маҳсулотларни тақдим этинглар, деб. Қандай қилиб биз мутахассис бўлмай туриб сизга сифатли ва ўрганиб чиқилган таклифларни билдираемиз? Нима учун соҳа бўйича вазирликларимизнинг халқаро бўлим бошлиғи, ходими интернет имкониятларига эга бўла туриб ундан фойдаланмайди. Хорижий бўлса, демак, элчихона бизга тегишли таклифларни берсагина кўриб чиқамиз ва жавоб қайтара-миз, дейиш тўғрими? Бундай ёндашув билан узоққа бориб бўлмайди. Сифат, самара бўлиши учун соҳа мутахассислари ҳам ишлаши керак. Шунинг учун фаолиятимизни ташкил этишда ҳар бир вазирлик билан алоҳида ишляяпман.

P/S. Мулоқот даврида, шунингдек, Исроил давлатидаги етакчи технопарклар, венчур компаниялари билан алоқалар ўрнатиш, молия тузилмаларига рақамлаштиришни изчил татбиқ қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети таянч докторанти
Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.

Хусусий музейлар, бадиий галереялар ва ҳунармандчилик марказларига солиқ имтиёзлари берилади.

Карантинда

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

сони ошди. Нега?

Бош прокуратура маълумотига кўра, 2020 йилнинг дастлабки беш ойида 17 минг 271 та жиноят қайд этилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 мингтага (41,9 фоизга) кўп демакдир. Шу жумладан, безорилик ҳолатлари сони 2,5, фирибгарлик, порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар 2 баробарга ошган. Босқинчилик ва ўғирлик жиноятлари ҳам кўпайган.

Очиги, пандемия инсон руҳиятига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмапти. Буни карантин даврида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина Навоий вилоятида ўтган давр ичида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 9 тага ошган. Бунда ёшлик — бебошлик давридан ўтиб бўлган, неварачеварали инсонларнинг қўли борлиги, айниқса, ачинарлидир.

Нурота туманидаги Гафур Ғулом номи маҳаллада яшайдиган Асрор Ғаниев 62 ёшда. У муқаддам Жиноят кодексининг 169-моддаси билан судланган ва қилмишга яраша жазо олган бўлса-да, яна тўғри йўлдан адашди. «Қорадори-2020» тадбирлари давомида унинг хонадонидagi гултувакларда 5 туп каннабис гиёҳвандлик моддаси парваришланаётгани фош этилди. «Отахон» инсон ақли ва умрига зомин бўлувчи бу ўсимликни ўзи истеъмол қилиш учун ўстираётганини айтди.

Ачинарлиси, Навоий вилоятида содир этилган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар тафсилоти ўрганилганда, бундай хатти-ҳаракатлар кўпроқ оқ-қорани таниб, ёшларга панду насиҳат қилиши керак бўлган инсонларга тегишли эканини кўриш мумкин.

— Пандемия даврида айрим дорионаларда савдоси тақиқланган психотроп дори воситалари сотилаётгани ҳам аниқланди, — дейди вилоят ИИБ ходими Уктам Усмонов. — Навоий шаҳри ва Хатирчи туманларида аниқланган бундай ҳолатлар бўйича тезкор қонуний чоралар кўрилди. Психотроп дори воситалари кўпроқ ёшларни қизиқтиради. Демак, бу келажак учун катта хавф туғдиради. Шу боис кенг жамоатчилик, айниқса, маҳалла фаоллари хушёр бўлиши, ўз худудидagi дорионаларда тийиқсиз қарамликка олиб келувчи бундай дори воситалари савдосига йўл қўйилмаслиги учун назорат олиб бориши лозим.

Карантинда ўғрилар зерикдими?

Зарурат бўлмаганда кўчага



чиқмаслик, кўнгилочар жойларнинг маълум вақт фаолият кўрсатмагани, даромад топишнинг айрим турлари тақиқлангани ҳам одамлар учун бир синов бўлди. Афсуски, бировнинг ҳақидан кўркмайдиган олчоқ кимсалар бу синовдан ўтолмадилар.

Вилоятда пандемия даврида ўғрилик билан боғлиқ жиноятлар ҳам бирмунча кўпайди. Нурота туманида беш кишидан иборат жиноий гуруҳ чорвачилик кетидан рўзғор тебратувчи фуқаронинг 21 миллион сўмлик қўйларини ўғрилаб, бошқаларга пулламоқчи бўлганда қўлга олинди.

— Пандемия даврида давлат мулки ҳисобланган табиий бойликларни ўмарига уриниш ҳолатлари ҳам кўп учраяпти, — дейди вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари Умид Адизов. — Аввалига бухоролик бир гуруҳ шахслар Қизилқум худудидagi тилла қониға ўғриликка тушгани аниқланган эди, кейинроқ Навбахор ва Хатирчи туманида яшовчи фуқаролардан иборат 20 кишилик гуруҳ ҳам таркибида тилла бор қўмларни қазиб олаётгани фош бўлди. Тергов-суриштирув жараёнида улар карантин даврида ишсиз қолишгани туфайли бунга қўл урганини айтишди. Аслида, ҳозирги вазиятда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир оила эътибордан четда қолаётгани йўқ. Аммо айримлар тирикчиликни

рўқач қилиб, нафс қутқусига учмоқда

Эпидемия эътиқодни ҳам синаяпти

Биз кимнинг қандайлиги эл орасида, жамоат жойларида кўрилади, деб ҳисоблаймиз. Аммо психологлар инсон ёлғиз қолганда ўз-ўзини тўлалигича намоён қилади, деган фикрда. Қизилтепалик Карим Мансуровнинг пандемия туфайли уйда қолиб, ёт ғоялар таъсирига берилганини кўриб, мутахассислар ҳақлигига амин бўлдик. «Қаҳрамонимиз» ахборот технологияларидан ҳам ўзига, ҳам бошқаларга наф келтириш мақсадида фойдаланиши мумкин эди.

Аммо ёлғиз қолганида унинг феълидаги қусур, эътиқоднинг сустлиги намоён бўлди. Хуллас, Карим «Odnoklassniki.ru» ижтимоий тармоғида ўз профили орқали халқаро террорчилик ташкилотининг ақидапарастлик ва террорчилик ғояларини ўрганиб, бу видеоматериалларни виртуал дўстлари орасида ҳам тарғиб қилишга киришди. Чингиз Айтматовнинг машҳур асаридagi каби тақир бошлига туя териси кийдирилмас-да, виртуал йўл билан манқуртта айланган К.Мансуров айна пайтда қонун олдида жавоб бермоқда.

Маҳаллалар жиноятдан холими?

Пандемия даврида вилоятда фуқаролар томонидан содир этилган 10 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликлар



ДАРВОҚЕ...

Вилоятдаги мавжуд 307 та маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилиқ патруль гуруҳи ташкил этилган бўлиб, уларда 681 нафар йигит-қиз фаолият кўрсатмоқда. «Фидокор ёшлар» ёрдами билан пандемия даврида 500 дан зиёд ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга эришилди.

маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлди. Бу ҳуқуқбузарликлар турли кўринишда бўлса-да, барчаси, асосан, карантин қоидаларини бузиш натижасида содир этилган.

— Жойларда профилактика нозирлари маҳаллаларнинг жиноятдан холи бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишмоқда, — дейди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азамат Ҳороқов. — Натijaда йил бошидан буён худуддаги 307 та маҳалланинг 288 тасида жиноятчилик қайд этилмади. Барча маҳаллаларда карантин муносабати билан криминоген вазиятдан келиб чиқиб, жамоатчилик назорати масканлари ташкил этилган. Бу ҳам ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга, ҳар қандай нохушлик ўз вақтида тезкор аниқланишига хизмат қилмоқда.

Юқорида вилоятда гиёҳвандлик, ўғрилик, ёт оқимлар таъсирига тушиш каби ҳолатлар қайд этилаётгани ҳақида сўз юритдик. Шунингдек, худудда тан жароҳати етказиш, қиморхона ёки фоҳишахона ташкил этиши, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар ҳам содир этилган. Бу «Обод ва хавфсиз» маҳалла тамойили илгари сурилаётган бир пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари янада масъулият билан ишлаши лозимлигини кўрсатади. Зотан, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилди, у қайсидир маҳаллага, кимнингдир маҳалладошига тегишли бўлади, албатта.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Навоий шаҳри бепул Wi-Fi билан таъминланади.

Статистик маълумотлар ўтган 2019 йил ва 2020 йилнинг беш ойи давомида Тошкент шаҳрида қотиллик, баданга оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилиқ, транспорт воситасини олиб қочиш каби оғир ва ўта оғир жиноятлар сони ортганини кўрсатмоқда. Айниқса, қотиллик ва оғир тан жароҳати етказишга оид жиноятларнинг деярли ярми ёшлар томонидан содир этилгани ачинарлидир.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан пойтахтда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида ўтказилган йиғилишда бу ҳақида сўз бораркан, соҳада амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилинди ҳамда мавжуд муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

76 та маҳаллада жиноят содир этилмаган, бироқ...

Шу ўринда айтиш лозимки, ўтган давр мобайнида пойтахтимизда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида ички ишлар органлари томонидан бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Пировардида ўтган йили умумий жиноятлар сони 430 тага камайишига эришилди. Шунингдек, ҳудуддаги 514 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 76 тасида жиноят содир этилмади, 369 тасида эса ҳуқуқбузарликлар сони камайди. Бироқ ҳали соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар талайгина.

Энг аввало, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида жамоатчилик билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган бўлиб, ўтган вақт давомида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти айнан ана шу тизим самарали ишлаганини оқибатида юзага келган. Натияжада эса қотиллик Мирзо Улуғбек ва Яқкасарой, оғир тан жароҳати етказиш Чилонзор, номусга тегиш Миробод ва Учтепа, босқинчилик Юнусобод ва Чилонзор, талончилик Юнусобод ва Учтепа, ўғрилиқ Яқкасарой ва Учтепа, транспорт воситасини олиб қочиш Чилонзор ва Яшнобод



Пойтахт нега ОҒИР ЖИНОЯТЛАР марказига айланмоқда?

туманларида кўп содир этилган.

Лоқайдлик – жиноятларнинг онасидир

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, юртимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда нега айнан Тошкентда оғир ва ўта оғир жиноятлар сони ортиб бормоқда? Содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг асл илдири қайерда?

Назаримда, бу муаммога, асосан, лоқайдлигимиз сабаб бўлмоқда. Афсуски, кўпчилигимиз ҳаётимиз давомида турли аянчи воқеаларга гувоҳ бўламиз, бироқ аксарият ҳолатларда кўз ўнгимизда содир бўлган мудҳиш ҳолатларга кўз юмиб, бепарвогина ўтиб кетамиз. Ёки бўлмаса, маҳалламизда бир девор яшайдиган ногирон, боқувчисини йўқотган қўшнимизнинг муаммоларидан беҳабармиз. Ваҳоланки, халқимиз азалдан қўшничилик одобларига амал қилиб, йўқсиллар ҳолидан хабар олиб келган, кам таъминланган, камбағал оилаларга ёрдам қўлини чўзган. Бундан кўринадики, инсон ҳаётининг осойишталиги, бахти, қувончи бевосита қўшни билан бўладиган муомалага боғлиқ. Шу нуқтага назардан, соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун, аввало, маҳалла тизими фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, халқ билан яқиндан мулоқот

ДАРВОҚЕ...

2020 йилнинг 5 ойи мобайнида Тошкент шаҳрида 896 та оғир ва ўта оғир жиноят қайд этилган бўлиб, республикада салбий 1-ўринни эгаллаган. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида 1 245 та содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг жами жиноятга нисбатан салмоғи 43 фоизни ташкил этиб, шу турдаги жиноятлар ҳам республикада салбий 1-ўринни қайд этган.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Пойтахтдаги 514 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 40 тасида жиноятлар сони ортган. Қотиллик ва оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг деярли ярми ёшлар томонидан содир этилган бўлиб, республикада энг ёмон салбий кўрсаткични Тошкент шаҳри қайд этган.



Фарҳод БОҚИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ташкил этилмагани натижасида 1 тадан қотиллик ва талончилик жиноятлари содир этилган ҳамда 6 нафар қидирувдаги шахсларни топилган қаратилган чоралар умуман қўрилмаган.

Назаримда, соҳадаги муаммоларга пробация гуруҳлари аъзоларининг фақат жиноятчиликнинг олдини олиш билан қиёқланиб қолаётгани асосий сабаб, деб ўйлайман. Шу боис жиноят қилишга мойил ёки жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий таъминоти, уларни ишга жойлаштириш масалалари билан алоҳида ишгуланиш ва бу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш зарур.

Шунингдек, нозик хилкат дея таърифланадиган аёллар томонидан содир этилган ўғрилиқ ва фирибгарлик жиноятлари ошганини ҳам афсус билан тилга олиш лозим. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқ-тартибот органлари билан хотин-қизлар масалаларига дахлдор барча ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш керак.

Хулоса ўрнида

Бир сўз билан айтганда, аҳоли осойишталигини таъминлаш учун, аввало, жиноятчиликка қарши кураш борасида кенг жамоатчилик билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, соҳадаги муаммоларни масалаларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш лозим. Ана шунда барча қўзланган мақсадларга эришилади.

ўрнатиш, пировардида маҳаллани энг халқчил тузилмага айлантириш зарур.

Пробация гуруҳлари фаолияти қониқарсиз

Яна бир оғриқли масала пробация гуруҳлари фаолияти билан боғлиқ. Афсуски, мазкур тизим томонидан жиноятчиларни қидириб топиш ва суд ҳукми ижросини таъминлаш чоралари қўрилмаганини оқибатида 2019 йил ва 2020 йилнинг беш ойи давомида пробация гуруҳлари назоратида туриб жазони ўтаётган 46 нафар шахс жазони ижро этишдан бўйин товлаб, айрим хорижий мамлакатлар ва МДҲ давлатлари ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларига қочиб кетган. Шунингдек, мазкур йўналишда пробация бўлимлари ҳисобида туриб жазо ўтаётган шахсларни жамиятга ижтимоий мослаштириш ва уларни ахлоқан тарбиялаш борасида олиб борилган ишлар лозим даражада олиб борилмагани оқибатида жорий йилнинг ўтган 5 ойида 12 нафар назоратдаги шахс такроран жиноят содир этган. Бундан ташқари, илгари судланганлар билан профилактик-огоҳлантирув ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги натижасида улар томонидан қайта жиноятга қўл урилган. Энг ачинарлиси, биргина Яшнобод туманида пробация назоратидаги шахслар ўртасида профилактика тадбирлари самарали



Шахсни ушлаб туриш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритилади.

Эсимда, болалигимда ёши катта эркалар ҳар йили кўй жунини қирқишар, аёллар эса жунларни тозалаб, унга ранг берар, сўнг гилам тўқиш, кигиз соларди. Бу жараёнларда ўзим ҳам қатнашиб, ота-онамга кўмаклашардим. Гилам ва кигизларни сотмас эдигу ўзимизнинг эҳтиёжимиз учун ишлатардик. Яқин қариндошлар, кўни-қўшнилари иштирокида ўтадиган бу жараёнлар ўзига хос анъана эди.



ТАРИХИЙ АНЪАНА: Энди қўлда гилам тўқиш орқали мўмай даромад топиш мумкин

Ўн йилдирки, бу анъанага гувоҳ бўлмагман. Қишлоғимнинг бугунги қизлари эса кигиз солиш, гилам тўқишни унутмаётган. Бунга бир томондан, чорва молларининг камайиб кетгани сабаб бўлса, иккинчи томондан, эҳтиёж, манфаат йўқлигидан. Манфаат, рағбат бўлганида эди, бу анъана давом эттирилиб, санъат асари даражасидаги гиламлар ҳам яратиларди. Негаки, қишлоқларда ишсиз, уйда ўтирадиган аёллар (улар фақат уй юмушлари билан машғул, лекин бирор даромадга эга эмас) кўп.

Эндиликда Президентимизнинг «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан бу анъана (кигиз солиш эмас, фақат гилам тўқиш) давом этадиган, қайта тикланадиган (баъзи ҳудудларда, чунки айрим ҳудудларда гиламчилик яхши ривожланган) бўлди.

Куни кеча қабул қилинган мазкур ҳужжат мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъатини, шу жумладан, тарихий анъаналаримизни ўзида мужассам этган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган илақ ва жундан қўлда гилам тўқиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Ноёб санъат асари ҳисобланадиган гиламларни бозор талабларига уйғунлаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни мазкур соҳага кенг жалб этиш орқали иш билан бандлигини таъминлаш асосий вазифа этиб белгиланди.

Хомашё қандай этиштирилади?

Қарорга кўра, гилам тўқиш учун «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларнинг жунидан фойдаланиш белгиланмоқда. Бундай зотли қўй ва эчкиларни этиштирувчи хўжаликларга Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидан яйлов ер майдонлари ажратиб берилди.

– Жами 13 минг гектар, шу жумладан, Жиззах вилоятидан 2 минг гектар, Қашқадарёда 3 минг гектар, Наманганда 1 минг гектар, Самарқандда 2 минг гектар, Сурхондарёда 3 минг гектар ва Тошкент вилоятида 2 минг гектар яйлов ерлари тоғ ва тоғолди ҳудудларидан ажратилади, – дейди «Ўзбекчорванасл» агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Зиёдулла Пирназаров. – Ажратилаётган яйлов майдонларидан самарли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида республикада гуштор-сержун йўналишидаги оқ оч жигар рангли дағал, майин ва ярим майин жун берувчи, шу жумладан, «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларни кўпайтириш ҳамда жунни қайта ишлаш, бўяш ва қўлда гилам тўқиш бўйича лойиҳа ташаббускорларини аниқлаган ҳолда 2020–2022 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиладди.

Бундан ташқари, ажратилаётган ерларда яйлов ўсимликларини мунтазам экиб борилишини таъминлаш учун қурғоқчиликка чидамли озуқабоп экинларнинг бирламчи уруғчилиги ташкил этилиб, 2020 йил якунига қадар жун ва тери маҳсулотлари сифатини халқаро стандарт талаблари бўйича тахлил қилиш тизими яратилади.

Субсидия ажратилади

2021 йил 1 январдан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чорвачилик маҳсулотлари этиштирувчи хўжаликларга улар томонидан қўлда гилам тўқишга ихтисослашган ҳунармандлар ва ташкилотларга сотилган ҳар бир килограмм «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларнинг жун учун **икки минг сўмдан субсидиялар ажратилади**. Субсидия бериш «Ўзбекчорванасл» агентлиги томонидан амалга оширилади.

– Бунинг учун «Ўзбекчорванасл» агентлиги томонидан чорвачилик хўжаликлари рўйхати, улардаги чорва моллари бош сони, маҳсулот

турлари, ҳажми ва бошқа зарур маълумотлар базаси юритилади, – дейди Зиёдулла Пирназаров. – Ҳар йили республикада кўпайтирилаётган «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларнинг бош сонидан ва жун маҳсулоти етказиб бериш ҳажмидан келиб чиқиб, келгуси йил учун субсидия ажратиш прогноз параметрлари ишлаб чиқиладди. Субсидия олувчилар, биринчи навбатда, жойларда ташкил этилган туман комиссиясига мурожаат қилади. Туман комиссияси субсидия олувчиларнинг рўйхатини шакллантириб, «Ўзбекчорванасл» агентлигига тақдим этади. Агентлигимиз туман комиссиясининг тақлифлари асосида тегишли маблағларни

бекипаксаноат» уюшмаси таркибидagi қўлда гилам тўқишга ихтисослашган ҳунармандлар ва ташкилотларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

– Жорий йилнинг 15 июлидан бошлаб «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидagi қўлда гилам ва ипақ мато тўқиш билан шуғулланувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шарти билан тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун – ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдоридан субсидиялар ажратилади, – дейди «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси бошқарма бошлиғи

Бобур Икромов. – Ҳар йили 1

августга қадар кейинги йил учун гилам ва ипақ мато тўқиш билан шуғулланувчиларга субсидиялар ажратиш тизими шакллантирилади. Субсидия ажратиш тартиби эса яқин кунларда ишлаб чиқилади.

Қарор асосида 2020 йил якунига қадар Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида туристлар таширф бўлорадиган маданий мерос объекти ҳудудларида қўлда тўқилган гиламлар кўргазма-савдо расталари ташкил этилади.

– Шунингдек, Ипақчилик илмий-тадқиқот институтининг бўш турган ер майдонида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва тегишли инвесторларга қўлда тўқилган гиламлар савдо-кўргазма уйини ташкил қилиш учун ер майдони ажратилади, – дейди Бобур Икромов. – Яна бир янгилик: қўлда тўқилган гиламларнинг экспорт салоҳиятини ва туристлар учун жозибадорлигини ошириш учун «Гилам тарихи» («The history of carpet») QR-кодлар бўйича мобиль илова ишлаб чиқилади. Унда ҳар бир гиламнинг тўқиш жараёни, чевар хотин-қизлар ва уларнинг ишлаш шариоити каби маълумотлар мавжуд бўлади.

Рустам ЮСУПОВ
«Mahalla»

Дарвоқе...


2021 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҲАР ИККИ ЙИЛДА БИР МАРТА ОКТЯБРЬ ОЙИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ШАРҚОНА ҚЎЛДА ТЎҚИЛГАН ГИЛАМЛАР (HAND-MADE ORIENTAL CARPETS) ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ.

субсидия олувчиларнинг банктаги ҳисоб рақамларига ўтказиб беради. Шунингдек, қўлда тўқилган гиламларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортда ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тизими ишлаб чиқилади.

Ипақдан гилам тўқувчиларга қандай имтиёз бор?

Бундай имтиёзлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 9-бандда назарда тутилган молиялаштириш тартиби, истисно тарикасида, «Ўз-

Солиқ кўмитаси ўзини ўзи банд қилганларни рўйхатдан ўтказишни бошлади.



Куй-қўшиқ илоҳий қудратга эга. У йиғлаб турган одамни қулдиради, беморни оёққа турғзади. Маромига етазиб ижро этилган куй-қўшиқнинг сеҳру жозибаси, умрбоқийлиги ҳам шунда. Фарғона фарзанди, иқтидорли бастакор Мусаев Нурматов ижодий фаолиятида эса бундай қўшиқлар талайгина. Фурсатдан фойдаланиб, ижодкор билан бастакорлик соҳасининг ўзига хос жиҳатлари, ютуқ ва муаммолари хусусида суҳбатлашдик.

Мусаев Нурматов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

«КЕЧАГИ ГАПНИ КЕЧА АЙТДИК, БУГУН ЯНГИ ГАП КЕРАК»

Ҳар қандай ишнинг аввали мутолаа бўлиши лозим

— Онам тил ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлгани учун оилада китоб мутолаасига алоҳида эътибор билан қаралган. Қолаверса, ўзлари китоб ўқишда биз, фарзандларга доимо ибрат бўлган. Шу боис ҳам улар ҳар бир сўз ва оҳангни тингловчига ўзига хос тарзда етказиб бера оларди.

Онам ўқиган эртаклар, ҳикоя ва шеърлардан таъсирланиб, тунни тонгга улаган, китобдаги қаҳрамонлар билан ғойибона суҳбатлашган дамларим кўп бўлган. Ана шу оҳанглар сеҳри билан улғайганим сабабли болаликдан мусиқа, қўшиқ яратишга меҳр кўйганман. Демокиманки, санъат оламига кириб келишимда оиладаги китобхонликнинг алоҳида ўрни бор. Ҳозир ҳам вақт топдим, дегунча китоб мутолаа қиламан. У менга ижодий куч-қувват бағишлаб, янги ғоялар сари ундайди.

Бастакор учун кўпроқ нима муҳим?


— Куй басталаб, қўшиқ яратётган ижодкор аруз вази, яъни шеърининг усули, ритми билан яхши таниш бўлиши керак. Бу бастакорликда муҳим ҳисобланади. Шеърда айтилаётган ғоя ва мақсадларни билиш, уни қидириб топиш, бастакорнинг меҳнати, маҳоратига боғлиқ. Шу боисдан бу касб эгаси кўпқиррали бўлиши зарур. Аввало, у яхши шеър ва унга мос оҳангни илғаб олиши учун шеърят, адабиёт билан яхши таниш бўлиши шарт. Чунки куй яратаётган бастакор ўзидан кўп нарса қўшмайди, аксинча танлаган шеърдаги мавжуд усулларни илғаб, ривожлантиради. Ана шунда умрбоқий қўшиқлар яратилади ва бу ижод маҳсули мухлислар меҳрини қозонади.

Яратилган куй ва қўшиқлар сотиладими?

— Яратилган ҳар бир куй, қўшиққа бастакорнинг ижод маҳсули, мулки сифатида қаралади. Бундай ижодкорларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, оиласи, рўзғори бор. Лекин бир қўшиқнинг баҳоси фалон пул деб нарх белгилаб бўлмайди. Кўп пул берилса, яхши куй, қўшиқ ёзиш ёки оз пулга ёмон куй яратиш деган қарашларга қаршиман. Яратилган ҳар бир асар ижодкор учун жуда қадрли — унинг баҳоси йўқ. Уни пул, бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Лекин ижодкорнинг ижодий изланишларининг маҳсулидан барча баҳраманд бўлиши керак ва шарт. Бунда яхши ижрочиларнинг маҳорати, меҳнати, ҳамжиҳатлиги муҳим роль ўйнайди. Буни ижодий ҳамкорлик, десак тўғри бўлади. Қўшиқлар пулга сотилмайди, унинг асл баҳосини мухлислар беради.

Ўзи куй басталаб қўшиқ айтаётганлар бор

— Аслида ҳар қандай санъат тақлиддан бошланади. Айримлар буни ижоднинг охиригача олиб боради, кимдир эса ўз йўли, услубини топиб, ижод қилади. Лекин улар орасида ҳам истеъдодлилари чиқиб қолаётганини инкор этмаслик керак. Шу боис улар фаолиятини чегаралаб бўлмайди. Лекин бастакорликка шунчаки ҳаваскор сифатида ёндашиб бўлмайди. Бастакор қўшиқчиликнинг барча жанрлари, услубларидан яхши хабардор бўлиши зарур. Хусусан, мақом, катта ашула, замонавий эстрада йўналишларини мукамал билмай туриб, бу ишга қўл уриб бўл-



жойига қўйиб, ана ундан сўнг иш олиб бориш керак. Агар томошабин бу ишда бепарво бўлса, ҳар қандай зўр асар «ўлади». Шу боис бастакор оддий халқ ҳаёт кечинмалари билан уйғун ҳолда яшаши керак. Хусусан, бугунги коронавирус пандемияси шароитида кенг халқ оммасини қўллаб-қувватлаш, уларни руҳлантириш, кўнглини кўтариш муҳим амаллардан эканлигини унутмаган ҳолда ижод қиляпмиз, изланыпмиз.

Устоз ва бугунги ёшлар ҳақида

— Ижод аҳлининг устозлари кўп бўлади. Баъзиларининг исмини эслай олмасан-да, уларнинг йўли, оҳанги қалб кўринг, қулоқларинг остида ҳамиша жаранглаб туради, сенга руҳан далда бўлади. Чунки санъатнинг саройи кенг — унга кириб-чиқувчи йўллар, эшиклар кўп.

Ёшлар қай соҳада бўлмасин, ҳар доим илдам ва илғор бўлишга ҳаракат қилиб келган. Лекин бу ҳаракатларнинг пойдевори устоз ўғит ва маслаҳатлари билан мустаҳкамланиб боради. Абдуҳошим Исмоилов, Фуломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев сингари санъаткорларнинг бастакорлик, қўшиқ яратиш борасидаги билим ва тафаккурлари, талаблари ана шу пойдеворнинг ишончли устунлари бўлиб хизмат қилади.

Жалолиддин Румийнинг бир гаги бор: «Кечаги гапни кеча айтдик, бугун янги гап керак». Демак, ҳаёт бардавонлиги, қувонч-шодликлари ҳар кун янгиланиб, сайқалланиб бораётган экан, бастакорлик санъати ҳам ана шу тараққиёт йўлига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб бораверади.

«Mahalla» муҳбири
Расул КАМОЛ ёзиб олди.

майди. Чунки тингловчи ҳамиша яхши ва мукамал асарларни талаб қилади. Уларни зўрма-зўраки, ҳеч қандай маъно-мазмунга эга бўлмаган бир лаҳзалик асарлар билан овултириб бўлмайди. Ҳар қандай асарни яхши ёки ёмонга ажрата оладиган синчков тингловчилар бор. Шу боис яратилаётган ҳар бир куй-қўшиқнинг ўзига хос талабларини унутмаслик керак. Бу — миллат, тугилиб ўсган она Ватан, ўлмас ва умрбоқий кадрларни эъзозлай олиш билан баҳоланади. Ана шу жиҳатларни билмаслик, эътибор бермасдан ижод қилишдан ҳеч қандай маъно йўқ.

Бастакорлик ишда созданингни ўрни қанчалик муҳим?

— Бастакорлик шундай бир ишки, унда шеърдан тортиб, созанда, ижрочи, ҳатто, мухлисларга боғлиқ жиҳатлар бор. Шу боис уларнинг бирини муҳим деб бўлмайди. Ана шу омилларнинг ўзаро ҳамоҳанглигида бир бутун асар юзага келади. Баъзан яратилган куй ва қўшиқларнинг қандай бўлганини бастакорнинг ўзи ҳам дарров англолмайди. Ана шунда мухлисларнинг олқиши, қўллаб-қувватлашлари бу асарни оммалаштириб юборади. Демак, мухлис кадр-қимматини ҳамма вақт

Иқтидорли ёшларга «Ўзбекистон белгиси»
кўкрак нишони топширилди.

КЎП ЭСНАЙСИЗМИ?

Бу жиддий хасталиклар аломати бўлиши мумкин



Кўпгина инсонлар эснашни мутлақо зарарсиз ва, ҳатто, фойдали рефлекс деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, эснашнинг одамга фойдали жиҳатлари кўп: у орқали мушаклар бўшашиб, мия ва тананинг бошқа аъзолари кислород билан тўйинади, организмдаги жисмоний чарчоқ ва рухий юк енгиллашади, энг асосийси, эснаш мияни «совутиш»га ёрдам беради. Бироқ мутахассислар тез-тез ва асоссиз эснаш хавfli касалликларнинг аломати бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмақда.

Депрессия пайтида одам кўп эснайдими?

Одатда инсон бир кунда 7-23 мартагача эснаши меъёр ҳисобланади. Бироқ ундан ортиқ эснаш, аввало, сурункали чарчаш синдроми ҳисобланиб, бу ҳолатни кунлик 7-8 соатлик уйқу билан енгиб бўлмайди. Боиси бу синдром узок давом этган оғир иш жараёни, тўйиб ухламаслик, нотўғри овқатланиш, спорт ва жисмоний меҳнат билан мунтазам шуғулланмаслик оқибатида ривожланади. Мутахассислар томонидан бу ҳол қонда кортизол (стресс) гормони миқдори ортиши билан тушунтирилади. Шунингдек, инсон сурункали чарчаганда кўкракда оғрик, нафас олиш ва юрак уришининг тезлашиши, бош оғриғи ва ҳатто, ҳушдан кетиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Яна бир гап. Биламизки, бугунги кунга келиб, инсониятнинг интенсив ҳаёт тарзи, орзу-ҳаваслар ортидан қувиш, ҳаётда ўзимиз ўрнатган юқори мақсадларга ета олмаслик натижасида руҳий зўриқишлар ва депрессия кучайиб бормоқда. Қарангки, тез-тез ва бартартиб эснаш ушбу хасталикнинг ҳам аломати бўлиши мумкин экан. Боиси депрессия пайтида инсонда кортизол гормонининг ортиб кетиши кузатилади ва бунда бемор кўп эснайди. Қолаверса, антидепрессантлар ичиш ва бунинг натижасида серотонин гормони миқдорининг ортиши ҳисобига ҳам бундай ҳолат кузатилиши мумкин. Қолаверса, депрессия вақтида бемор умидсиз ва хомуш кайфият таъсиридан чиқиб кета олмайди ҳамда атроф-муҳитта қизиқиши йўқолиб, бош оғриғи ва ихтиёрсиз агрессия кучаяди.

Эснаш инсулт хасталигига хосми?

Эснаш юрак хасталикларига ҳам хос бўлиб, хусусан, гипотензия ва юрак ритмининг секинлашиши танада кислород

етишмаслигига олиб келади ва бу вақтда бемор кўп эснайди. Бироқ мутахассислар бунга кўшимча равишда юрак-қон томир тизими хасталикларининг бошқа аломатлари кузатилмаса, ташвишлинишга ҳожат йўқлигини айтишади.

Ўзи аслида юрак касалликларида эснашни дайди нервнинг стимуляцияси чақиради. У эса бош мияни юрак ва ошқозон ичак йўллари билан боғлайди. Бундай вақтда кўпинча беморнинг қон босими тушиб кетади ва бунинг натижасида инсон кўп эснайди.

Шунингдек, эснаш хавfli касалликлар сирасига кирувчи инсулт ўтказган инсонларга ҳам хос бўлиб, у орқали бош мия ва тана ҳарорати бошқарилади, яъни хуруж пайтида одам танаси қизийди. Бундан ташқари, эснаш инсултдан аввал ҳам кучайиши

мумкин. Шу боис кўп эснаганда ва юзнинг чўзилиб қолиши, оғизнинг бир томонида табассум бўлиши, кўлни кўтаришнинг қийинлашиши ва буткул имконсизлиги, нутқ бузилиши кузатилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Дори воситаларидан тўғри фойдаланинг

Биламизки, бош мия ўзагининг зарарланиши ҳалқум, чайнаш ва мимик мускуллар ишига салбий таъсир этади. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан турли рефлексларнинг бузилиши ва эснашга олиб келади. Бундан ташқари, бош мия ўсмаларида ҳам одам чарчайди ва бунинг оқибатида беморда кўп эснаш кузатилади. Ҳатто, баъзан жигар фаолиятининг бузилишида ҳам бемор кўп эснаши мумкин. Яъни жигар хасталикларидан организмда гормонал мувозанат бузилиб, бу кўп ҳолларда эснашга сабаб бўлади. Шунингдек, кам учраса-да, мазкур ҳолатга эпилепсия белгиси сифатида ҳам қаралади. Бундай вақтда эснашнинг бош миянинг чакка қисмларининг ҳаддан ортиқ зўриқиши келтириб чиқаради.

Баъзида кўп эснаш турли дори воситаларининг ножўя таъсири сифатида ҳам кузатилади. Улар, асосан, антигистамин дори воси-

ДАРВОҚЕ...

Шифокорларнинг фикрига кўра, эснаш тезроқ ухлашга кўмаклашмайди, аксинча уйқуни қочириб, танани тетиклаштиради. Қолаверса, мутахассислар учувчи-синовчилар ва парашютдан сакровчиларни кузатаркан, масъулиятли парвоз олдида уларнинг эснай бошлаганига эътибор қаратишган. Одатда кучли ҳиссий зўриқишда, хавfli вазиятларда ўз-ўзидан одамнинг нафаси ичига тушиб кетади. Бундай ҳолатларда яна бир механизм – эснаш рўй бериши мумкин. Эснаш пайтида энг кўп жағ мушаклари зўриқиб, улар тўғридан-тўғри инсоннинг кўришига таъсир қилади. Олимларнинг айтишича, бруксизм, яъни уйқусида тишини ғижирлатадиганларга эснаш фойдали экан.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Италиялик нефрофизиологлар аёллар эркакларга қараганда ўртача ҳисобда кўпроқ эснашини аниқлашди. Бунга эса аёлларнинг ташқи муҳитни кучлироқ ҳис этиши, яъни кўплаб жабҳаларда эркакларга қараганда ҳиссиётга берилувчанроқ бўлиши сабаб экан.



талари, қон босими ҳамда оғрик қолдирувчи препаратлар бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ҳар бир инсон ўзидаги ўзгаришларга эътиборли бўлиши, агар бу ҳол саломатлигига таъсир этаётганини билса, албатта, шифокорга мурожаат қилиши лозим.

Унутманг, сиз оддий деб билган ҳолат аксинча жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай экан, саломатлигингизга доимо эътиборли бўлинг!

Гулноз ДАНАЕВА,
умумий амалиёт
шифокори.


Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сунъий нафас бериш аппарати фойдаланишга топширилди.

“
Экзема – турли кўринишдаги тошмалар, қичишиш, ачишиш билан бирга иммун тизимининг сусайиши билан кечадиган терининг сурункали ва қайталанувчи касаллигидир. Аслида экзема сўзи – грекча «eczema» – «қайнаб чиқиш» деган маънони билдиради. Бу яллиғланиш ҳатто асабийлашиш натижасида ҳам ривожланиши мумкин. У дерматитнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади.



ЭКЗЕМА қандай касаллик?

Касаллик ҳар бешинчи ёш бола ва ҳар ўттинчи катталарда кузатилиши қайд этилган. Экземада терининг зарарланган қисмида суюқлик тутувчи ўнлаб майда пуфакчалар ҳосил бўлиб, қичишади. Бир-икки кундан кейин пуфакчалар ёрилиб, қурийди ва кепакланувчи дағал тери қолдиради. Экземанинг нохуш белгилари кўпинча бир-икки ҳафтадан кейин йўқолади. Лекин улар йиллаб давом этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат касалликнинг сурункали шаклга ўтганини кўрсатади.



нуммуляр дерматит ҳашаротлар чақиши, кимёвий аллергия реакцияларига сабаб келиб чиқади.

Стазис дерматит – димланган дерматит деб ҳам аталиб, оёқнинг болдир ва товон қисмида кузатилади. Оёқларнинг пастки қисмидаги қон айланиши билан боғлиқ муаммолар ҳисобида ривожланади. Стазис дерматит кўпинча оёқларнинг ишиши ва варикоз томирларидан азият чекадиганларда учрайди.

киши нималарга аҳамият бериши керак?

Бунинг учун доимий равишда терини намлаб туриш лозим, айниқса, экземадан кўпроқ зарарланадиган қўллар, ёноқлар, болдир ва товонни.

Кўнига камида икки марта (имконият борича ванна ёки душдан сўнг) уларга ёгли крем (малҳам ёки лосьон) суртиш фойдали. Сув муолажалари вақтига эътиборли бўлиш, 10-15 дақиқадан ортиқ чўмилмаслик керак. Бунда илик (иссик бўлмаган) сувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Имкон даражасида ҳидсиз ва юмшоқ совундан фойдаланинг. Чунки антибактериал ва ароматли ювувчи воситалар тери ёғини агрессив ювиб ташлайди ва эпидермисни қуритади.

Чўмилиб бўлгач терини юмшоқ латтада артиб, намловчи крем суртинг. Экзема чақирадиган сабабларни топишга ва уларни бартараф қилишга ҳаракат қилинг.

Давоси

Касалликни даволаш уни келтириб чиқарган омилларга қараб амалга оширилади. Масалан, ёш болаларда экзема тухум, сут, бугдой, қулупнай, цитрус мевалар, шоколад истеъмол қилиш сабаб юзага келади. Таъсирланиши камайитириш учун боланинг рационини ўзгартириш ва ундан озуқа аллергияларини олиб ташлаш тавсия қилинади. Қичиш билан кечувчи тошма ва доғларда дерматологга, ёш болаларда эса педиатрга учрашиш керак.

Олдини олиш учун...

Касални даволагандан кўра, уни олдини олган маъқул. Хўш, экзема билан оғримаслик учун



Ҳеч ким ўз-ўзидан хасталанмайди. Эътиборсизлик, гигиена қоидаларига амал қилмаслик, овқатланиш рационининг бузилиши киши организмга турли касалликларни чақиради.

Қандай турлари бор?

Бошқа касалликлар сингарии экземанинг ҳам аломатларига қараб фарқланувчи турлари мавжуд. Улардан бири атопик дерматитдир. Экземанинг бу тури, одатда, эрта ёшда содир бўлади ва ҳаёт давомида гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолади. Атопик дерматит мавсумий аллергия ҳисобланиб, шифокорлар уни генетика билан боғлиқ эканини айтади. Экземанинг бу тури кўпинча беморнинг кўли, тизза ва тирсакларнинг буюлиш жойлари, тўпик усти, юқори қовоқлар, қулоқлар ва ёноқларда пайдо бўлади.

Контактли дерматитда эса тошмалар маълум бир буюм ва воситалар таъсирини реактив равишда пайдо бўлади. Таъсирловчилар ювувчи воситалар, кийим оқартирувчилар, терини парваришловчи косметика, совун ва парфюмерия, ювелир тақинчоқлар, бўёқлар, эритувчилар ва тамаки тутуни бўлиши мумкин.

Дисгидротик экзема турида қичийдиган пуфакчалар бармоқлар, кафтлар ва оёқ тагларида пайдо бўлади. У қўл ва оёқларнинг терлаши ва организмнинг стрессга шахсий реакция сабаб келиб чиқади. Дисгидротик дерматит аёлларда кўпроқ учрайди.

Қўл экзemasи фақат қафт ва қўлларга таъсир қилади. Қўллар экзemasи қисман контакт дерматитга ўхшайди. У кўпинча терини безовта қилувчи кимёвий моддалар сабаб юзага келади. Бироқ қўлларнинг экзemasи қишда совуқ ва куруқ ҳаво таъсирида ҳам пайдо бўлишини унутмаслик лозим.

Нейродермит – шифокорлар ушбу турдаги экземанинг кўринишларини психоэмоционал ҳолатларга организмнинг реакцияси билан боғлайди. Одатда, нейродермитлар тери касалликларида мойил бўлган ва экзема ёки псориазнинг бошқа турларини бошдан кечирганларда учрайди.

Нуммуляр (лотинча нуммуляр сўзи «танга» деган маънони англатади) экзема – терида тангачадек юмалоқ доғлар пайдо бўлиши билан кечади. Нуммулярда қичишиш, айниқса, оғир бўлиши мумкин. Кўпинча

Экземага чалинмай десангиз...

Ҳеч ким ўз-ўзидан хасталанмайди. Эътиборсизлик, гигиена қоидаларига амал қилмаслик, овқатланиш рационининг бузилиши киши организмга турли касалликларни чақиради. Хўш, дерматит нима сабабдан келиб чиқади?

Стресс, тўғри келмайдиган ювувчи воситалар, совун, косметика, терлаш, хлорли сув, турли ўсимликлар чанглари, уй чанги, моғор, ўта паст ёки юқори ҳарорат ҳам экземага сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун истеъмол маҳсулотлари ва гигиеник воситаларни харид қилаётганда эътиборли бўлинг.

Мўминжон ЖАББОРОВ,
Республика ихтисослаштирилган
Дермато-венерология ва
Косметология илмий-амалий
тиббӣёт маркази 1-Дерматология
бўлими мудири



Туғуруқ муассасаларида туғилиш ва ўлим тўғрисида Электрон маълумотлар алмашинуви дастури юритилади.

ФИТНАДАН тийилиш

– мусулмонларнинг бурчи

Эътиқоди суст, илми саёз инсонларни йўлдан оздириш, залолат сари етаклашга қаратилган шайтоний амаллар бисёр. Инсоният душманлари мақсадларига етиш учун турли-туман ҳийлаларни ўйлаб топдилар. Шулардан бири фитнадир. Зеро, фитна одамлар орасини бузади, бир-бирига душман қилади, отани боладан, яқинни жигардан айиради. Нотинчлик, низо, ифво келтириб чиқаради.

Луғатда кўп маъноларда келади

1. Жозиба, сеҳр; фусункорлик, афсункорлик, тароват, фатонат, берилмоқ (*мафтун бўлмоқ*). Фитна амал инсонларга гўзал кўринади, ёқимли кўринишда тақдим этилади. Асли сийратидан фарқ қилишини, афсуски, инсонлар кеч тушунади. Асл ислом, соф ақида, ҳақ жаннат каби жилвага иборалар қанчадан-қанча инсонларни ром этмади, дейсиз. Мазмун, ҳақиқий мақсад мана шу жозиба ортида яширингани боис уни тезда илғаб, англаб олиш мушкул. Шу сабаб тақлиф этилаётган ахборот ақл ва нақл тарозисида тортилиши, синтез қилиниши мақсадга мувофиқ.

2. Ишонмаслик, умидсизлик, худосизлик, даҳрийлик. Фитна, аслида ҳам, даҳрийликдир. Аллоҳга ишонган – имонли одам фитна қилиши мумкинми?! Аллоҳдан умидини узган, шайтон қулига айланганларгина одамлар орасига нифоқ солишга жазм қила олиши мумкин!

Асл фитначилар

Фитна – адаштириш, қизиқтириш, алдаш, йўлдан оздириш ва чалғитишдир. Ёлғонга асосланган «ғоя» ҳидоят йўлидагиларни ҳақ йўлдан оздиришга хизмат қилади. Айрим манфаатдор тоифалар хоҳиш-иродаси рўёбига хизмат қилади. Мўминни мўминга душман қилиб, бир-бирларининг қонини тўкишга сабабчи бўлаётганлар – асл фитначилардир.

Фитна, аслида, гумрохлик – ақлдан озганлик, жинниликдир. Ақс ҳолда қандайдир ўй-хаёлларни деб икки дунё саодатидан воз кечиш мумкинми? Бу ишга қодир кишини ақли, тафаккури соғлом, эътиқоди мустаҳкам, деб бўлмайди. Бунга мисол қидириб узоққа

бормаймиз: алдов ва пуч гоёларга лаққа тушиб, айбсиз инсонлар қонини тўкаётган кимсалар бориб турган гумрохлардир.

Фитна эгаларининг хатти-ҳаракатлари исён, ғалаёнга олиб келиши муқаррар. Гоёвий ихтилоф, илмдаги келишмовчилик, ақидадаги қарама-қаршилик охир-оқибат, инсонлар ва ҳатто халқлар ўртасида нифоққа сабаб бўлиши мумкин (*Яман давлатининг таназулга юз тутиши бунга яққол мисол*). Боғийлик, яъни мавжуд ҳукуматга қарши чиқиб, уни ағдариш, мақсадларига мос давлат қуришга қаратилган исён шулар жумласидан бўлиб, манбаларда боғийнинг ўлимига маҳкумлик таъкидланади. Илло, у тавба қилсагина кечирилади.

Эътибор қаратилса, юртимизда қарор топган қонунчилик соф ислоний ақидаларга нақадар мослиги аён бўлади. Зеро, адашган кимсаларнинг халқидан, юртбошисидан кечирим сўраб қилган тавбаси кечирилмоқда, ҳаётини йўлдан қўйиши, гуноҳини ҳалол меҳнати билан ювишига имкон берилмоқда...

Ёлғонга, миш-мишга таянади

Фитна – ёлғонга, миш-мишга таянади. У оятларни таъвил қилиш, ҳадисларни нотўғри талқин этиш натижасидир. У васваса, нафс балоси оқибати бўлиб, миллий, диний қадриятлар асосини вайрон қилишдир. Пайғамбаримиз Мухаммад (солаллоху алайҳи ва саллам): «**Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир**», деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Илмсизлик натижасидир

Фитна илмсизлик натижасида келиб чиқади. Пайғамбаримиз (сол-

лаллоху алайҳи ва саллам) башорат берганларидек, шарият илмидан беҳабар кишиларнинг дин номидан иш юритиши инсон ва жамият учун кўплаб кўнгилсизликларни, фитналарни келтириб чиқаради. Аллоҳ таоло фитна ҳақида Узининг Каломи шарифидаги «Бақара» сураси 191-оятда: «**Одамларни алдаб, фитнага солиш ўлдиришдан (ҳам) ёмонроқдир**», деб ўз бандаларини турли кўринишдаги фитналардан эҳтиёт бўлишга буюради. Чунки инсоннинг маънавий ўлими унинг жисмоний ўлимидан аянчлироқ, ёмонроқдир.

Залолат йўлига кириб қолган инсон нима қилсин?

Ҳўш, залолат йўлига кириб қолган инсон нима қилсин? Кейинги ҳаёти учун қандай йўл тутсин? Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Аъроф» сураси 3-оятда бу масалада аниқ буйруқ – амрларини баён қилган» (Эй, инсонлар), сизларга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «**дўстларга» эргашмангиз! Камдан-кам панд-насихат олурсизлар**».

Кўриниб турганидек, Аллоҳ таоло Қуръонга эргашингиз, эшитилиши ёқимли, кўриниши жозибали, аммо мазмунини мақсади ёмонлик, оқибати эса фосикликдан иборат даъватлар қилувчи «дўстлардан» йироқ бўлишни қатъий буюрмоқда. Қуръоннинг бошқа бир ўрнида шундан кейин ҳам тафаккур қилмайдиган, ҳидоятга қайтмайдиган мусулмонлар тўғрисида гўзал тадбир, адолат йўли зикр қилинади: «**Эй, мўминлар, Аллоҳга итоат қилинган ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга буйинсунингиз!** Бордию

бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарса Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиroyлироқ ечимдир» (*«Нисо», 59*).

Мазкур оятда Аллоҳ таоло барчани ўзига, Расулига ҳамда ўз ораларидан чиққан бошлиқларга итоат этишни буюрмоқда. Фитна қилишга эмас.

Дарҳақиқат, Қуръонда ҳар қандай муаммоли масаланинг адолатли ечими бор. Ихтилоф вақтида энг тўғри ечим фирқаланишнинг олдини олишдир. Асл тараққиёт ҳам, саодат ҳам бирдамлик, ҳурфикрлик натижасида амалга ошади. Бунинг учун ҳар бир фуқаро Аллоҳ қайтарганларидан қайтиши, буюрганларига итоат этиши ҳамда ўзларидан бўлган ишбошиларга сўзсиз буйсуниши шарт.

Кўр-кўрона тақлид қилманг!

Мусулмон кўр-кўрона тақлид қилмасин. У ҳар бир нарсага миллий, диний қадриятларига ҳамохан ақдан ёндашсин. Узининг илми етарли бўлмаса, илми, ишончи, тақводор, олимлардан сўраб қилсин. Ўрганганларига амал бўлсин. Хуллас, илм ўргансин, билганларига амал қилсин. Шундагина ҳидоят топади. Фитна қурбонига айланмайди. Ақс ҳолда унутмаслик керакки, Аллоҳ таолонинг унинг учун тайёрлаб қўйилган аламми азоби бор: «**Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларида бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у!**» (*«Нисо», 115*).

Аён бўлаётки, фитна, унга етакловчи ҳар бир хатти-ҳаракат – оғир гуноҳ. Ундан тийилиш – мусулмонларнинг бурчи. Динига, маънавиятига, халқига содиқлик эса хотиржамлик, кўнгиллар ободлиги, юрт равнақи, энг муҳими, икки дунё саодатига эришиш калитидир. Шундай экан, турли кўринишдаги ёт гоёлар таъсирдан сақланайлик, фитналардан огоҳ бўлайлик. Халқ, миллат бахти унга мансуб инсонлар бахти йиғиндисидан иборатлигини асло унутмайлик!

Шукржон ШОНИҒМАТОВ,
Чилонзор туманидаги Носирхон жоме масжиди имом ноиб.

«Яшил» ҳудудга яна олтига туманда масжидлар очилишига рухсат берилди.

КАШМИР

яна катта ўйинлар гирдобида

Инсон деб аталмиш хилкат бир парча ер учун қабрга киргунча қирпиқок бўлиб ўтар экан. Қўзни тупроқ тўйдиради, деб бежизга айтишмайди. Хатто экспертларнинг коронавирус пандемияси одамларни ўзаро меҳр-муҳаббатли қилади, деган назариялари ҳам пуч бўлиб чиқди. Бир парча ер илдинда Ҳиндистон ва Хитой ҳарбийлари уртасида юзага келган тўқнашув буни исботлади.

Кашмирда Хитой аскарлари билан тўқнашув пайтида Ҳиндистоннинг камида 20 нафар ҳарбийси ҳалок бўлди. 15 июнь куни юз берган тўқнашув сўнгги 45 йилда Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги биринчи отишма бўлди. Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги Хитойни Галван vodiysида чегарани назорат қилиш бўйича эришилган шартномани бузганликда айблади. Пекин эса Ҳиндистон аскарлари чегарани бузиб ўтганини билдирмоқда. Ҳиндистон ва Хитой ўртасида мазкур баҳсли ҳудуд учун 1962 йилда уруш бўлган эди. Бу урушда Ҳиндистон мағлуб бўлган. Натижада Ҳиндистон 38 миң квадрат метр майдонини бой берган. Утган 30 йил давомида бу масалада ўтказилган музокаралар чегарадаги баҳсли ҳудудлар муаммосини ҳал қила олмади.

Хуллас, Кашмир сайёрамизнинг янги қайноқ нуқтасига айланиши мумкин. Чунки Дехли ва Ислмообод 70 йилдан бери рақобат олиб бораётган бу тоғли ҳудудга Хитой Халқ Республикаси қўшимча қучларини ташлади.

Гап нимада?

Гап шундаки, Кашмирнинг бир қисм ҳудудига Пекин ҳам даъвогарлик қилиб келади. Дунёнинг аҳолиси сони бўйича икки энг йирик давлати, боз устига ядровий қурол соҳиблари ўртасидаги чегара бир неча ўн йиллардан бери кескинлик манбаи бўлиб келди. Аммо томонларнинг ўз ҳарбий бўлинмаларини орта олиб кетиши, дипломатларнинг эса ўз даражасида можароларни бартараф этиши учқуннинг аланга олмаслигига сабаб бўлди.

Бироқ аскарларнинг ҳалок бўлгани ҳинд жамоатчилиги фикрининг алангалатган пиллик бўлди. «Ҳиндистон жавоб қайтариши керак. Пекин аскарларимизни ўлдириши ва бизнинг бозоримиздан фойда олмаслиги керак», – деб ёзар экан Times of India газетаси Хитой импортига санкция киритишга чақирди. Етачки муҳолиф партия – Ҳиндистон миллий конгрессининг раҳбари, Индира Гандининг невараси, Ражив Гандининг ўғли Рахул Ганди ҳам эътироз билдирди. «Пичоқ суякка бориб тақалди. Нима бўлганини биз билишимиз

керак. Хитойнинг аскарларимизни ўлдиришга қандай ҳадди сизди?» Бу билан сиёсатчи бош вазир Нарендра Модининг икки кун мобайнида сукут сақлаши ва масалага изоҳ бермаганига ишора қилди. Учинчи куни эса ҳукумат раҳбари телевидения орқали мурожаат билан чиқди. «Биз ҳеч қачон ифвогарлик йўлини тутмаймиз. Ҳиндистон тинчлик хоҳлашига шубҳа бўлмаслиги керак. Агар арининг уясини қўзғамоқчи бўлса, Ҳиндистон тегишли жавобни беради», – деди Бош вазир.

Дехлининг муаммоси фақат Хитой билан эмас

Дехлининг муаммоси шундаки, Ҳиндистоннинг чегара баҳслари фақат Хитой билан эмас, Покистон билан ҳам бор. Пекин Ислмоободни ўзининг доимий иттифоқчиси деб билади, хотамтойларча қурол билан таъминлайди, иқтисодий ёрдам ва сармоялар тақдим этади. Боз устига, ҳинди-хитой чегарасидаги аланга пайтида Покистон Ҳиндистонга ўз эътирозларини эслатиб қўйишни айни ўрни, деб билди. Ҳиндистон Мудофаа вазирлигининг хабар беришича, Жамму ва Кашмирдаги назорат чизиғида ўт очишни тўхтатиш режимини бузишган. Бу минтақада Хитой билан бўлганидек, давлат чегаралари йўқ. Устига-устак, Кашмирнинг Ҳиндистон назорати остидаги қисмида Покистон билан боғлиқ исёнкор гуруҳлар ҳаракат қилади.

Муаммонинг асл сабаби нима?

Нега можаро шу пайтда келиб чиқди? Бунга ким айбдор? Фарбдаги матбуот муаммо ортида Ҳиндистонни АҚШ билан яқинлашуви учун Хитойнинг жазолаш мақсади яширинган, деб ёзмоқда. Бу шунчаки уйдирма. Зеро, узок йиллардан бери ҳар икки давлат Фарб билан қалин савдо-сотик алоқаларига эга. Муаммонинг асл сабаби ўзгача. Хитойлик ҳарбийлар ўз назоратидаги ҳудудни кесиб ўтиб, чодирлар ўрнатиб, Ҳиндистонни чегара бўйлаб олиб борилаётган инфратузилма қурилишини тўхтатишга мажбурламоқчи. Трамп твиттер орқали чегарадаги

можаро юзасидан воситачилик ёрдамини таклиф этди, бироқ на Пекин, на Дехли бунга рози бўлади. Хитой ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили воситачилик чақирғига рад жавобини берди. «Хитой-Ҳинд чегарасидаги ҳозирги вазият одағда барқарор ва назорат остида. Чегарадаги низоларни ҳал қилиш механизми ва алоқа каналлари яхши йўлга қўйилган».

Вазиятни назоратда ушлаш ва тинчликни сақлаш ҳар икки томон манфаатига жавоб беради. Улар катта урушни хоҳлашмайди. Бу йирик талафотларга олиб келишдан ташқари, уларни чуқур молиявий ва иқтисодий чоғга улоқтиради. Икки қарама-қарши давлат – Хитойда ҳам, Ҳиндистонда ҳам ядровий қурол мавжудлигини ҳисобга олсак, катта ҳарбий можаро авж олиши аниқ эди. Фақат фавқулодда музокаралар натижасида бунинг олди олинди.

Низога расмий Ислмообод ҳам қўшилди

Икки давлат ўртасидаги низога расмий Ислмообод ҳам ўз баёноти билан қўшилди. Покистон ташқи ишлар вазири Қурайший Хитойнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Унинг сўзларига кўра, Хитой можарони тинч йўл билан ҳал қилишга умид қилди, ammo Ҳиндистон бу муносабатни қўллаб-қувватламади ва қонли тўқнашувларга олиб келган баҳсли ҳудудда ишлашни давом эттирди.

Кашмир ҳақиқатда қўлай стратегик, геосиёсий аҳамияти катта ўлка. Айниқса, Афғонистонда тинчлик ўрнатилса, унинг қиммати янада ошади. Марказий Осиёнинг энергетик ресурсларини импорт қилиш учун қувурлар ётқиришда Кашмир ҳудуди қўлай маскан. Шунинг учун Хитой ҳам, Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам Кашмир билан бирга, Афғонистондаги ўз позицияларини мустаҳкамлашга бел боғлаган. Демак, Кашмир ҳудудий баҳслари ортида турган яна бир сабаб Афғонистон масаласи билан ҳам бевосита боғлиқ. Афғонистонда «катта ўйин» яна бошланган.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

«Катта ўйин»нинг бошида кимлар турибди?

АҚШ Афғонистондан чиқиб кетишга тайёргарлик қўрар экан, катта ўйиннинг аввалги босқичларида илтирок этмаган янги қучлар ушбу мамлакатда ҳал қилувчи роль ўйнашга енг шимаришмоқда. «Янги»лар сафининг бошида эса Афғонистонни «Бир макон, бир йўл» деб номланган глобал «жумбоқ»ни якунига етказишнинг муҳим воситаси сифатида кўраётган Хитой турибди. Ҳиндистон, Россия ва АҚШ сингари ўйиннинг бошқа илтирокчилари ўзининг мавжудлигини тўс-тўполон билан намён этаётган бир пайтда Хитой Афғонистонда «хира чироқ» сингари ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда АҚШ ва НАТО иттифоқчиларининг Афғонистондан чиқиб кетиши Хитойнинг бош роль ижроси сифатида саҳнага чиқишига йўл очиб беради.

Афғонистон Хитой учун бир неча жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Афғонистондаги Хитой инвестицияларининг энг ёрқин мисолларидан бири – бу Хитойнинг учта ҳукумат ширкати томонидан Афғонистон мис конларига 3 миллиард долларлик сармоя киритилганидир. Шунингдек, Хитой Афғонистоннинг темир рудаси ресурсларидан фойдаланишга ҳозирлик қўрмоқда. Аммо Хитойнинг асосий мақсади – Афғонистоннинг сарум литом, неодимий, лантан, вольфрам ва уран каби тоғ-кон манбаларидаги афсонавий бойлигини ўзлаштиришдир. Агар ушбу улкан табиий бойликлар қазиб олинса ва улардан тўғри фойдаланилса, Афғонистон яна тараққий этиши мумкин.

Хитойнинг Афғонистонда таъсир доираси тобора ойдинлашиб бормоқда. Сўнгги ҳисоб-ки-тобларга кўра, ҳукмрон партияга алоқадор 100дан ортиқ Хитой компаниялари Афғонистондаги турли соҳаларда, жумладан, нефть ва газ, металлургия, алоқа, транспорт ва, албатта, ҳарбий таъминот тармоқларида фаолият олиб бормоқда. Хитойнинг мақсади Ҳинд океанидан Марказий Осиёга чўзиладиган «дўстона» блокни яратишдир.



Итальян олимлари кўз тўр пардасининг суюқ протезини кашф қилишди.

Бир спорт турининг оммалашиши учун нима қилиш керак? Машғулотлар ўтказиш жойи ва спортчини қўллаб-қувватлаш учун маблагнинг ўзи кифоями? Балки ҳар бир маҳаллада шу спорт тури бўйича тўғрақлар очиш керакдир?

Нилуфар ЗОКИРОВА: «СПОРТЧИНИ мағлубиятлар тарбиялайди»

Тўғри, бу усуллар ҳам маълум даражада самара беради. Аммо спорт оммабоплигини таъминлашда юз фоизлик натижа — спортчиларнинг жаҳон миқёсидаги мусобақаларида Олимпиада ўйинларида қўлга киритилган ғалабаларидир.

Бокс ишқибозлари қисқа фурсатларда кўпайгани бунга ёрқин мисол. Шунингдек, Вадим Меньков ҳам Ўзбекистонда эшак эшиш спорт турига қизиқувчилар сафини кенгайтиришда шундай аҳамият касб этди. Дилноза Раҳматова ва Нилуфар Зокирова эса анъанани давом эттирмоқда. Уларга ҳавас қилиб, минглаб ёш қизларимиз эшак эшиш спорт турини танлагани ва танлаётгани айна ҳақиқат.

Ҳўш, қизлар спортга қандай кириб келди? Машаққатли спорт турини танлашга уларни ким ёки нима мажбур қилди? Кетма-кет ғалабаларнинг сирини нимада? Лағфатли ва айна пайтда матонатли эшак эшувчи Нилуфар Зокирова билан шулар ҳусусида суҳбатлашдик.

Спортга илк қадам

— Спортга қизиқиш акамга ҳавасдан уйғонган. — дейди у. — Акам ҳам дастлаб эшак эшиш билан шуғулланарди. Машғулотларига кўярда-қўймай борардим. Кейинчалик мендаги қизиқишни қўриб, машғулотларга аъзо қилишган. Шу тариқа спортга кириб келганман.

Профессионалик, бу...

— Ҳар бир спортчи ғалаба қозонишни истайди. Йиллар унинг мақсад ва орзуларини ҳам сайқаллаб боради. Дейлик, аввалга Ўзбекистон чемпиони бўлишни хоҳлайди. Бунинг учун тинимсиз ўз устида ишлайди. Бу марра забт этилган, Осиё, кейинчалик жаҳон чемпиони бўлиш, Олимпиада шоҳсупасига кўтарилиш истаги туғилади. Шу тариқа спортчи тинимсиз машғулотлар, мағлубиятлардан чиқарилган тўғри хулосалар, қатъий тартиб-интизомга амал қилган ҳолда

профессионал спортчи бўлиб етишади.

Ҳаракат — муваффақиятлар калити

— Инсонда ҳаракат бўлсагина барчасига эришади. Жумладан, спортда ҳам. Спортчи бўлишни истаган ҳар ким тинимсиз ҳаракатда бўлиши лозим. Спорт турларининг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Масалан, биз қиш кунларида ҳам сувда машғулотларни олиб борамиз. Сабр, ирода ва ўзига ишонч спортчининг энг керакли қуролларидир. Қўлингизда аслаҳа бўлсаю, ундан қаерда қандай фойдаланишни билмаслик ёмон. Шунинг учун спортга келган киши олдида катта мақсад қўйиши керак. Унга эришиш учун эса бор имкониятларидан унумли фойдаланиши лозим. Спортта шунчаки келиш керак эмас, шу йўлни танладими, тамом, ҳаракат қил, ўз устингда ишла, забт этилган марралар билан чекланма, катта марралар томон интил. Боиси бу майдонда фақат кучлиларгина омад кулиб боқади.

Куним сермахсул ўтсин, десангиз...

— Тонгни бадантарбия билан бошлайман. Сиз спортчи бўлмасангиз ҳам ҳар куни эрталаб жисмоний машқларни бажаринг. Чунки организм уйқудан уйғониши, фаол режимга ўтиши керак. Шунда иш кунингиз сермахсул ўтади. Йўқса, кун давомида ҳолсизлик кузатилади. Чунки организм уйқудан тўлиқ уйғонмайди. Кунига 3 соат машғул олиб бораман. Бўш вақтинги табиат қўйнида ўтказаман. Бу паллада хатти-ҳаракатларимни мушоҳада қиламан.

Машғулот, машғулот ва яна машғулот

— Спортчи ҳамиша ўз устида ишлашдан тўхтамаслиги керак. Боиси меҳнат қилган, устида ишлаганига «тишлайди». Агар ўзингиз учун ҳаракат қилмасангиз,



ҳеч ким келажагингизни фаровон қилиб яратиб бермайди. Спортда ҳам худди шундай. Машғулотларда мунтазам қатнашиш, мураббийлар маслаҳатларига амал қилиш, доимо изланишда бўлиш муваффақиятлар калитидир. Йўқса, ҳеч ким келиб бўйингизга медаль илиб кетмайди. Спортчи мусобақага чиқишидан аввал унга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр бўлиши шарт. Боиси курашда спортчининг ҳар бир ҳаракати кўп нарсани ҳал қилади: ё мағлубият, ё ғалаба олиб келади.

Ёш спортчилар ён дафтарига

— Спортчи ука ва сингилларимга маслаҳатим: олдингизга аниқ мақсад қўйинг. Чунки мақсадсиз киши худди қирғоқнинг қаерда эканини билмайдиган сувузчига ўхшайди. Нима қилишни, қаерга боришини билмай, сузиб юриверади. Умри ва қимматли вақти шу зайл ҳавога совурилади. Катта мақсад қўйиб, уни забт этишга ҳаракат қилмаслик эса қўлингизда телефон бор, аммо унинг имкониятларидан фойдаланмаслик кабидир.

Демак, биринчи қадам — мақсад қўйилгач, иккинчи ва учинчи қадамлар учун ҳаракат қилиши керак. Юқори натижага эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Ғалабалар меҳнатсиз қўлга киритилмаслигини англаш керак. Қачонки, бутун

вужудингиз билан шу нарсага интилсангиз, бугун бўлмаса эртага, албатта, маррани забт этасиз.

Таслим бўлсанг, спортни танлама!

— Баъзилар битта-иккита мағлубиятдан сўнг «Бу менинг қўлимдан келмайди», «Мен омадсизман», «Ҳеч қачон ғалаба қозона олмайман», деб спортни ташлаб кетади. Бундай қилиш ярамайди. Агар сиз ҳам шу зайл таслим бўлмоқчи бўлсангиз, яхши, спортни танламанг. Чунки спортчини мағлубиятлар тарбиялайди. Тўғри, омадсизлик ҳеч кимга завқ бағишламайди, аммо ҳар ким «Нега бундай бўлди?», деб ўзига савол бериши керак. «Қаерда хатога йўл қўйдим?», «Нимага эътиборсизлик қилдим?», «Рақибим қайси жиҳатдан мендан ўзиб кетди?» каби саволларни, аввало, ўзингизга беринг, жавоб изланг. Кейинги беллашувга тайёгарликни топишдан жавоблар асосида олиб боринг.

Ишончсизлик спортчини дарҳол таслим қилади. Ўз кучига, иқтидорига ишонган кишигина муваффақиятларга эришади. Акси бўлса, биргина мағлубият уни мақсадларига эришишдан мосуво қилади.

Рисолат МАХСУМОВА
суҳбатлашди.



Халқаро от спорти федерациясининг 2020 йилги
Бош Ассамблеяси онлайн ўтади.

ГАВҲАРШОДБЕГИМНИНГ узук-мухри Эрмитажда сақланадими?

Амир Темури давридан бизга жуда катта илмий-маънавий мерос қолган. Бу каби моддий мерос намуналари бугунги кунда жаҳоннинг йирик музейлари ва шахсий коллекцияларида сақланиб келинмоқда.

Ноёб осориатикалар қандай олиб кетилган?

Халқимизнинг ушбу ноёб бойликларининг тарқалишини турли тарихий сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ҳудудлари Чор Россияси томонидан босиб олиниб, мустамлака давлатга айлантирилган. Рус олимлари томонидан бу ҳудуднинг бой тарихи, флора ва фаунаси, маънавий бойлиги, фойдали қазилмаларига оид маълумотлар мақсадли тадқиқ этилган ва бу ишларга маҳаллий аҳоли ҳам жалб қилинган. Экспедициялар жараёнида тўпланган коллекциялар А.Кун бошчилигида тўзилган комиссияга топширилиб, экспертлар томонидан сараланиб, энг яхшилари Петербург музейи ҳамда кутубхоналарига жўнатилган.

Ўзбекистон миллий меросининг хорижга тарқалиш сабаблари бизгача сақланиб келган архив ва ёзма манбаларда, илмий адабиётларда ёзиб қолдирилган. Унга эса, асосан, археология, этнография ва бошқа соҳалар бўйича илмий экспедициялар ўтказиш мақсадида турли осориатикалар йиғиб олингани, хонликларининг тарқоқлиги, маънавий-маданий бойликка эътибор суи бўлгани, натижада ашёлар хорижга ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб чиқиш кетилгани сабаб сифатида келтирилади. Шунингдек, Буюк Ипак йўли орқали ўтган савдо йўлларида савдогарларнинг бир-бири билан амалга оширган олди-сотди ишлари натижасида ҳам ашёлар хорижга чиқиб кетилган. Ёки бўлмаса, шахсий коллекционерларнинг тўпланган ашёлари алмашув йўли

ёки сотиб юборганликлари орқали моддий-маданий бойликлар хориж музейлари фондларини бойитган. Яна бир муҳим сабаби эса, Совет даврида Марказдан келган меҳмонларга миллий бойликлар тақдим этилиши маънавий-маданий ёдгорликларнинг тарқаб кетишига олиб келган.

Ана шундай дурдоналардан бири, яъни Амир Темурининг тўртинчи ўғли Шохруҳ Мирзонинг суюкли катта хотини Гавҳаршодбегимнинг узук-мухри бугунги кунда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган Давлат Эрмитажиде сақланади.

Гавҳаршодбегим давлатни ўзи идора қилгани?

Маълумот ўрнида айтиш кераки, бу аёл Чигатой зодагонларидан Ғиёсиддин Тархоннинг қизи бўлган. Ривоят қилишларича, Ғиёсиддин Тархоннинг бобокалони – Қушлик бир вақтлар Чингизхон мулозиматида бўлиб, бир жанг асносида уни ўлимдан сақлаб қолган экан. Шундан буён Чигатой улусида бу авлод юксак эътибор ва ҳурматга сазовар бўлган. Гавҳаршодбегим 1379 йилда туғилиб, 1393 йилда Шохруҳ Мирзо никоҳига кирган. Ундан уч ўғилу икки қиз кўрган. Тўнгич ўғли – Улуғбек Мирзо кўрагон (Муҳаммад Тарағай, 1394-1449), ўртанча ўғли – Бойсунғур Мирзо (1397-1433) ва кичик ўғли – Муҳаммад Жўки Мирзо (1401-1445)лардир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гавҳаршодбегим юксак дид-фаросатли, оқила, тадбиркор, суҳандон, бир сўз-ли – қатъиятли, ҳусн бобида ҳам

беназир аёл бўлган. Табиатан диндор Шохруҳ Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Салтанат, девон ишларини ўқтам ва тадбиркор хотини Гавҳаршодбегим бошқарарди.

Бу зийрак аёл қайнотаси Амир Темури вафотидан сўнг секин-асета салтанат ишларини ўз қўлига олди. Зотан, Шохруҳ Мирзонинг ўзи ҳам хотини Гавҳаршодбегимнинг донолигига тан берар, салтанатни бошқаришда оқилона ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турарди. Шу боис салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг назар-эътиборига ҳавола қилинган. Вилоятларга ҳоким тайинлаш, қўшинга саркарда белгилаш, ҳатто кимга қандай инъом ва кимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг инон-ихтиёрида эди. Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳаршодбегим мамлакат равнақи йўлида тинмай ғамхўрлик қилади. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган. Шу боисданми, фарзандлари ҳамда барча набиралари илм-фан мухлислари бўлиб, ҳатто газал ҳам битганлар.

Узук-мухр қаерда ва нимадан ясалган?

Мақолада сўз кетган узук-мухр Гавҳаршод бинти Ғиёсуддин Тархон учун Ҳиротда 1457 йилда қумушдан ясалган. Ўлчамлари: 2,7 x 2,1 см. Бодом шаклида ишланган бу узук-мухр Гавҳаршодбегимдан бизгача сақланиб қолган ягона буюмдир. Унинг отаси Ғиёсуддин Тархон Чигатойзодалардан бўлган. Амир Темури саройида бу оиланинг мавқеи баланд тургани боис Гавҳаршодбегимнинг мухри, шубҳасиз, катта қудратта эга бўлган.

Мухр темурийлар даври хунармандчилигининг ёрқин намунаси бўла олади. Албатта, темурийлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётини бадиий хунармандчиликсиз тасаввур қилиш қийин. Бу даврда металлга бадиий ишлов бериш санъати ниҳоятда ривожланган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, темурийлар даврида подшоҳ буйруқлари махсус фармонларда қайд этилган. Фармонларга қўйиладиган муҳрлар 5 хил бўлиб, турли мақсадларда фойдаланилар эди. Улардан биринчиси амир ва бекларга ҳамда аркони давлатга унвонлар бериш, лавозимларга тайинлаш, мукофотлаш ҳақидаги ҳужжатларга қўйилган. Иккинчиси эса хорижий давлатлар раҳбарларига ёзилган хатлар ва бошқа дипломатик ҳужжатларга қўйилган. Учинчи мухр адлия ишлари борасидаги ҳужжатларга босилган бўлса, тўртинчиси сарой маъмурияти бўлимларига тегишли ҳужжатларга ва охиригиси унчалик муҳим бўлмаган ҳужжатларга қўйилган экан. Шу ўринда айтиш кераки, яна бир ўта маъфий саналган мухр ҳам бўлиб, у узук-мухр дейилган. У энг ишончли шахсларда сақланган. Айрим шохларнинг бу мухри уларнинг суюкли маликасида бўлган. Ўта муҳим фармонлар матнининг охирида шу каби мухр босилган. Шубҳасиз, Гавҳаршодбегимнинг узук-мухри ҳам ана шундай юқори қийматта эга бўлган.

Бугунги кунда Темурийлар тарихи давлат музейида ушбу узук-мухрнинг нусхаси сақланмоқда.

Диляфрўз ҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Ўзбекистон
тарихи давлат музейи бўлими
бошлиғи, тарих фанлари
доктори.



Китоб геология миллий табиат
боғи ташкил этилади.

ПАНДЕМИЯ

Блокатор вирусдан химоя қиладими?

Дорихоналарда коронавирусдан химоя қиладиган қиммат бейдж (вирус блокатор) сотилмоқда. Айтишларича, у 2 метр масофага химоя қилармиш. Бейдж — сотиб олишга арзийдими?



Нодира ОРТИҚОВА.
Тошкент шаҳри.

Ҳабибулла ОҚИЛОВ, Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси:

— Вируслар блокатори — Японияда кашф қилинган индивидуал бейдж, ҳозирги вақтда Россия компаниялари ҳам уни ишлаб чиқаришмоқда. Кашфиётчиларнинг таъкидлашича, бейджга киритилган диоксид хлорид моддаси инсон атрофидаги ҳавони зарарсизлантиришга ва бактерия, вирус ва кўзқоринларни йўқ қилишга ёрдам беради.

Афсуски, бундай баёнотлар бейджлар ҳақиқатдан инсон атрофида тозаланиши таъминлашга қодирлигини далилловчи бирор асосланган илмий мақолага таянмаган. Диоксид хлор буғ шаклида А грипп вируси фаоллигини пасайтиради, бунинг учун уни сепиш керак, пластик ёки қоғозга киритиш эмас. Бундан ташқари, тажрибада моддани фақат битта касаллик кўзгатувчисидан синовдан ўтказишган, ишлаб чиқарувчилар эса барча мавжуд микроорганизмлардан 99 фоизга химоялашни айтишмоқда.

ҲУҚУҚ

Кекса ёшдаги шахсларга қараган давр иш стажы ҳисобланадими?

Отам билан бирга ёлғиз яшаймиз. Улар 12 йилдан буён I гуруҳ ногирони. Мустақил ҳаракатланиш имкониятига эга эмаслар. Отам 84 ёшдалар. Кекса ёшдаги шахсларга қараган давр иш стажы ҳисобланиши ростми?

Бердиёр МУҲАММАДЖОНОВ.
Тошкент вилояти.

Санжар РАҲМОНҚУЛОВ, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси:

— Амалдаги қонунчиликка кўра, I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшга бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваршига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига кўшиб ҳисобланади. Бунда умумий иш стажы камида 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшилиди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Абитуриентлар қайси ДХМ орқали ҳужжат топширишади?

Айтишларича, абитуриентлар олий таълим муассасаларига ҳужжатларни барча Давлат хизматлари марказлари орқали топшира олмас экан. Ҳужжатлар қайси Давлат хизматлари марказларида қабул қилинадиган бўлди?



Абад ТУРСУНОВ.
Мўйноқ тумани.



Фарҳод БАБАШЕВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот котиби:

— Абитуриентлар Давлат комиссиясининг баёни билан 2020/2021 ўқув йили қабулида олий таълим муассасаларига кириш синовларида иштирок этиш учун Мўйноқ, Қонимех, Томди, Узун, Бойсун, Сўх, Фарғона ва Сардоба туманларидаги Давлат хизматлари марказлари орқали ҳужжат топширишади. Қолган ҳудудлардаги абитуриентлар фақат abitur.dtm.uz ёки my.gov.uz веб-сайти орқали онлайн ҳужжат топширишади. Бундан юқоридики айтилган туманлардаги абитуриентлар ҳам фойдаланиши мумкин.

СОЛИҚ

Фойда солиғидан чегириладими?

Айни вақтда карантин муносабати билан бизнинг корхона ниқоблар, антибактериал воситалар, хлор ва бошқалар сотиб олмақда. Айтинг-чи, фойда солиғи бўйича ушбу харажатлар чегириладиган ҳисобланадими?



Обид ТўЛАНОВ.
Наманган вилояти.



Дилдора ҲОШИМОВА, Давлат солиқ кўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

— Солиқ кодексининг 317-моддасининг 18-бандига мувофиқ, даромад олишга қаратилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай харажатларни амалга ошириш мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига юклатилмаган бўлса ушбу харажатлар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади. Шу боис даромад олиш билан боғлиқ фаолиятга тегишли бўлмаган ҳолда ниқоблар, антибактериал ва бошқа дезинфекция воситалари сотиб олиш бўйича харажатлар, фойда солиғи базасини аниқлашда чегирилмайди.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

Хориждан қайтиб келган фуқарога пенсия пули тўланмайдими?



Фуқаро хорижга кетиб, 3 йилдан сўнг Ўзбекистонга қайтиб келганда унинг пенсия миқдори тўлиқ тўланмайдими?

Бекжон ЭСОНОВ.
Хоразм вилояти.

Даврон ПОЗИЛОВ, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга асосан, пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин у томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги ўн икки ойдан ошмаган давр учун тўланиши белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, Пенсия жамғармаси бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўлаб берилди.

Бунда, ўтган давр учун тўловлар бир йўла тегишли ойлار учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ва олинмаган пенсиянинг суммаларига мос миқдорда тўланади. Мисол учун, фуқаро 2016 йилнинг февраль ойида Россия Федерациясига чиқиб кетиб, Ўзбекистон Республикасига 2018 йилнинг апрель ойида қайтиб келганида, унга ўз вақтида олинмай қолган пенсия фақат ўтган 12 ой учун бир йўла тўлаб берилди. Бунда, 12 ойлик пенсия миқдори барча оширишларни ҳисобга олган ҳолда тўланади.